R 496
1983/5



ГУЛИСТОН

5
1983



КАРЛ МАРКС

КАРЛ МАРКС

Давр олға босғани сари Маркс ҳаётий жасоратининг моҳияти ва кўлами янада равшанлашиб бораверади.

Ю. В. АНДРОПОВ

Инсониятнинг буюк доҳийси, илмий коммунизм асосчиси, халқаро пролетариат мураббийси Карл Маркс таваллудига юз олтмиш беш йил, вафотига юз йил тўлди. Ана шу ўтган давр ичида жаҳонда буюк революцион ўзгаришлар содир бўлди. Ижтимоий тараққиёт қонунларини очиб берган, дунёни коммунистик қайта қуриш назарияси билан қуроллантирган марксизм жаҳон афкор оммаси қалбини ва онгини забт этишда, революцион тафаккурнинг равнақига таъсир қилишда давом этмоқда.

Минг йиллар давомида инсоният эксплуатациядан, зулм ва жаҳолатдан холи бўлган адолатли тузумни орзу қилиб келди. Кишиларнинг буюк ақл эгалари бу йўлда машаққат билан тинимсиз изландилар. Халқ бахт-саодати учун курашларда кўплаб ақл-заковат соҳиблари ўзларининг жонларини қурбон қилдилар. Марксизмнинг буюк фаолияти туфайлигина кишилик тарихида илк бор революцион кураш ғоялари амалиёт билан чамбарчас боғланди. Шунинг учун Маркс сиймосида ижтимоий фанларда буюк ўзгариш ясаган гениал мутафаккир ва ишчилар ҳаракатини ижтимоий тараққиётнинг қудратли кучига айланишига ёрдам берган толмас революцион курашчи гавдаланади.

Карл Маркс классик немис философияси, инглиз сиёсий иқтисоди, француз утопик социализмининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этибгина қолмасдан, уларни танқидий ўзлаштирган ҳолда янада олдинга кетди. «Философлар оламни турлича **изоҳлаб келдилар,** холос, лекин гап — уни **ўзгартиришдадир»,**— деган машҳур доҳиёна шиорни ўртага ташлаган Карл Маркс ўзининг фавқулодда онгини, иродасини, бутун ҳаётини дунёни революцион тарзда ўзгартириш ишига сафарбар этди. Бу курашда унинг сафдоши ва маслакдоши Фридрих Энгельс доим елкадош бўлди.

Диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм назариясини яхлит ҳолда бирлаштирган Маркс таълимоти чуқур социал ўзгартишлар йўлини ёритиб берди, ишчилар синфини ҳақиқий революцион дунёқараш билан қуроллантирди. У капиталистик ишлаб чиқариш сирларини фош этди, капитал томонидан меҳнатни эксплуатация қилиш моҳиятини очиб берди, ана шу йўл билан қўшимча қиймат қай тарзда вужудга келиши ва унинг кимлар томонидан ўзлаштирилишини кўрсатди.

Маркснинг икки буюк кашфиёти — тарихни материалистик тушуниш ва қўшимча қиймат назарияси социализмни утопиядан фанга айлантириш, синфий курашга илмий ёндашиш имкониятини берди. Марксниинг ўзи синфлар ва синфий кураш ҳақидаги марксистик назариянинг специфик хусусиятларини шундай таърифлади: «Мен қилган янги нарса қуйидагиларни исбот қилишдан иборат бўлди: 1) **синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий фазаларига**нинг боғлиқдир; 2) синфий кураш албатта **пролетариат диктатурасига** олиб боради; 3) бу диктатуранинг ўзи **ҳар қандай синфларни йўқ қилиб, синфсиз жамиятга ўтишдан иборат...»**

Маркс Биринчи Интернационалга асос солиб, халқаро ишчилар бирлигини вужудга келтирди. Маркс ва Энгельснинг жаҳон коммунистларига сиёсий васияти бўлиб қолган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган машҳур оташин шиори меҳнаткашларни курашларга сафарбар этишда жаҳоншумул-тарихий роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, рўй бераётган барча муҳим социал жараёнлар Карл Марксниинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлди. У 1871 йилги Париж Коммунасини пролетариат диктатураси ўрнатиш йўлидаги биринчи уриниш деб табриклади, унга мумкин бўлган ҳамма ёрдамни уюштирди, у ағдарилгандан кейин эса унинг тарихий тажрибасини умумлаштириб берди. Бу тажриба пролетар революцияси давомида эски давлат машинаси пачақлаб ташлангандан кейин уни бошқаси билан алмаштириш зарурлигини кўрсатди. Коммуна сабоқларидан келиб чиқадиган иккинчи хулоса эса ишчилар синфи сиёсий курашининг муҳимлиги ва пролетар партиясини тузиш зарурлигидан иборатдир.

Биринчи марта Маркс томонидан ишлаб чиқилган ва татбиқ қилинган материалистик диалектика методи, мукаммал ва равшан илмий дунёқараш, ниҳоят марксизмнинг амалий суратда революцион якуни бўлган коммунизм ҳақидаги таълимот жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, тарих қонуниятларининг моҳиятини илмий тарзда англаш намунаси бўлиб қолди.

Ижтимоий адолатга чанқоқлик, меҳнат кишиларига муҳаббат, эзувчиларга нафрат, тарихнинг ҳақиқий яратувчилари бўлган халқ оммасининг битмас-туганмас қудратига ишонч Марксниинг доҳиёна тафаккурини ҳаракатга келтирган омиллар эди. Амалиётда ҳам қудратли бўлган Маркс таълимотини В. И. Ленин янги давр шароитида ривожлантирди ва ҳаётга татбиқ этди.

Жаҳон қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси марксча-ленинча фаннинг тарихий ҳаққонийлигини тасдиқлади, бу таълимот реал социализм муваффақиятларида моддийлашди. Марксизм-ленинизмнинг ҳаётий қудрати ва истиқболи деярли барча мамлакатлар ва халқлар ҳаётида, жаҳон революцион жараёнида аниқ-равшан кўзга ташланиб турибди.

«Маркс таълимоти қудратли, чунки у тўғри таълимот», деган эди В. И. Ленин. Ҳақиқатан инсоният бахт-саодати учун курашга ўзини батамом сафарбар этган, жамиятни социал адолат асосида революцион йўл билан қайта қуришни ўз таълимоти асосига қўйган буюк даҳо — Карл Маркс номини инсоният ҳамиша катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

К. Марксниинг вафоти муносабати билан Ф. Энгельс шундай деб ёзган эди: «Партиямизнинг энг қудратли ақл соҳиби фикрлашдан тўхтади... мен билган энг кучли юрак урмай қўйди... Инсоният ўзининг бир доно кишисидан, шунда ҳам давримиздаги доноларнинг доносидан жудо бўлди». Маркс қабри устида сўзлаган нутқини эса Энгельс қуйидаги башоратли сўзлар билан якунлаган эди: «Унинг номи ҳам, иши ҳам абадий яшайжак!»

Янги тарихий шароитларда В. И. Ленин томонидан янада ривожлантирилган, КПСС, халқаро коммунистик ҳаракатнинг революцион тажрибаси ва назарий фаолияти билан бойитилган марксизм таълимоти инсониятнинг тарихий тақдирига тобора кучли таъсир кўрсатмоқда.

Марксизм-ленинизм принципларига ўта садоқат туфайли шонли КПСС раҳбарлиги остида ишчилар синфи, меҳнаткашлар социалистик жамият бунёд этдиларки, бу жамият юксак етуклик поғонасига кўтарилди. Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар жаҳон афкор оммаси учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат этмоқда.

Марксчи-ленинчилар учун, ҳақиқий коммунистлар учун интернационал бирдамлик принципларига садоқат энг муқаддас туйғудир. Социалистик интернационализм принципларини изчил амалга ошириш Совет Иттифоқини бунёд этиш ва ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу йўл қардош социалистик мамлакатлар бирдамлигини, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳамкорлигини мустаҳкамлаш намунаси ҳамдир.

Совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун илҳомбахш меҳнат билан машғул. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, давлат ва маданий қурилишда янада юксак самараларни қўлга киритиш, халқ фаровонлигини таъминлаш Коммунистик партиямиз сиёсатининг негизидир. Шунинг учун ҳам марксизм-ленинизм таълимотини чуқур ва ижодий ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ эта билиш ҳаммамиз учун жанговар вазифадир.

Маркс — Энгельс — Ленин таълимоти инсониятга энг порлоқ истиқбол йўлларини ёритиб турибди. Тинчлик, социал адолат ва тараққиёт идеалларининг оқибат-натижада бутун ер юзида тантана қилишига заррача шубҳа йўқ.

Ғафур ҒУЛОМ,
Ленин мукофоти лауреати

ЙИГИТЛАРГА

Йигитлар халқларнинг мақтови-кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат,
Қизлар кулгисида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир, ўз йигитинг қадами учун
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир.
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир, ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойдор қилган аскарсиз.
Сиз ахир, улуғ юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз..

Лаънати галалар ердан суприлди,
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда,
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон;
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздирсиз посбон.

ГБ УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 5 (399)
Май
1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон» № 5. 1983 й.

ЛЕНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

Мелихон ОХУНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН.

Бу ном Ер куррасидаги барча қитъа халқлари ва элатлари учун ҳамиша азиз ва муқаддас бўлиб қолаверади. Чунки Ленин сиймосида тараққийпарвар инсониятнинг, жаҳон афкор оммасининг, бутун меҳнат аҳлининг орзу-умидлари мужассам. Эркпарвар, заҳматкаш миллионлаб кишилар у яратган ленинизм таълимоти замирида капиталистик қуллик зулмидан халос бўлишнинг, энг адолатли ижтимоий тузум — социализм ва коммунизм ғалабасига эришишнинг бирдан-бир ишончли йўли кўрсатиб берилганлигини яхши биладилар. Ленинизм ғоялари жаҳон социалистик системаси мамлакатларида рўёбга чиқиб, капитал зулми остидаги мамлакатлар меҳнаткашларини, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг халқларини тинчлик, демократия ва социализм учун курашларга сафарбар этаётганлиги бу таълимотнинг енгилмаслигидан, инсоният учун ҳамиша йўлчи юлдуз бўлиб қолишидан далолатдир.

Ленин Ер куррасидаги барча халқларнинг, жумладан, Шарқ халқларининг устози, йўлбошчиси ва дўсти эди. Доҳий уларнинг ёрқин истиқболини башорат қилди. Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқи тарихий тақдирининг Ленин назарига тушиши жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Доҳиймиз Октябрь инқилобидан бир неча йиллар аввал Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини диққат билан ўрганиб чиқди, афкор омманинг икки томонлама зулмга қарши курашини зийраклик билан кузатиб борди. В. И. Ленин Россия пролетариатининг қардошларча ёрдами, Большевиклар партиясининг бошчилигида бу курашнинг, албатта, ғалаба қозонишига ишонч билдирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Ўрта Осиёда Лениннинг башорати рўёбга чиқди. Доҳиймизнинг шахсан ўзи бу ўлкадаги социалистик қурилишнинг дастлабки босқичларига раҳбарлик қилди. Пролетар интернационализмининг ҳаётбахш таъсири, ёш Советлар мамлакати халқларининг дўстлиги ва қардошлиги остида Ўзбекистонда ҳам янги жамият барпо этилди.

Ана шу йилларда Совет ҳокимиятининг дастлабки Декретлари, В. И. Ленин Декретлари ҳаётга изчил тадбиқ этила бошланди. Мазкур Декретлар асосида Совет ҳокимиятининг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлари Ўзбекистонда ҳам амалга оширила борди. Ушбу тадбирлар кўлами ва мақсадлари нақадар беқиёс эди. Ленин уларни аниқ ва равшан белгилаб берди. Ўзбекистоннинг ва бутун Ўрта Осиёнинг саноатини тез тараққий эттириш муҳим роль ўйнаяжак, зотан бу ўлкаларда кам тараққий этган саноат социализмга ўтиш учун моддий база бўлолмайди, деб кўрсатди доҳиймиз.

Ерларни сунъий суғориш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, деҳқонларнинг коллектив куч-қудрати асосида пахтачиликни ва бутун қишлоқ хўжалигини тез тараққий эттириш имкониятларини юзага чиқармасдан туриб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданий даражасини кўтариш, уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, буюк социал ўзгартишларга сафарбар этиш мушкул эди. Ленин даҳоси туфайли ўзбек халқи ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари феодализмдан капитализмни четлаб ўтган ҳолда социализм жамиятини барпо этишга киришдилар.

Доҳиймиз Ватан пахтачилигининг асосий базаси сифатида Ўзбекистоннинг роли тинимсиз суратда ўсиб боришини башорат қилди. У пахтачилик тараққиётини социалистик қурилишни муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири деб билди. Шунинг учун Ўзбекистонда кенг суратда суғориш ишларини олиб бориш ва бутун территорияни электрлаштириш ишларига В. И. Ленин бошқош бўлди. Доҳиймизнинг қуйидаги сўзлари машҳурлигининг боиси ҳам шундан: «Ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу нарса ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

1918 йилнинг 17 май куни доҳиймиз Совет ҳукуматининг Туркистонда суғориш ва уни ташкил этиш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги Декретга имзо чекди. В. И. Ленин ташаббуси билан Ўзбекистонда саноат базасини вужудга келтиришга киришилди. 1920—1922 йиллар мобайнида Фарғона ва Марғилондаги фабрикалар учун пиллакашлик, йигирув ва тўқув дастгоҳлари, Бухородаги қоғоз фабрикаси учун марказдан асбоб-ускуналар жўнатилди.

Ўзбекистонда ёш коммунистик ҳаракатга ва Совет органларига раҳбарлик ёрдами кўрсатиш зарурлиги ҳам доҳиймизнинг диққат марказида бўлди. В. И. Ленин сафдошларидан И. И. Ногин, П. Н. Лепешинский, В. В. Куйбишев каби машҳур давлат ва сиёсат арбоблари Ўзбекистонда ишлашга сафарбар этилдилар.

Совет Шарқи халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақи тимсолида В. И. Ленин оламшумул тарихий аҳамиятга молик вазифани диққат марказида тутарди. Совет Шарқи мамлакатларининг қолоқ мустамлака ўлкаларидан социализм ўчоқларига айланиши Советлар мамлакатининг буюк аҳамиятга молик ички ишигина эмас, бу беқиёс даражада халқаро аҳамиятга эга иш ҳамдир, деб таъкидлаган эди доҳиймиз.

В. И. Ленин вафотидан кейин партия ва халқ доҳийсининг СССР халқларининг амалий суратдаги тенглигини таъминлаш, Совет Шарқи, жумладан, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш, меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари қатъият ва изчиллик билан амалга оша борди. Социалистик қурилиш жараёнида Ўзбекистоннинг чоризмдан мерос қолган иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишдек тарихий вазифа ҳам муваффақиятли ҳал этилди. Бир пайтларда патриархал қолоқлик ҳукм сурган ўлкалар ўрнида саноати юксак даражада тараққий этган, қишлоқ хўжалиги механизмлашган, фан ва маданияти гуллаб-яшнаган социалистик республикалар вужудга келди. Улар орасида Ўзбекистон ўзининг алоҳида салмоғи билан ажралиб туради.

Совет ҳокимияти йиллари ичида республика меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳасида оламшумул-тарихий ғалабаларни қўлга киритдилар. Ўзбекистон саноатининг ялпи маҳсулот ҳажми 1924 йилга нисбатан 216 баравар ўсди. Ҳозирги пайтда республикада саноат ишлаб чиқаришининг юздан зиёд тармоғини ўзида мужассам этган 1 минг 662 йирик замонавий саноат корхоналари ишлаб турибди. Жамиятнинг авангард қисми — ишчилар синфи вужудга келди ва камол топди. Октябрь инқилобига қадар Ўзбекистонда ишчилар сони атиги 18 минг киши эди. Ҳозирги пайтда улар 3,5 миллион кишидан иборат қудратли, яратувчи кучга айландилар. Эндиликда ўнлаб машинасозлик заводлари, йирик металлургия базаси, кўплаб кимё саноати корхоналари Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасини белгилаб турибди.

Республикамиз ҳозирги пайтда минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқда учинчи ўринни эгаллайди. Ўлкамиз рангли металлургия, электротехника, электроника, авиасозлик саноатининг йирик марказларидан бири бўлиб қолди. Унинг территорияси газ қувурлари билан қопланди. Бухоро гази Ўзбекистон сарҳадларидан ошиб, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қардош республикалар территориясигагина эмас, балки Урал ва Москвага ҳам етиб борди ва қардошлик, биродарликнинг рамзига айланди. Мингдан зиёд завод ва фабрикаларимизнинг маҳсулотлари СССРдаги барча иттифоқдош республикаларда машҳур. Кўплаб хорижий мамлакатларда бизда етиштирилган маҳсулотларга талаб катта.

Асосини пахтачилик ташкил этган республикамиз қишлоқ хўжалиги ўтган беш йилликлар давомида буюк муваффақиятларга эришди. Инқилобга қадар, 1913 йили Ўзбекистонда етиштирилган пахта хомашёсининг миқдори 521 минг тоннани ташкил этган эди, 1980 йилдан бошлаб эса, «оқ олтин»нинг умумий ҳосили 6 миллион тоннадан зиёд бўла бошлади. Пахта ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўринга чиқди, ҳосилдорлик жиҳатидан эса, пахта етиштирувчи барча мамлакатларни ортда қолдирди.

Қоракўлчилик ва пиллачилик, боғдорчилик ва узумчилик, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган каноп ишлаб чиқаришда биз эришган тараққиёт даражаси ҳам беқиёс. Қоракўл терининг 35 проценти, пилланинг ярмидан кўпи, каноп поясининг 90 процентдан ортиғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Республика колхоз ва совхозлари замонавий бой техника билан қуролланган, ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизмлашган йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарига айланди. 160 мингдан зиёд тракторлар, 37,6 минг пахта териш машиналари, юз мингдан ортиқ бошқа турли-туман техника туфайли қишлоқ меҳнат аҳлининг мушкули осонлашди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ялпи маҳсулоти Совет ҳокимияти йиллари ичида 5 баравар ўсди.

Буларнинг барчаси буюк доҳиймиз В. И. Лениннинг орзу-ниятлари рўёбга чиққанлиги ва чиқаётганлигидан далолат. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация ишлари, айниқса кенг ривож топди. Ҳозир республикада қурилган 20 та йирик сув омборларида 8 миллиард куб метр обиҳаёт тўпланган. Суғориш шохобчаларининг умумий узунлиги —160 минг километр.

Маданият соҳасида Ўзбекистонда туб ўзгаришлар содир бўлди. Совет Шарқи тупроғида маданий революция жараёнларининг гувоҳи бўлиш Лениннинг ўзига насиб этмади, лекин доҳиймиз васиятларига биноан маданий революцияни амалга оширишга партия ва халқнинг ҳаракатлари тобора самаралироқ бўла борди.

Ўзбекистон амалда аллақачонлар ёппасига саводхон ўлкага айланган. 1959 йилдаёқ республикада 9 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳоли ўртасидаги саводхонлик 98 процентни ташкил этган эди.

В. И. Ленин йўлланмаси билан Ўзбекистонга келган «Фан поезди»нинг илм-фан тараққиётидаги самараларини бугунги кунда қувонч билан эътироф этамиз. Доҳий имзо чеккан Декрет билан ташкил топган дорилфунун бугунги кунда энг йирик илмий марказлардан бири бўлиб қолди. Тошкент Давлат университети В. И. Ленин номи билан аталишидан қалбларимизда чинакамига фахр ҳисси туямиз.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳар 10 минг кишига 176 студент тўғри келмоқда, бу рақам Францияда 142, Италияда 120, Англияда 80 кишини ташкил этади. Фақат ўнинчи беш йиллик мобайнидаёқ республика халқ хўжалиги учун деярли ярим миллион мутахассис тайёрланди.

Ўзбекистон — Совет Шарқининг энг йирик илмий марказларидан бири. 200 га яқин илмий тадқиқот муассасаларида 36 мингдан зиёд илмий ходим фаолият кўрсатмоқда. Бу, Октябрь инқилоби арафасида бутун чор Россиясидаги илмий ходимлар сонидан кўпдир. Кўп миллатли илмий ходимлар оиласининг ярмидан ортиғини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этади. Республика Фанлар академияси ўзининг 35 та илмий-тадқиқот институтларига эга.

Владимир Ильич Ленин даҳоси туфайли тарихан жуда қисқа давр ичида Ўзбекистон тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилди. Эндиликда республикамизнинг ўзи Осиё, Африка, Лотин Америкаси қитъаларидаги ёш, ривожланаётган мамлакатларга илмий-техникавий ёрдам кўрсатмоқда, ўзининг олий ўқув юртларида ушбу мамлакатларнинг ёшларига илм-фан сирларини ўргатмоқда. Совет Ўзбекистонининг халқаро майдондаги обрў-нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Буларнинг барчасида Владимир Ильич Ленин доҳиёна кўрсатмаларининг ҳаётдаги жонли, реал ифодаси ҳамда Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги самаралари мужассам.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андропов СССРнинг 60 йиллиги ҳақида қилган докладида таъкидлаганидек: «Лениннинг васиятлари, Лениннинг миллий сиёсат принциплари биз учун муқаддасдир. Биз шу васиятлар ва принципларга таяниб, уларни амалда изчиллик билан қарор топтириб, қудратли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этдик. Бу давлатнинг ташкил қилиниши социализмни ривожлантиришда катта қадамгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришидаги энг муҳим бурилиш пайтларидан бири ҳам бўлди».

КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитети Май ва Ноябрь (1982 йил) пленумлари тарихий қарорларидан илҳомланган республика меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг улуғвор топшириқларини, партиямиз томонидан ишлаб чиқилган Озиқ-овқат программаси вазифаларини бажариш учун бутун куч ва билимларини, қалб қўрларини сафарбар деб билмоқдалар. Бу, партия ва халқ доҳийси, тинчлик ва коммунизм учун буюк байроқдор В. И. Лениннинг ёрқин хотираси олдида ўзларининг ҳамиша бурчли эканликлари ифодаси ҳамдир.

ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ДАЪВАТИ

Шу йил 28 мартда республикамиз қишлоқ хўжалик илғорлари В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройида ўзларининг анъанавий қурултойларига йиғилдилар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилган ютуқларни, илғор тажриба ва иш усулларини сарҳисоб қилдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. Ж. Худойбердиев** 1982 хўжалик йилининг асосий якунлари ва ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили вазифалари тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозининг агроучасткаси бошлиғи **З. Мўминов**, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **А. Ким**, Томди район партия комитетининг биринчи секретари **А. Елимесов**, Кўкдала районидаги «Чорвадор» совхозининг бош чўпони **Б. Давлатов**, Жиззах районидаги Жданов номли совхознинг бригадири **К. Йўлдошев** ва бошқа ўртоқлар ўтган йил ишлаб чиқаришда қўлланилган илғор усуллар ҳақида гапирдилар, тажрибаларини кенгаш қатнашчилари билан ўртоқлашдилар. Нотиқлар қўлга киритилган муваффақиятлар билан бирга бир қатор колхоз ва совхозларда ҳали мавжуд резервлар етарли фойдаланилмаётганлиги, баъзи хўжаликлар бир хил шароитларда қишлоқ хўжалик экинларидан турлича ҳосил олаётганликларини қайд этдилар. Улар ўртача ҳосил олаётган бўлимлар ва бригадаларни илғорлар даражасига етказиш қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини оширишда муҳим резерв эканлигини таъкидладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** қурултойда нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича 1983 йил учун юксак мажбуриятлар қабул қилдилар.

Фотомухбиримиз бу анжуманда қатнашиб, қурултойнинг айрим қатнашчиларини суратга олди:

1. Чортоқ районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг бригадири **Меҳринисо Қозоқова** (ўнгда) ҳамда шу райондаги Навоий номли колхознинг ёш сут соғувчиси **Маҳмуда Тиллабоева** ҳам ўтган йили юқори кўрсаткичларга эришдилар.
2. Шаҳрисабз районидаги «Социализм» колхозининг юқори ҳосилли пахтачилик бригадаси бошлиғи, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Каромат Қудратова** бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.

Н. Шарипов фотолари

АРПАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Арпа дони бош оғриғини қолдирадиган, баъзи бир асаб касалликларида, жисмоний қувватсизликда ёрдам берадиган углевод, оқсил, мой, минерал моддалар ва витаминларга бойдир. Арпадан озиқ-овқат саноатида ёрма ҳамда ун ишлаб чиқарилади. Ундан тайёрланадиган маставага ёки бўтқага қичитқи ўт билан қоқининг барра барглари аралаштирилса, бу овқат ёпишиш хусусиятига эга бўлиб, йўғон ичак яллиғланиши ва энтероколит касалликлари билан оғирган беморларни даволашда, шунингдек, қонни яхшилашда қўлланилади. Бироқ хроник ва оғир жароҳатланган ичак касалликларида бундай овқатларни истеъмол қилиш ярамайди. Балки уларга арпа суви ва қайнатмаси ичирилади. Арпа қайнатмасини тайёрлаш учун икки қошиқ арпа дони бир стакан уй ҳароратидаги сувга солиниб, 3 соатдан 5 соатгача қориштирилади. Кейин қайнаш даражасигача олиб борилиб, 5—7 минут қайнатилади ва совутиб қўйилади. Тайёрланган қайнатма бошқа идишга солинади. Унинг ҳаммасини кун бўйи ҳар икки соатда овқат олдидан бир ош қошиқдан ичилади. Қайнатмани 5—10 кун давомида қабул қилиш тавсия этилади.

Арпа қайнатмаси овқат ҳазми бузилганда, ичбуруғ касали ўтгандан кейин, заҳарли моддалар билан заҳарланганда, юқори нафас аъзолари касалланганда, нафас йўлларининг йўталли ўткир яллиғланишида ҳам қўлланилади. Арпа қайнатмаси шамолда қовжираган терини юмшатади. Бунинг учун қайнатмани юзга суриб, ярим соат ётилади ва илимиқ сув билан ювиб ташланади. Бу муолижа кунора ва албатта кечаси амалга оширилмоғи зарур.

Арпа донидан майсатолқон ҳам тайёрланади. Бунинг учун арпа дони ундирилади, сўнгра қуритилади ва майдаланади. Ҳосил бўлган толқонда витаминлар кўп бўлади, шу жумладан биологик жиҳатдан таъсирчан, зарарсизлантириш ва яллиғланишга қарши хосиятга эга бўлган витамин Е ҳам бор. Шунингдек, арпа майсаси унидан худди арпа донидан қилингандек қайнатма ҳам тайёрлаш мумкин. Уни жигари оғриганлар ҳар кунига уч маҳал бир чой қошиқдан ичиши мумкин. Оқсили кўпайтирилган майса толқондан саноатда арпа кофеси ишлаб чиқарилаётир. У инсон вужудини тетиклаштиради ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашади. Айниқса, у кексаларга жуда ҳам фойдали бўлиб, ҳеч қандай зиён келтирмайди, ёмон таъсир қилмайди, аксинча умрни узайтиради.

А. ТУРОВА,
медицина фанлари
доктори, профессор

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН МАШЪАЛИ

Интернационализм байроғи остида

Шу йил 16—17 февраль кунлари Тошкентда «Етук социализм босқичида СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан уюштирилди. Конференцияда таниқли совет жамиятшунослари, қардош республикаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари намояндалари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари иштирок этдилар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. И. Федосеев конференцияни кириш нутқи билан очди. СССР ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги байрам қилиниши, деб уқтирди у, совет жамияти тарихий муваффақиятларининг, социалистик миллатлар равнақининг, Ватанимиздаги барча халқлар метиндек бирлигининг, совет кишилари Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойиши бўлди. Бизнинг социал-иқтисодий, илмий ва маданий соҳадаги ғалабаларимиз, реал социалистик демократиямиз чинакам инсонпарвар турмуш тарзимиз ленинизмнинг улуғ тарихий ҳаққонийлигини, социализмнинг ҳаётийлигини ва ижодий кучини кўрсатиб турибди .

Биз ҳаммамиз, деди нотиқ, Совет Ўзбекистонининг катта интернационал анъаналарини яхши биламиз. Ушбу илмий конференциянинг бу ерда ўтказилиши ҳаммамизда чуқур мамнуният туйғуларини уйғотади. Илмий конференцияни Тошкентда ўтказиш имкониятини ва унинг самарали ишлаш шароитини яратиб берган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Академик П. Н. Федосеев ўз нутқида илмий коммунизмнинг асосчиси, доҳий, улуғ олим ва революционер Карл Маркс пролетар интернационализмининг эҳтиросли жарчиси бўлганлиги хусусида, шу буюк таълимотнинг доҳий Ленин ва бошқа издошлари томонидан рўёбга чиқарилганлиги тўғрисида, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва етук социализм тантаналари ҳақида қисқача тўхталди ва конференцияни очиқ деб эълон қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг олтмиш йиллиги» тўғрисидаги доклади асосида СССР халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари» ҳақида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Кўпмиллатли Совет давлатининг социал тараққиёт чўққилари сари кўтарилиш йўли, дея таъкидлаб ўтди ўз докладида ўртоқ Ш. Р. Рашидов, ҳозир, саксонинчи йиллар маррасида ўзининг бутун салобати билан намоён бўлиб турибди. Ягона бир оилага бирлашган қардошларча дўстликнинг пишиқ ришталари билан жипслашган қаҳрамон совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида социалистик жамият қуришнинг катта йўлини биринчи бўлиб очиб берди, эндиликда юз миллионлаб кишилар шу йўлдан бормоқдалар ва бутун инсоният ҳам шу йўлдан боради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг «СССРнинг олтмиш йиллиги» тўғрисидаги Доклади партиямизнинг ленинча донолигини, унинг коллектив тажрибасини, совет халқи баҳодирона жасоратининг улуғворлигини ўзида мужассамлаштирди. Шу докладда ижтимоий ривожланишнинг етилган проблемалари, унинг жараёнлари ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар таърифлаб берилди.

Партия ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширганлиги сабабли мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар ўртасида тарихда мисли кўрилмаган муносабатлар шаклланганлиги, ҳар бир республикада меҳнатнинг юксак даражада самарадорлигини таъминлайдиган энг қулай иқтисодий, табиий ва социал шароитлар мавжудлиги, тарихан қисқа муддат ичида республикамизда қудратли иқтисодий куч-қудрат вужудга келганлиги, совет халқининг интернационал бирлиги иқтисодий соҳадагина эмас, шу билан бирга сиёсатда, маънавий турмушда ҳам ўз ифодасини топаётганлиги борасида докладчи батафсил тўхталди.

Шунингдек, докладда 1977 йилда қабул этилган СССР Конституцияси халқларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини янада равнақ топтиришда кўмаклашаётганлиги, рус тили ҳар бир миллат ва элатни ривожлантиришда катта роль ўйнаётганлиги ва уни билиш ҳаётий заруратга айланганлиги, республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат намояндалари аҳил бир оила бўлиб яшаётганликлари ҳамда ёнма-ён туриб меҳнат қилаётганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил Ноябрь пленумининг партия, давлат ва меҳнат интизомини ҳар қандай бузиш ҳолларига қарши янада кескин кураш олиб бориш, дабдабали сўзларга эмас, балки амалий жойда ишга асосий эътибор бериш, экономиканинг самарадорлигини ошириш ҳар бир иттифоқдош республиканинг, ҳар бир областнинг умумхалқ мулкига кўпроқ ҳисса қўшишига эришиш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаётирлар.

Мамлакатда қудратли илмий потенциал вужудга келтирилганлиги натижасида республикалардаги академиялар ва илмий марказларнинг имкониятлари йил сайин ўсиб бораётганлиги, миллий муносабатлар, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш — Коммунистик партиянинг саботли назарий ва ташкилотчилик фаолияти натижаси эканлиги, халқларимизнинг умумий ишига имкони борича кўпроқ ҳисса қўшиш ишчилар синфининг, колхозчи-деҳқонларнинг ҳамда зиёлиларнинг олий интернационал бурчи, мустаҳкам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам эса муваффақиятга эришиш калити эканлиги, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва озодлиги улуғ ишининг суянган тоғи бўлиб турганлиги докладда ёрқин ифодалаб берилди.

Биз келажакка комил ишонч билан назар ташлаймиз, партия белгилаб берган вазифаларни қаҳрамонона меҳнат билан ҳал этаяпмиз, деб таъкидлади пировардида ўртоқ Ш. Р. Рашидов. Зотан, бизни ҳеч ким ўзимиз танлаб олган йўлдан қайтара олмайди. Бизнинг ленинча йўлимиз ўзгармасдир. Давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони бўлган шонли ленинча коммунистлар партияси бизни илҳомлантирмоқда ва комил ишонч билан олға бошламоқда.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров, СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг бўлим мудири академик Т. И. Озерман, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Осимов, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори академик Г. В. Степанов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов, СССР Фанлар академияси Иқтисод институти бўлимининг мудири, профессор Ю. Ф. Воробьев, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. А. Тулепбоев, СССР Фанлар академияси Фалсафа институти бўлимининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ц. А. Степанян, СССР Фанлар академияси Психология институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. Ф. Ломов, Қирғизистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. А. Олтмишбоев, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. А. Аннепесов ва бошқа фан мутахассислари нутқ сўзладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири Д. В. Кузнецов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

ЁДИНГДА ҚОЛАРКАН...

Улмас ЖАМОЛ

Кўз очиб, дунёни илк бор кўрганим,
Отамнинг даргоҳи — она кўрғоним,
Энг аввал нигоҳим нурга бурганим,
Энг аввал заминни босиб юрганим,
Ёдим кўзгусида қолдирмаган из,
Шунинг-чун армони бағримда сўнгсиз.
Пойимга санчилган тикан қийноғи,
Ари илк ниш уриб берган сабоғи,
Биринчи муштлашув қолдирган доғи,
Биринчи бўҳтоннинг урган таёғи,
Ёдим кўзгусидан кетмайди ҳаргиз,
Яраси қалбимда битмайди ҳаргиз.
Яхшилик тез унут бўларкан, билсам,
Ёмонлик ёдингда қоларкан, билсам.

Десинлар...

Бешикда тебраниб ётган ўғлоним
Бир куни дунёни тебратар, балким...
Бугун тинчин ўйлаб титрайди жоним,
У бир кун тинчингни қўриқлар, халқим.

Нима ҳам дер эдим, ким бўлса бўлсин —
Фарзандлар меҳнатнинг нонин есинлар.
Истагим — кўрганинг ҳаваси келсин,
Таянса бўлади унга, десинлар.

Душанбе

ИНТИЗОМ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Мелихон АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган Шойи газламалар комбинатининг арқоқ ўровчиси, СССР Олий Советининг депутати

Бу ЙИЛ совет кишилари каби комбинатимиз тўқимачилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь пленуми қарорларини ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорини қизғин кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг 1982 йил Ноябрь пленумидаги нутқида 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш бўйича ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг стратегик йўна иши белгилаб, экономикани ривожлантиришга раҳбарликни яхшилаш билан самарадорликни янада ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Корхонамизнинг Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасига қўшилган барча цех, смена, бригада, фабрикаларининг саккиз мингдан зиёд тўқимачилари 1982 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан анча олдин бажардилар. Жами 133,9 миллион сўмлик, шундан 11 миллион сўмлик газлама планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми саксон биринчи йилга нисбатан 11,2 процентга ўсди. Бу ютуқларга ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, коллективнинг меҳнатга иштиёқини ўстириш туфайли эришдик.

Бироқ ишимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этар эканмиз, ютуқларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкинлигини ҳис этамиз. Бу жиҳатдан партиямиз Марказий Комитети пленумларида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги айрим камчиликлар корхонамиз фаолиятига ҳам маълум даражада тааллуқлидир. Комбинатимизда талайгина ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бор. Ишлаб чиқаришни янада ўстириш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш, касб маҳоратини ошириш, сифат учун кураш, давлат планини барча соҳалар бўйича бажариш, ишлаб чиқаришда янги механизмларни кенгроқ қўллаш, транспортдаги қийинчиликларни ҳал этиш, лахтаклар ва бошқа чиқиндиларни камайтириш бўйича қиладиган ишларимиз кўп.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили корхонамизда планга қўшимча равишда 3 миллион 378 минг сўмлик газлама тўқиб тайёрланди. Унинг 70,3 проценти биринчи сортга ўтди. Маҳсулот сифати белгиланган топшириққа нисбатан 2,3 процент яхшиланди. Бироқ чиқиндилар миқдори кўп бўлди —39 тоннани ташкил этди. Ёки 333 минг метр газламанинг сифати паст бўлди. Оқибатда шунинг ҳисобига 105 минг сўм зиён кўрилди. Бундай аҳволга, гапнинг очиғи, баъзи ишчиларнинг, бригадир ва мастерларнинг сифатга етарли эътибор бермаслиги ҳам сабаб бўлаётир.

Меҳнат интизоми — бу ғоят муҳим масала. Афсуски, баъзи мастерларимиз ўзларига топширилган участкада партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга сусткашлик қилмоқдалар. Мана бир мисол. Ўтган йили Адҳам Холмирзаев мастер бўлган 4-«А» участкада 14 минг 492 метр газламанинг сифати нисбатан паст бўлди. Мастер эса бу газламанинг тегишли ҳужжатларига имзо чекиб, давлат интизомига етарли риоя қилмаган. У масъулиятни сезмаган ҳолда фаолият кўрсатиб, ишончни тўла оқламади.

Корхонамиз коллективлари орасида прогул, ишга кечикиб келиш, ишдан эртароқ кетиб қолиш ҳоллари оз бўлса-да учраб туради. Бизнинг цехимиз арқоқ ўровчилари орасида ҳам прогулчи ва интизомсизлар йўқ эмас эди. Биз улар билан мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб бордик, маъмурий таъсир кўрсатдик. Натижада бу ҳолга барҳам берилмоқда. Ўтган йили аввалги йилга нисбатан чиқиндилар 35 тоннага камайди. Давлат планини цех бўйича 108,9 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган план эса 132 процент бажарилиб, пландан ташқари 611 тонна арқоқ ўраб беришга эришдик.

Мен ишлаётган Ёқубжон Раҳимов бошлиқ бригадада 14 та «УЗ-300» арқоқ ўраш машинаси бор. Дастгоҳлар доим ҳаракатда. Биз машинага ўзгача меҳр ва муҳаббат билан қараймиз. Майда ремонтларни ўзимиз қиламиз. Бригада ишчиларидан

Партия қарорлари – ҳаётга

Гулсум Дўсанбоева, Людмила Кудряшова, Тожихон Баратова, Роза Павлова, мусобақадошим, Наманган шаҳар Советининг депутати, шаҳар партия комитетининг аъзоси Ўктамхон Муҳитдинова барча кўрсаткичлар бўйича бошқаларга ўрнак бўлаётирлар.

Ўз ишим ҳақида гапирадиган бўлсам, 1982 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларимни ўтган йили июль ойидаёқ бажардим, учта шогирд тайёрладим. Нормадан ташқари чиқиндига йўл қўймадим. Ҳозир эса, 1985 йилнинг апрели ҳисобига ишламоқдаман. Шу беш йилликда икки беш йиллик нормани бажаришга эришаман. Биз бошлаган «Ўн бешлар ташаббуси» корхонамизда 250 дан ортиқ дугоналаримизнинг ғайратига-ғайрат қўшди. Раиса Баранова, Елизавета Захарова, Алима Сейтумарова, Таисия Улижова каби ўнлаб ишлаб чиқариш новаторларининг ҳаракати натижасида миллион-миллион сўмлик ортиқча газлама тўқишга имконият яратилди.

Москвалик ишчиларнинг «Меҳнатга яраша — шон-шуҳрат» деган шиори коллективимизни янги парвозларга руҳлантириб юборди. Маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол комитетининг КПСС Марказий Комитети Ноябрь пленуми қарорларини бажариш юзасидан белгилаган тадбирлари изчиллик ва собитқадамлик билан бажарилмоқда. Айни пайтда 4 минг 600 ишчи «Нуқсонсиз ишлаш» системасини такомиллаштиришда фаол қатнашмоқда. Бу ўринда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада системаси асосий омил бўлмоқда. 3 минг 200 нафар тўқимачи бирлашган 130 бригадада ана шу усул кенг жорий этилмоқда. Бу йил асосий касб эгаларининг 70 проценти янги системага ўтади. Ғанижон Обидов, Муҳиддин Шерматов, Пўлат Йўлдошев, Нажмиддин Дадабоев, Муҳаммад Нўъмонов, Вячеслав Часовников, Галина Бойко, Акрам Усмонов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригада коллективларининг тажрибалари 2 мингдан ортиқ ёшларга ўргатилмоқда.

Республика Енгил саноат министрлигининг илғор корхонаси деган номни оқлаш, республика ва областда байрокдорлик масъулияти бизни янги муваффақиятлар сари даъват этмоқда. Шуни мамнуният билан қайд этамизки, ўз вақтида Дилбар Қулматова ҳамда бирга ишлайдиган ҳамкасбимиз Дилора Тошпўлатова, Роҳатой Юсупова, Елизавета Захаровалар бошлаган кўпстанокчилик ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозир 1 минг 675 дан кўпроқ тўқувчи ана шундай зонада ишлаяпти.

Ўз фазилатларингни шогирдларингга юқтира олсанг қандай яхши! Шогирдларим ҳозир ўттиздан ортди. Уларнинг зафарларини кўриб қувонаман. Шуни айтиш керакки, ҳар йили салкам 3 минг йигит-қиз корхонамизга келиб иш ўрганади.

Энди иқтисод ва тежамкорлик борасида дилимда тугиб юрган фикрларни айтмоқчиман. Тўғри, биз бу соҳада кўп ишлар қилаяпмиз. Биргина ўтган йили бригада усулининг афзаллигидан 376 минг сўм соф фойда олдик. Бироқ ўн-ўн беш метрлаб газламанинг брак бўлганлиги, сорти пасайганлигини қандай баҳолаш керак? Баъзи ишчилар газламани ноўрин ишлатишади, аяшмайди. Гоҳо, цехни айланиб юриб, найча ва конусларнинг ерда ётганини кўраман. Юрагим ачишади. Ҳамкасбимни огоҳ этиб, найчанинг биттаси 6-10 тийин, конус эса 18 тийин туришини айтиб, тўғри муносабатда бўлиш лозимлигини айтсам, баъзиларнинг жаҳли чиқади. Ахир, давлат мулки ўзимизники эканлигини, агар бир найча ёки конус етишмаса, бутун бир дастгоҳ ишламай қолишини тушуниш керак-да! Худди шу ўринда «Халқ контроли», «Комсомол прожектори» группалари айрим тепса-тебранмас, сусткаш, хўжасизликка йўл қўяётган кишиларга муросасиз бўлишлари лозим.

Ўтган йили Барнаулдаги кимёвий толалар бирлашмасидан келадиган визкоза толаси таъминотида узилиш бўлди. Улар 1982 йилда сунъий толани планга нисбатан (шартномага кўра) 450 тонна кам бердилар. Шу сабабли учта йигирув машинаси ва 54 та тўқув дастгоҳи бекор турди.

Бошқа бир мисол. Ҳар ойда корхонамизга 20—23 та вагонда хом ашё келади, унинг ҳар бирида 30 тоннадан пахта, визкоза ва лавсан бор. Айрим жўнатувчи ташкилотларнинг айби билан оппоқ хом ашё гоҳ ёғ, доғ тегиб ифлосланган бўлади. Бу эса ортиқча чиқинди чиқишига сабаб бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Ноябрь пленумида камчиликларга нисбатан муросасизлик, салбий ходисаларга қарши курашни кучайтириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида интизомни мустаҳкамлаш, талабчанликни ошириш, ишда юксак уюшқоқлик ва ишчанлик ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтирилди. Демак, биз партиямизнинг кўрсатмаларига изчил амал қилишимиз зарур.

Коллективимиз 1983 йилда ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Бу йил 8071 тонна ип йигириб-эшамиз, 54 миллион 540 минг метр хом мато, 66 миллион 595 минг метр газлама (унинг 15 миллион метри пахтадан) ишлаб чиқарамиз. Реализация қилинажак маҳсулот ҳажми 134 миллион сўмдан ортади. Бу улкан вазифаларни мустаҳкам меҳнат интизоми асосида бажаришга ҳаракат қиламиз.

ҒАЛАБА

Сотволди ЭРГАШЕВ,

Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссари, генерал-майор

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабаси инсоният тарихида ғоятда муҳим воқеа бўлди. Совет халқи ва унинг шавкатли армияси 1418 кун ва тун фашизмга қарши аёвсиз жанг олиб борди. Бу, сиёсий моҳияти билан дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг халқаро империализмнинг зарбдор кучлари билан тўқнашуви эди. Фақат Ватанимиз мустақиллиги эмас, балки жаҳон социализмининг тақдири, бутун ижтимоий тараққиёт ва инсоният цивилизациясининг тақдири бизнинг ғалабамизга боғлиқ эди. Қудратли халқимиз ва унинг севимли Қуролли Кучлари мисли кўрилмаган қийинчиликлар ва қаршиликларга қарамай ёвуз душманни тор-мор қилиб, тарихий ғалабани қўлга киритди. Шунинг учун ҳам 9 Май — Ғалаба кунини тантана билан байрам қилиш халқимиз учун, жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар учун ажойиб анъана бўлиб қолди.

Совет халқи ва унинг шонли армияси Буюк ғалабанинг 38 йиллигини КПСС XXVI съезди ҳамда партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва Ноябрь пленумлари тарихий қарорларини изчил амалга ошириш учун ижтимоий ва меҳнат кўтаринкилиги янада жўш урган бир шароитда кутиб олмоқдалар. Улар коммунизм қурилишининг барча жабҳаларида социалистик мусобақани авж олдириб, социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамламоқдалар.

Социалистик жамиятимиз эришган ғалабаларни ҳимоя қилишга ҳамиша шай туриш совет кишиларининг ватанпарварлик, интернационал ва гражданлик бурчидир. Улар ўтган урушнинг ҳушёрликка, мамлакатимиз мудофаасини, Қуролли Кучларимиз қудратини мустаҳкамлашга, шонли жанговар анъаналаримизни қадрлашга даъват этувчи сабоқларини доим эсда тутадилар.

Фашизм Совет Иттифоқини давлат сифатида батамом тугатишни кўзлаган эди. Масалан, Гитлер фашистлар Германияси ҳарбий раҳбарларининг 1941 йил 30 мартда бўлган кенгашида: «Бизнинг вазифамиз Россиянинг Қуролли Кучларини тор-мор келтириш, давлатини йўқ қилишдан иборат», деб ўз ёвузлигини ошкор этди.

Гитлер, Гиммлер, Розенберг ва гитлерчи рейхнинг бошқа бошлиқлари томонидан ўттиз йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва «Ўқ» деб номланган бош планда кўзда тутилган мақсад Совет Иттифоқини тўла пароканда этиш ва мамлакатимиз халқларини қул қилишдан иборат эди.

Ҳа, фашистлар Германиясининг разил мақсади Марказий ва Шарқий Европа халқларини қириб ташлаш, унинг қолган қисмини эса қулга айлантириш билан жаҳонга ҳукмронлик қилишга йўл очиш эди. Совет Иттифоқи эса инсоният истиқболининг бирдан-бир маёғи эди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқини йўқотиш фашистлар Германияси учун асосий сиёсий мақсад бўлиб турарди.

Маълумки, фашистлар Германиясининг 190 дивизияга уюшган 4 минг танк, қарийб 5 минг самолёт, 48 мингга яқин тўп ва миномётлар билан қуролланган 5,5 миллион кишидан иборат қўшинлари бир вақтда мамлакатимизнинг ғарбий чегараларини бузиб кирди. Хиёнаткорона ҳужум туфайли вақтинча қўли устун келган душман мамлакатимизнинг марказий районлари томон интиларди. Вермахт ҳукмдорлари Советлар мамлакатига нисбатан урушни яшин тезлигида олиб бориш ва уни икки-уч ойда туғаллаш умидида эдилар.

Ватанимиз учун ғоят қийин бўлган ўша дақиқаларда Коммунистик партиямизнинг мисли кўрилмаган ташкилотчилик ва раҳнамолик қудрати намоён бўлди. Партия доҳиймиз В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакатимизни «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган шиор руҳида монолит қўрғонга айлантирди. Давлат аппаратини зудлик билан қайта қуриб, ҳарбий ўзанга солди. Бутун ҳокимият 1941 йил 30 июнда ташкил этилган Давлат Мудофаа Комитети қўлида жипслашди. Қуролли Кучларимиз сонини кўпайтириш ва унинг сафларини мустаҳкамлаш учун фавқулодда чоралар кўрилди.

Коммунистик партия ҳарбий шароитдаги программани амалга ошираркан, буюк В. И. Лениннинг чинакамига ва ғолибона уруш олиб бориш учун фронтни муттасил ва етарли жонли куч, қурол-яроғ, озиқ-овқат билан таъминлай оладиган мустаҳкам ва уюшган фронт орқасига эга бўлиш зарур, деган кўрсатмасига изчил амал қилди. Мамлакатимизни ягона ҳарбий лагерга айлантириш тадбирлари кўрилди: 1941 йилнинг иккинчи ярмида жуда қисқа муддат ичида фронт орқасига 10 мингдан ортиқ киши эвакуация қилинди, 1 минг 523 йирик корхона Ўрта Осиёга ва Қозоғистонга кўчириб келтирилди. 1942 йилнинг ўртасигача бўлган қисқа вақт ичида мамлакатимиз экономикаси қайта қурилиб, тўлиқ ҳарбий изга кўчди ва 1943 йилнинг бошида давлатимиз жипс ва улкан ҳарбий хўжаликка айланди. Фронт орқасида ана шундай иқтисодий ва ҳарбий қудратнинг яратилиши ғалабани таъминлаган муҳим омиллардан бўлди.

Бутун совет халқи Ватан ҳимоясига отланди, фронт билан фронт орқаси монолит ягона кучга айланди. Жангчиларимиз Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери учун мардонавор курашдилар. Урушнинг дастлабки уч ҳафтаси ичидаёқ душман 100 мингга яқин аскар, дастлабки ҳисобдаги танкларининг ярми, қарийб 1 минг 300 самолёт йўқотди. Гитлернинг «яшин тезлиги»даги ақидаси қисқа вақтда чипакка чиқди.

Москва остоналаридаги жанглар урушнинг боришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Худди шу аёвсиз жангларда фашист армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсона пучга чиқди. Қўшинларимиз душманни пойтахтимиз остоналаридан улоқтириб ташладилар. Москва остонасидаги ғалаба Улуғ Ватан урушининг боришида бурилиш ясади. Душманнинг Сталинград жангида катта мағлубиятга учраши эса унинг ҳалокатини муқаррар қилиб қўйди.

Халқимиз бу йил тарихий Сталинград ғалабасининг шонли 40 йиллигини ўз куч-қудратининг намойиши сифатида кенг нишонлади. Совет қўшинларининг Волга бўйидаги ғалабаси катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди ва Европа ҳамда Шарқдаги мамлакатларда озодлик ҳаракатларини кучайтириб юборди. Гитлерчилар қўлдан бой берган стратегик ташаббусни тиклаш учун жон-жаҳд билан қаршилик кўрсатдилар. Лекин турли миллат фарзандларидан ташкил топган ва ягона мақсад билан жипслашган жангчиларимиз мардлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Курск ҳалқасида душманнинг 30 та дивизияси, жумладан 7 та танк дивизияси тор-мор келтирилди; душман бу ерда ярим миллиондан ортиқ одамини йўқотди.

9 Май — Ғалаба куни

Шавкатли Қуролли Кучларимизнинг Ленинград ва Новгород шаҳарлари остоналарида, Украинада, Қримда, Белоруссияда, Молдавияда, Болтиқбўйи ва Шимолий районлардаги жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлик йилномаси саҳифаларига битилди. Жангчиларимизнинг мазкур районларда душманга етказган жиддий талафотлари туфайли босқинчилар Ватанимиз тупроғидан суриб чиқарилди.

1945 йилда Шарқий Пруссия ва Ғарбий Польшада, кейин эса Берлиннинг ўзида фашист қўшинларига қақшатғич зарба берилди. Гитлер Германияси ўз уясида тор-мор келтирилди.

Лекин ҳали иккинчи жаҳон уруши давом этарди. Совет Иттифоқи Узоқ Шарқ чегаралари хавфсизлигини кўзлаб ва ўз иттифоқчилари олдидаги бурчига содиқ ҳолда Япония милитаристларига қарши урушга киришди. Қаҳрамон қўшинларимиз жуда қисқа вақтда Японияннг Квантун армиясини енгиб, иккинчи жаҳон урушининг тугашини тезлаштирди.

Шавкатли Қуролли Кучларимиз Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия, Австрия, Шимолий Норвегияни озод қилиш, Италия ва Франциянинг мустақиллигини тиклашга шароит яратиш билан халқаро майдонда ўзининг интернационал бурчини шараф билан адо этди. Шарқда эса япон босқинчиларидан Хитойнинг шимоли-шарқий вилоятларини, Шимолий Кореяни озод этди.

Совет жангчиларининг бу улуғ халоскорлиги оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлиб, тараққийпарвар инсоният хотирасида абадий сақланиб қолади.

Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалаба шонли Октябрь туфайли вужудга келган янги ижтимоий ва давлат тузумимизнинг, социалистик экономикамизнинг, марксизм-ленинизм идеологиясининг, Совет Иттифоқи маънавий-сиёсий бирлигининг, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг қудратини оламга намойиш этди.

Буюк Ғалабани қўлга киритишга мамлакатимиздаги барча катта-кичик халқлар қатори жонажон республикамиз меҳнаткашлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар уруш йилларида мудофаа фондига умумий миқдори 4 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказдилар. Уруш даврида Иттифоқимизнинг марказий шаҳарларидан республикамизга 100 дан ортиқ йирик саноат корхоналари кўчириб келтирилди ва ишга туширилди. Шунингдек, ўша йилларда 280 та янги завод ва фабрика қурилиб фойдаланишга топширилди. «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон XX йиллиги», «Ўзбекистон колхозчиси», «Ўзбекистон комсомоли» деб аталган танк колонналари ва самолёт эскадрильялари, «Ўзбекистон» бронепоезди ташкил қилиниб, фронтга жўнатилди.

Республика партия ташкилоти уруш йилларида 38 минг 600 коммунист ва 200 мингдан ортиқ комсомолларни ҳаракатдаги армия қисмларига сафарбар этди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ғалаба учун, улуғ Ватанимизнинг мустақиллиги учун жангларда мислсиз жасорат кўрсатган республикамиз фарзандларининг қаҳрамонликларини муносиб тақдирладилар. 280 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 32 киши эса биринчи, иккинчи, учинчи даражали «Шуҳрат» орденлари билан тақдирланди. Умуман, республикамиз жангчиларидан 120 мингдан ортиқ киши ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — генерал Собир Раҳимов, Қўчқор Турдиев, Қудрат Суюнов, Шодмон Умаров, Ботир Бобоев, Аҳмаджон Шукуров, Мамадали Топиболдиев, Сами Абдуллаев сингари ботирларнинг, Сталинграддаги афсонавий Павлов уйини мудофаа этишда жасорат кўрсатган наманганлик Камолжон Турғунов каби жангчиларнинг номлари ёш авлод учун қаҳрамонлик, Ватанга чексиз садоқат намунаси бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг немис фашизми устидан қозонган Буюк Ғалабаси ижтимоий тараққиётга, халқаро ҳаётга қудратли таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда. «Бизнинг социалистик қурилишдаги муваффақиятларимиз, фашизм устидан қозонган тарихий ғалабамиз,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССРнинг 60 йиллигига бағишланган йиғилишдаги докладида,— Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва халқларнинг гуркираб яшнаши, халқларнинг озодлик курашида қудратли рағбат бўлиб хизмат қилди».

КПСС ва Совет ҳукумати халқаро вазият нисбатан кескинлашган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун бутун чора ва тадбирларни кўрмоқда.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари ғоявий жиҳатдан чиниққан, Ватанига, Ленин партиясига чексиз садоқатли, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлик анъаналарини муносиб давом эттираётган ленинчи авлод қўлида эканлиги билан ҳам қудратлидир. Улар Совет халқининг тинч меҳнатига, улуғ Ватанимиз мустақиллигига тажовуз қилиш ниятида бўлган ҳар қандай кучни маҳв этишга ҳамиша тайёрдирлар.

СЕВГИ ТАРОНАСИ

„ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ“ САҲНАДА

САҲНАДА инсон қалбини мафтун этадиган ажиб бир гўзаллик. Эртаклардаги малиқалардек тенгсиз гўзал, нозик-ниҳол қизлар майин ҳаракатлар билан капалакдек елиб, рақс тушадилар... Атоқли ёзувчи Шароф Рашидов асари асосида саҳналаштирилган «Икки дил достони» балет-спектакли ана шундай бошланади....

Томошабинни сеҳрлаб, юксак ҳаёллар оламига етаклайдиган оммавий саҳналар, таъсирчан монологлар, музика билан уйғунлашиб кетган чиройли дуэтлар кенг ва атрофлича талқин этилган бу спектаклнинг либреттосини ва музикасини Озарбайжон халқ артисти, композитор Ориф Маликов ёзган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида намойиш қилинаётган «Икки дил достони» спектакли балетнинг имкониятлари нақадар кенг эканини кўрсатди. «Икки дил достони» асари бош ғоясини рақс тилига кўчиришда РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, балетмейстер Игорь Чернишев ҳам муносиб ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаб ўтгинг келади. Спектаклда характерли эпизодлар, мимик саҳналар катта ўрин эгаллаган, классик ва характерли халқ рақслари, нафис ҳаракат санъати намуналаридан кенг фойдаланилганлиги сезилиб туради. Балетмейстер классик рақс усулларини ўзбек, ҳинд ва озарбайжон хореографияси ҳамда замонавий балетни музикага ҳамоҳанг нозик ҳаракатлари билан чамбарчас боғлай олган. Хуллас, композитор асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг феъл-атворини, маънавий оламини ёрқин акс эттирадиган музика басталаган, балетмейстер қаҳрамонлар образини аниқ хореографик суратда чизишга ҳаракат қилган. Шу боисдан асардаги ролларни ижро этувчи ҳар бир артист балет орқали ўзи ижро этаётган ролнинг ўзига хос томонларини яққол очиб беради. Бир мисол: тантанали карнай овози янграганда овдан қайтаётган йигитлар пайдо бўладилар. Уларнинг ўктам ҳаракатларидан довюракликлари томошабинга сезилиб туради. Саҳнада раққоса Комде образини ижро этаётган Сайёра Мусаева кўринганда эса ниҳоятда майин, лирик ҳис-ҳаяжон билан тўла сеҳрли мусиқа таралади. Соҳибжамол, ёқимли Комде назокатли ҳаракатлари билан гоҳ шабадада тебранаётгандай, гоҳ куй сеҳрида булоқ суви каби жилдираб оқаётгандай... Сарв қоматининг товусдай товланиши, гоҳ дарё тўлқинини, гоҳ эрта тонгда офтобнинг чиқиб келишини эслатувчи ўзига хос мусиқий ҳаракатлари — ҳамма-ҳаммаси гўзаллик намунаси бўлиб, қалбларга сингади. Комде рақсини томоша қилар экансиз, дилингизнинг нозик торлари аста чертилаётгандай, майин шабада юзингизни силаётгандай бўлади. Санъат сеҳри, жозибасига тан берасиз. У бахтиёрлик қўшиғини куйлаётгандек туюлади. Оташқалб Комде тимсолида дилга чўғ солувчи ҳақиқий санъатнинг қудрати, боқийлиги яна бир бор намоён бўлади.

Сайёра Мусаева кўп саҳналарда Комденинг қалб кечинмаларини моҳирлик билан ифода этади. Масалан, сарой рассоми суратини чизганда унга миннатдорчилик билдириши, Қорашоҳ рассомнинг кўзларини ўйиб олмоқчи бўлганида Комде уни ҳимоя қилиши, «рассомнинг кўзларини ўймангланг» деган фикрни жўшқин ҳаракатлар орқали ифода қилиш дақиқалари ниҳоятда ҳаётий ва ишонарли ифодаланган.

Мудан қиёфасини бўрттириб кўрсатишда ҳам хореограф, композитор ҳамда рассомнинг юксак маҳорат ва изланишлари алоҳида кўзга ташланади. Аввало Мудан пайдо бўлиши билан унинг кайфияти, феъл-атворини очиб берадиган кўтаринки руҳдаги жарангдор куй таралади. Мудан бахтиёр, хушчақчақ. Қўлида — тори. Артист Георгий Гусев бу образни муваффақиятли ярата олган. Мудан торини баланд кўтариб, нафис ҳаракатлар билан рақс тушар экан, муҳаббат қўшиғини тинглаётгандай бўласиз.

Мудан гўзал Комденинг суратини кўриб, ҳусн-жамолига маҳлиё бўлади, бор вужуди билан у томон интилади...

Муданнинг севгилиси Комде билан ҳаёлан рақс тушиши дақиқаси ниҳоятда таъсирли ифодаланган. Комде билан Мудан бир-бирига жуда монанд, иккови ҳам гўзал, инсоний фазилатларга бой. Майин ҳаракатларидан одоб, ҳаё, иффат ёғилаётгандай. Аммо кутилмаганда Комде бирдан ғойиб бўлади. Чунки у хаёл эди... Мудан айриликка дош беролмай, ҳушидан кетади. Шу кўйи ҳаёт билан видолашади.

Балетнинг охирида икки ёшнинг муҳаббати абадий қолиши рамзий тарзда берилиб, томошабин қалбини тўлқинлантиради.

Асардаги Қорашоҳ образини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шавкат Турсунов маҳорат билан ижро этади. Шоҳнинг ҳолати унинг ижросида қатъий ва кескин монологлар орқали ифодаланади. Қорашоҳ бу ҳатти-ҳаракатлари билан гўё ягона ҳукмдор эканлигини таъкидлагандек бўлади.

Балет-спектаклдаги ҳар бир образ ўз дунёси, қиёфаси, орзу-истаклари билан тўла гавдаланади. Артист Константин Фридлянд яратган рассом образи ҳам таъсирчанлиги билан мақтовга сазовор. У моҳир ижодкор, дилкаш, эзгуликка, адолатга ишонувчи ижобий образ сифатида томошабин қалбидан чуқур жой олади.

Композитор ва хореограф «Икки дил достони» асари устида илҳом билан ишлаганлар. Шу сабабли ҳам балет-спектакль диди юксак томошабинга маънавий озиқ беради. Унинг муваффақиятли чиқишида балет саҳнасини безаган — М. Азизбеков номидаги Боку Давлат академик драма театри рассоми Сўлмас Ахвердиева ва Алишер Навоий номидаги театрнинг бош дирижёри, СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Дилбар Абдураҳмонова ҳамда у бошқарган оркестрнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Декорациялар, костюмлар ҳам ранг-баранглиги, ҳаётийлиги билан спектакль мазмунини томошабинга тўла етказишда алоҳида ўрин тутади.

Ҳар томонлама мукаммал яратилган «Икки дил достони» балет-спектакли томошабинни гўзаллик сари етаклайди, унинг энг эзгу ҳис-туйғуларига қанот беради, қалбларда поклик, мусаффолик уйғотади, томошабин: тингловчини маънан бойитади.

Адиб томонидан санъаткорона ёзилган икки қалб муҳаббатининг мангу сўнмаслиги рамзи бўлмиш мазкур асарнинг саҳнамизда балет шаклида яна бир бор жонланғани, пок севгининг мадҳияси сифатида замондошларимизга оламжаҳон эзгу туйғулар бағишлаётгани ниҳоятда қувонарли бир ҳолдир. Соф муҳаббат, эзгулик-гўзалликни тарғиб этувчи мазкур балет-спектакль театр ижодий коллективининг катта ютуғи бўлиб, совет балети санъати соҳасида ҳам улкан воқеадир.

Марва ЖАЛОЛИДДИНОВА,
Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг илмий ходими

Сайёра Мусаева кўп саҳналарда Комденинг қалб кечинмаларини латиф, музикага ҳамоҳанг ҳаракатлар орқали ифода этади.

«Икки дил достони»дан бир кўриниш.

К. Ромеев фотоси

Шоир ва академик Ғафур Ғулом — совет поэзиясининг энг ўзига хос ва мислсиз ҳодисаларидан биридир. Унинг поэзияси миллий традицияни Маяковский традицияси билан ажойиб бир тарзда боғлайди. Энг латиф лирикадан ораторияғача — унинг диапазони ана шундай. Унинг шеърлари ҳамиша зўр фикр ва теран туйғулар билан суғорилган. У — том маъноси билан чинакам ва катта совет шоири.

Александр ФАДЕЕВ

«СУЯНГУДАЙ ТОҒЛАРИМ БОР...»

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Ўтмиш даҳоларига, устод санъаткорлар ва ўз тенгқурлари ҳамда ўзидан кейин келаётган ёш авлоднинг ижодига катта ҳурмат ва чуқур ишонч билан қараш барча улуғ ижодкорларга, шу жумладан, Ғафур Ғуломга ҳам хос фазилат эди. Зотан, бундай фазилатга эга бўлмаган ёзувчи ҳеч қачон камол ҳам топмайди, бадиий кашфиёт ҳам қила олмайди, ўзига хос овозга ва услубга эга ҳам бўлмайди, адабиёт тарихидан ўрин ҳам ололмайди, адабий мактаб ҳам ярата олмайди. Ғафур Ғулом ўзбек классик адабиётинигина, ўзбек халқ ижодинигина чуқур ўрганиб ва улар тўғрисида жиддий илмий ва адабий танқидий мақолалар ёзибгина қолмади, балки Шарқ шеъриятини, рус классик адабиёти ва рус совет ёзувчилари ижодини, тараққийпарвар чет эл адабиётини ҳам қунт билан ўрганди. Унинг шеъриятини ҳозирги замон тараққийпарвар жаҳон шеърияти даражасида, яъни Владимир Маяковский, Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда лар ижоди даражасида баҳоланиши бежиз эмас эди. А. Фадеевнинг: «Шоир ва академик Ғафур Ғулом — совет поэзиясининг энг ўзига хос ва мислсиз ҳодисаларидан биридир. Унинг поэзияси миллий традицияни Маяковский традицияси билан ажойиб бир тарзда боғлайди. Энг латиф лирикадан ораторияғача — унинг диапазони ана шундай. Унинг шеърлари ҳамиша зўр фикр ва теран туйғулар билан суғорилган. У — том маъноси билан чинакам ва катта совет шоиридир», деган фикри ғоят қимматлидир. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» повестини рус ёзувчилари Марк Твен ва Чарльз Диккенс асарларига қиёслайдилар. Ахир, у Владимир Маяковскийдан тортиб Нозим Ҳикмат, Иоганнес Бехергача бўлган революционер шоирларнинг ижодини ўз руҳига жуда яқин деб билди ва ўзбек тилига таржима этди. Рудакий, Саъдий, Фирдавсий, Низомий, Бедил, Жомий, Навоий, Фузулий, Собир шеъриятининг пафосини ва образлар силсиласини Ғафур Ғулом ижодида кўриш мумкин. Навоий асарларидаги жўшқинлик, фикрий теранлик ва фалсафий чуқурлик Ғафур Ғулом асарларининг қон-қонига сингиб кетган. У устозларидан чуқур ва ижодий ўрганиб, баркамол сўз санъаткори даражасига кўтарилди. У ўзининг серқирра ва сермазмун ижоди билан ҳам, гражданлик сиймоси, шахсияти ва ижтимоий қиёфаси билан ҳам зўр эътибор қозонди — устоз даражасига кўтарилди. Ғафур Ғулом шеъриятига хос сиёсий ўткирлик, чуқур замонавийлик, жанговар публицистиклик, фалсафий теранлик, мардона кўтаринки оҳанг ва ҳаётбахшлик, мазмун ва шаклдаги курашчанлик, инқилобий руҳ, ранго-ранг туйғулар таҳлили билан нотиқона нутқнинг алмашиб туриши — кўповозлилик, кенг тарихий кўламда фикрлаш каби фазилатлар, унинг прозасига хос ҳаётбахш юмор ва қиличдек кескир сатира кўплаб мухлисларни вужудга келтирди, уларни ўз орқасидан эргаштирди. Ғафур Ғулом ижтимоий ҳаётда ва бадиий ижодда ҳам шундай мавқега кўтарилган эдики, уни халқимиз ўзининг ишончли вакили, унинг шеърларини ўз қалбининг овози деб биларди. У ғурур билан ўзини халқимнинг «дилиман, тилиман, унинг қалбининг таржимониман», деган эди. Улуғ инсонпарвар ва чин интернационалист Ғафур Ғулом «мен курашда, мен қамалда ўлган номсиз рядовой бир аскардай сафбастамен ўзлигига иловасиз», «кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб, шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак, бас» ва «мен курашчанларга бирикканман», «одамзод улуғлигини» куйлайман, деди ва шундай қилди. Ғафур Ғулом ўз қалбини «замона кўзгуси», «даврнинг ҳаққоний тарихчиси», деб билди, бироқ шоир диққатини доим халқнинг зафари, ғурури ва сурурини куйлашга қаратди. «Бу қалам саодат таржимонидир», «ўз халқимнинг фақат бахтини ва бепоён Ватанимнинг истиқбол нашидасини ёзаман», «мен зафарингизни куйлагувчи шоирингизман» деди ва ютуғимизни, янгиликларни, илғор тенденцияларни «ҳайқириб куйлади», «ғурур билан ғалаба наърасини чалди». Эртамизни «тасаввур оинасида ҳозироқ» кўра олиш туйғусига эга бўлган Ғафур Ғулом эртанги кунни ишонч билан куйлади, келажакка ошиқона талпиниб яшади. Унинг ижодидаги ҳудди мана шунга ўхшаган фазилатлар (уларнинг барчасини санаб ўтиш мушкул) бошқа қаламкашларга бир ўрнак, ғафурона мактаб бўлиб хизмат этди ва шундай бўлиб қолди. У бир шеърида шундай деган эди:

Сиз, ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин.
Ақлу балоғатнинг шотуларидан
Юксала берингиз секундлар сайин.

Ғафур Ғулом чиндан ҳам ижод соҳибларига уларнинг юксалиши — камол топиши учун «елкасини тутиб берди» ва ҳозир ҳам ёш ижодкорлар «ақлу балоғатнинг шотуларидан юқорига ўрлашда унинг ижод мактабидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Ғафур Ғулом таъсири ғоят самарали ва миқёсли бўлди. Мен бу ўринда шеърият, музика, саҳна олами, проза ва драматургия вакилларининг ажойиб эътирофларини келтирмасдан ўта олмайман. Уйғун, Собир Абдулла каби устодлар Ғафур Ғулом ҳақида ўз дил сўзларини изҳор қилганлар. Ғафур Ғулом сафдошларидан бири бўлмиш М. Шайхзода шундай дейди: «Яширишга не ҳожат. Бизнинг шоирлардан ҳеч ким унинг баракали таъсиридан четда қолган эмас. Ҳар биримиз озми-кўпми у ёки бу даражада Ғафурдан таълим ва ибрат олганмиз. Шахсан мен Ғафурнинг туганмас тил хазинасидан, ўткир муболағаларидан, оригинал истиораларидан, эркин шеърдаги динамикасидан, ғоявий аниқлик ва гражданлик эҳтиросидан кўп баҳраманд бўлганман». Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров эса: «Ўз ватанига содиқ, заҳматкаш, новатор шоир Ғафур Ғуломнинг ижоди истисносиз биз катта-кичик ёзувчилар учун ҳар томонлама ибратли ва улкан мактаб ҳамдир», дейди. Академик Юнус Ражабий: «Фахрланиб айтишим мумкинки, у менинг ҳам ажойиб дўстим, мададкорим ва илҳомчим эди. Ғафур Ғуломнинг ўзбек саҳнасида Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева сингари санъаткорларнинг камол топишида меҳнати сингди», деб ёзади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шуларнинг ўзи ҳам бу улкан сиймонинг адабиётимиз, маданиятимиз ва фанимизнинг ривожида нақадар катта роль ўйнагани ва зўр таъсир кучига эга бўлганлигини тасдиқлайди. Ғафур Ғулом талантининг қудратидан шаҳодат берувчи далиллардан яна бири шуки, тожик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур ва озарбайжон шоирлари орасида ҳам унга устоз деб меҳр ва ихлос қўйган ижодкорлар кўп. Бу ўринда Мирзо Турсунзоданинг бир оғизгина ажойиб сўзини эслатиш билан чегараланамиз:

«Мен Тошкентда таҳсил кўрдим,— дейди у.— Менинг ёш тасаввурим Шарқнинг классик поэзиясига асир бўлиб қолган бу ўқиш йилларида, совет тематикасида ижод этувчи шоирларни иштиёқ билан излардим. Ўзбек газета ва журналларида мен доим

бирин-кетин Ғафур Ғулом шеърларига дуч келдим, уларни ўқимасдим, балки гўё сайёҳ саҳрода сув ичганидек, иштиёқ билан симириб юборар эдим. Шундан буён мен ўзимни шу шоирнинг мухлиси деб ҳисоблайман».

Ўзбек ёзувчилари ва шоирларига келганда, буларнинг талайгинаси Ғафур Ғуломни ўз устозим деб биладилар. Айниқса адабиётимизнинг ўрта авлоди деб ном олган гуруҳ ижодкорлар камолотида Ғафур Ғуломнинг, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Назир Сафаров каби сўз усталарининг роли катта бўлган. Адабиётшунослар мазкур тилга олинган ижодкорларни катта авлодга мансуб деб атайдилар. Сарвар Азимов, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Туроб Тўла, Шуҳрат, Иброҳим Раҳим, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор каби қалам соҳибларини эса ўрта авлодга мансуб деб биладилар. Ғафур Ғулом бир мақоласида «Суянгандай тоғларим бор», дейди. Унда катта авлод тўғрисида сўзлаб бўлгач, мана бундай муҳим ва аниқ таърифни айтади:

«Орадан яна озгина фурсат ўтади, саломатлик бўлса, ўзбек адабиётида навбат кутиб турган азамат, навқирон, заҳматкаш ижодкор бир бўғин ҳадемай бир ўрмондаги текис қарағайлардек элликка кириб боради. Булар: Ҳамид, Асқад, Мирмуҳсин, Туроб, Рамз, Саид Аҳмад, Шукрулло ва ҳозирча ёдимдан кўтарилган бошқалари. Юқоридагиларни (катта авлод вакилларини — С. М.), мабодо оқсоқол ёзувчиларимиз, десак, иккинчи бўғинни, қорасоқоллар, деймизми, наслимиз ва адабий хазинамизнинг гавҳарлари, деймизми, бирор жўяли таъриф топилиб қолар... Дарҳақиқат, мен бу иккинчи бўғин тўғрисида гап борса, қирқ азамат ўғилнинг отасидай, ўзимда қалбим тўла ғурур сезаман. Баъзи-баъзида ҳамма кишиларга хос қиттайгина тушкунлик, ўз ижод якунидан норозилик, умр ўтиб кетаётганидан афсус сингари туйғулар ваҳим солса, шу укаларимнинг соғу саломат ижод қилиб турганликлари билан ўзимга далда бераман. Суянгандай тоғларим бор, деб қувонаман. Давомим бор, деб қалбимга тасалли бераман...»

Ғафур Ғулом бу фикрни 1965 йилнинг октябрида айтган эди. Ўша йил май ойида Ўзбекистон ёзувчилари V съездининг очилишида сўзлаган нутқида Ғафур Ғулом яна кекса, ўрта ва ёш авлод хусусида тўхталган, уларнинг адабиётимиз ривожидаги ва эртанги кунидаги ўрни, ролини уқтирган эди:

«Бизда кекса авлод, ўрта авлод деган тушунчалар бор. Аммо маълумки, кекса деган авлодимизнинг олди энди 65 га борди. Булар ҳали, ўз вақтида қалъалар олиб музейга қўйилган тўплар сингари ишдан чиқиб қолган кексалар эмас. Бироқ, инсоф билан айтиш керакки, икки съезд ўртасида адабиётимиз обрўсини, ижодий совринини ўрта авлод олиб берди. Булар сифат жиҳатидан, кекса деб аталган авлодимиздан ўзининг замонга хос билими ва кенг дунёқараши билан ажралиб туради. Яна ҳам қувончлиси шундаки, айни вақтда икки съезд орасида келгусида адабиётимиз мулкини елкасига олса олгулик забардаст ёш авлод ҳам вужудга келди. Бизга ҳар уч авлоднинг умумий ишда якдиллиги, ижодий бирдамлиги қиммат. Адабий хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида, ижодий, ташкилий, раҳбарий соҳаларида мана шу уч авлод вакилларига баробар таянсак, кам бўлмаймиз. Партиямизнинг иш тажрибасидаги ибратли намуна бизни шунга ўргатмоқда».

Улкан шоиримизнинг бу ажойиб фикрлари ҳам илмий, ҳам амалий қимматга эга.

Ғафур Ғуломнинг иккинчи авлодга бундай катта ҳурмат ва зўр ишонч билан қараши бежиз эмас эди, албатта. Бу авлодга мансуб ёзувчиларнинг баъзилари бадиий ижодни давлат ва партия ишлари билан жипс қўшиб олиб бориб, халқнинг ва партиянинг юксак ишончи ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдилар, баъзилари шеъриятимиз, яна бошқалари прозамиз ва драматургиямизнинг янги босқичига кўтарилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шароф Рашидовнинг жанговар ва сермазмун публицистикаси ҳамда замондошларимизнинг ҳаётбахш образларини яратиб берган романлари, қиссалари умумиттифоқ китобхонининг мулкига айланди, ҳатто чет эл китобхонлари таҳсинига сазовор бўлди. Сарвар Азимов эса ўзининг сиёсий ўткир драмалари ва чуқур лирик қиссалари билан ўзбек саҳнасига, ўзбек адабиётига хорижий мавзуни — озодлик учун кураш мавзуини дадил олиб кирди. Мамарасул Бобоев «Эрон осмони остида» шеърий туркумида Николай Тихонов ва Мирзо Турсунзода шеъриятига ҳамоҳанг мотив — қўшни Шарқ халқлари онгидаги инқилобий руҳнинг кучайишини ифодалади. Бу асари билан у ўзбек шеъриятида шеърий туркумнинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Саид Аҳмад эса кичик прозанинг, юмористик ҳикоячиликнинг етакчи вакилларидан бири даражасига кўтарилди. Мирмуҳсин эса ҳам замонавий, ҳам тарихий темадаги қатор романларида меҳнат кишисининг образларини чизди. Иброҳим Раҳим очерк ва публицистикасида даврнинг долзарб масалаларини дадил кўтариб чиқди. Поэмачилигимиз ривожи тўғрисида сўзлаганда, Рамз Бобожоннинг «Оби ҳаёт» асарини, қўшиқчиликни ўйлаганда Туроб Тўланинг жўшқин ва ёқимли қўшиқларини, ҳарбий романчилик ва дўстлик мотивлари хусусида гап борса, Шуҳратнинг роман ва шеърлари, албатта, эсга келади. Шукрулло эса доно, теран шеърлари орқали республикамиздан ташқарида ҳам кўплаб мухлислар орттирди. Бу ёзувчиларнинг кўпчилиги бадиий ижод билан жамоат ишини узвий олиб бориш орқали ҳам адабиётимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқдалар. Бир қанча ўрта авлодга мансуб ёзувчиларимиз СССР Давлат мукофотига, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Уларнинг аксарияти «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» ёки «Ўзбекистон ССР халқ шоири» деган фахрий унвонлар билан ҳам тақдирланган. Демак, улар устод Ғафур Ғуломнинг умид ва ишончини оқладилар. Энг муҳими, Ғафур Ғулом мазкур ёзувчиларнинг адабиёт даргоҳига кириб келиши ва мустаҳкам ўрин олиши, ўз овозига молик бўлишида кўмак берган. Шароф Рашидов ҳақли равишда бундай дейди:

«Шуни тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, Ғафур Ғулом Совет Ўзбекистони адабиётида яхлит бир даврни ташкил этади... Ғафур Ғуломнинг ажойиб ҳаёти, унинг тинимсиз ижодий изланишлари, зўр гражданлик ҳамда бениҳоя улкан ватанпарварлик туйғулари, чексиз инсонийлиги —ҳаммамиз учун, унинг миллионлаб китобхонлари, сафдошлари, биродарлари, шогирдлари, ҳаётга эндигина кириб келаётган янги авлодлар учун юксак ибрат намунаси бўлиб қолажак. Ғафур Ғулом ижодининг жуда бой анъаналарини ҳар томонлама давом эттириш, уни кўз қорачиғидек асраш ва ардоқлаш ҳаммамизнинг унутилмас бурчимиздир».

Дарҳақиқат, шогирдлари Ғафур Ғуломнинг ижод тарзидан, яшаш тарзидан — шахсиятидан ўз қизиқишлари ва эстетик мавқе, интилишлари нуқтаи назаридан ўргандилар, илҳомландилар. Биров унинг гражданлик позициясидан, биров шеъриятидаги кўтаринки руҳ ва шаклий рангбарангликдан, биров ҳаётбахш юморидан, биров халқ ижодига яқинлигидан, биров фельетончилиги ёки жанговар публицистикасидан, биров қиссанавислиги ёки достончилигидан намуна олди. Ғафур Ғулом шогирдларининг бирининг илк шеъри ёки тўпламининг чиқишига бош-қош бўлди, кимнидир СССР Ёзувчилар союзига аъзо бўлишига йўлланма берди, бирининг китоби ёки ижоди хусусида чуқур мулоҳаза юритди, маслаҳатлар берди, ишонч уйғотди. Бугина эмас. Шу ўрта авлоднинг бирор вакили йўқки, Ғафур Ғулом улар ҳақида ё шеър, ё мақола ёзмаган ёки бирор жиддий сўз айтмаган бўлсин. Ғафур Ғулом Ҳамид Ғуломга бағишланган ғазалида «Кўнгил овлаш умрлар касбим эди, Мирзо Ғафур», дейди. Мазкур ғазалда Ғафур Ғулом Ҳамид Ғуломни укам деб атайди. Ҳамид Ғулом Ғафур Ғулом ҳақидаги эсдалигида ҳам уни ўзгаларга ўз укам деб таништирганини таъкидлайди».

Саид Аҳмад, Шукрулло каби ёзувчиларимиз Ғафур Ғулом мактабидан таълим олдилар, устознинг қатор асарлари ёзилиш жараёнига гувоҳ бўлдилар. Саид Аҳмад Ғафур Ғулом тўғрисида «Назм чорраҳасида» деган китобча ёзди ва устозининг қатор шеърларининг дунёга келиш жараёни ва устозининг шахсияти, ажойиб фазилатлари хусусида ғоят қизиқ ва илмий қимматга молик фикр-мулоҳазаларни айтди. Шукрулло эса «Жавоҳирлар сандиғи» китобида Ғафур Ғуломнинг таржимаи ҳоли, ички ва ташқи сиймосига доир муҳим белгиларни зикр этди.

Саид Аҳмад «Назм чорраҳасида» китобини ўзини адабиётнинг сирли-сеҳрли кўчаларидан омон олиб ўтган, хатосига куйиб, ютуғига қувонган устози — Ғафур Ғулом хотирасига бағишлади. Ғафур Ғуломнинг Саида Зуннунова ва Саид Аҳмадга бағишланган «Адабий оила» деган битта мақоласидаёқ унинг бу икки ёзувчининг оёққа туришида қўшган ҳиссасидан дили таскин топгани, уларнинг ижодий парвозидан боши осмонга етгани шундай кўриниб туради. Ғафур Ғулом Саида Зуннунова тўғрисида сўзлаб, «бу шоирагинанинг шу вояга етиб келувида каминанинг ҳам озгина мураббийлиги бўлган. Саиданинг биринчи китобини ўқиб, «Қизингиз ёзди» деб ном қўйиб берганман. Халқимизнинг Саидага қилган нияти бекорга кетмади. У хотин-қизларга хос назокат, ифордай татимли лирикаси билан дилларимизни эркалаб, ҳордиқларимизни ёзиб, меҳнатга рағбатимизни тоблантирадиган, идрокимизни гўзалликлар томон етаклайдиган, фаҳмли шоирамиз бўлиб етишди», дейди. Саид Аҳмадни у бир жигаридек биларди. Уни «замонамизнинг бақувват ҳикоянависи», «бақувват сатирик, юморист ёзувчиси» деб таърифлайди. Саид Аҳмад эса ўз устози ҳақида, айниқса унинг «Йигитлар», «Тошкент», «Вақт» шеърлари ва «Шум бола» қиссаси давомининг ёзилиш жараёни ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади. Ғафур Ғулом табиатига хос донолик, бағрикенглик, тантилик, эркалик, ғурур, ҳазил-мутойибага, юморга мойиллик, дуторни моҳирона чалиши, ҳатто ашула айтиши, характеридаги бетоқатлик, катта-катта қадам ташлаб тез юриш одати, билимдонлиги, ҳозиржавоблиги, туркий тилларни, форс-тожик ва араб тилларини яхши билиши, болаларга хос қизиқувчанлиги ва кўнгил бўшлиги, ҳатто инжиқлиги, шўхлиги, оғзаки ҳикоя қилишга усталиги, серзавқлиги, ўткир аскиячилиги ва айниқса катта иродаси, қаттиқ меҳнаткашлигини конкрет ва жозибали воқеалар орқали намойиш қилади. Саид Аҳмад бу бебаҳо кузатишлари ва мулоҳазалари орқали устозининг ёрқин образини гавдалантириб берди.

Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» асарида ҳам Ғафур Ғуломга талайгина саҳифалар бағишланган. Шоир Шукрулло бунда диққатини устозининг шеъриятига, бадиий ижодга муносабатини очишга кўпроқ диққат қилади. «Шеър қандай бўлиши керак?» Ғафур Ғуломнинг шулар хусусидаги қарашлари, ўгитларини ўртага ташлайди. Шукруллони бадиий ижод даргоҳига етаклаб кириб, доим оталик қилган ҳам Ғафур Ғулом эди. Ғафур Ғулом бевосита Шукруллога бағишлаб «Туш йўйиш» ва «Тишларинг тушибди, десам, Шукрулло» каби чуқур фалсафий шеърларини ҳам ёзган. Айниқса кейинги шеър билан Мирмуҳсинга бағишлаб ёзилган «Кулол ва заргар» шеърининг мазмуни, ғояси, ички моҳияти, мақсад ва вазифасида муштараклик бор. Икковида ҳам шоирнинг халқ, ватан, жамият олдидаги бурчи ва вазифаси, ижодкорнинг гражданлик туйғуси ва эътиқоди хусусида сўзлайди. «Тишларинг тушибди...» шеърида ҳаёт ҳақиқатига содиқликни ва теранликни, ҳалол меҳнат ва катта инсоний бардошни улуғлайди. Шукрулло «Жавоҳирлар сандиғи»да Ғафур Ғуломнинг ижодкорни халқ, жамият олдидаги катта масъулиятини чуқур ҳис қилишга чорлаганини, «одамлар қалбига, нозик ҳисларига етадиган фикрни ўз ўрнида лўнда қилиб айта билгандагина» яхши асар дунёга келажагини, шеърда ўткир фикр ва офтобдай ҳарорат, самимият бўлиши ва у одамларга эм бўлиши — дардига даво, ишига кўмакчи, орзусига илҳом бахш этиши лозимлигини, ижодкор замонни, даврни ва одамларнинг қалбини, руҳини, интилишларини мукаммал билиши зарурлиги ҳақидаги ўгитларини айтади. Ғафур Ғулом кичик нарсада катта ҳақиқатни ва кутилмаган воқеа-ҳодиса асосида ҳаётнинг ўткир қонуниятини очиб бериш мумкинлигини Шукруллонинг кўзи олдида «Туш йўйиш» ва «Сиёҳдон» шеърларини ёзиш мисолида намойиш қилади. Шукрулло Ғафур Ғуломдаги «кўрмаганни кўриш, айтилмаганни эшитиш қобилиятини, ҳар бир кичик заррадан катта хулосалар чиқариш — бу шоирнинг ақл уфқининг кенглигига, боғлиқ» эканлигини уқди. Шукрулло шеъриятидаги конкрет деталь ва образдан катта умумлаштиришларга кўтарилишнинг, «ҳар бир зарра орқали жамият ва кишилар тақдирини кўра» олиш фазилатининг ва фаол, доно дидактика, чуқур фалсафийликка мойил бўлиш ҳолатининг мавжудлигида устозининг мактабини сезиш мумкин.

Ғафур Ғуломнинг «Кулол ва заргар» шеърида ёзувчининг халқ олдидаги юксак гражданлик бурчи масаласи ғоят жиддий бадиий талқин қилинади. Ижодкорнинг бахтини Ғафур Ғулом «халқнинг зўр ишига хизмат қилиш»да, унинг «каттакон меҳнатига шерик» бўлишда деб билади:

Сенинг ёзганларинг улуғ кунларнинг
Катта тарихидан бир варақ бўлсин.
Бағирлар қуёшга тўлиқ кунларнинг
Қалбидай рост бўлсин, ярқироқ
бўлсин.

Ғафур Ғуломнинг ўз шогирдлари ижоди хусусидаги фикр-мулоҳазалари фақатгина шу ижодкорларгагина дахлдор эмас эди. Тўғрироғи, Ғафур Ғулом конкрет бирор шоир ёки ёзувчи баҳонасида адабиётнинг муҳим, ўткир масалалари тўғрисида жиддий ва чуқур илмий мулоҳаза юритар эди. Саид Аҳмад тўғрисидаги мақоласида сатира ва юморнинг жамиятдаги ўрни, роли ва сатирик асар яратишнинг қийин жиҳатларини очади ёки Рамз Бобожонга бағишланган мақоласида рубоий жанрининг табиати, имконияти ва талабини ғоят билимдонлик билан таҳлил қилиб беради. Ғафур Ғуломнинг: «Мотам вазнида «Гулёр» айтиб бўлмаганидай, «Суворий» чалинганда йиғланмайди. Бу деган сўз — айтилмоқчи бўлган мазмунга муносиб ифода ва шакл танлаш демакдир», «Қатрада океан, учқунда қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир», деган ажойиб фикри бебаҳодир.

Ғафур Ғуломнинг ёш авлодга устозлиги ҳақида ҳам кўп гапларни айтиш мумкин эди. Худойберди Тўхтабоевнинг ҳажвиётида, Абдулла Орипов шеъриятидаги фалсафий теранликда, Эркин Воҳидов асарларидаги кўтаринкилик ва шаклий пухталикда улкан шоиримиз қалбининг аниқ муҳрини кўриш мумкин. Ғафур Ғулом мактаби боқий, ундан янги-янги авлодлар баҳраманд бўлажаклар.

«МЕН — ШАРҚЛИК ШОИРМАН...»

Нуриддин ШУКУРОВ,
филология фанлари доктори

ШАРҚ мавзуи Ғафур Ғуломнинг бутун шеъриятидан ўзига хос бир лейтмотив бўлиб ўтган эди. Бу мавзу унинг 1930 йилда ёзилган «Турксиб йўлларида» шеъридаёқ кўзга ташланган эди. Чунки феодализм даври Шарқидаги босқинчилик, истибдод, вайронгарчилик, қуллик ва асоратга, социалистик Шарқдаги яратувчилик, ижодкорлик, озодлик қарама-қарши қўйиб тасвирлангани учун ҳам бу шеър ҳажмли катта шеърий мазмунга эга бўлиб чиққан эди.

Эски Шарқ билан янги Шарқни қиёс қилиб тасвирлаш шоирнинг «Икки ёшлик», «Конституциямиз», «Текстилькомбинат ва Миср эҳромлари» каби шеърларида ҳам асосий тенденция эди. «Икки ёшлик»да «пастак томлар, пилта чироқ, сасиган танча, яланг оёқ, йиртиқ иштон» каби деталь-образлар воситасида эски Шарқнинг, шўх пропеллер, учқур планер, аэроплан каби деталь-образлар воситасида янги Шарқнинг манзаралари жуда ёрқин гавдалантирилган. «Конституциямиз» шеърида ҳам ўтмишдаги «увадабанд отбоқарлар, шўрпешона гўлахилар» Октябрь революциясидан сўнг чўлларда чаманзор яратувчи, янги жамият қурувчи, меҳнат, билим, истироҳат ҳуқуқидан фойдаланувчи янгича одамлар бўлиб етишганликлари алоҳида бир ғурур ва ифтихор билан ифодаланади.

Ғафур Ғулом «Яловбардорликка» шеърида мазлум Шарқ мамлакатлари халқларига мурожаат қилиб, истибдодни, зулмни ағдариб ташлашга, озодлик учун кураш байроғини баланд кўтаришга чақиради. Шу тарзда совет кишиларининг мазлум Шарқ халқларига нисбатан қардошлик туйғуларини юксак бадиий пафос билан ифодалайди.

«Яловбардорликка» шеърида феодализм даври Шарқига хос бўлган зиддиятлар, яъни амирлар, хонлар дабдабали саройларда айшу ишрат, фисқу фужурлар билан, меҳнаткаш халқ эса хароб кулбаларда зулм ва жаҳолат исканжасида хор-зорлик билан кун кечирганлиги бутун даҳшати билан чизиб берилди.

30-йилларда хорижий — мазлум Шарқ ҳаёти Ғ. Ғуломнинг турли-туман мавзуларда ёзилган шеърларига йўл-йўлакай киритилган бўлса, 40-йиллардан бошлаб икки Шарқ ҳаёти Ғафур Ғуломнинг жуда кўп шеърларига асосий тема қилиб олинди. Бу ўринда шоирнинг Улуғ Ватан урушидан сўнг ёзилган «Икки Шарқ», «Ўзбекистон», «Ассалом», «Инсоният байрами», «Улуғ ҳинд халқига», «Ливан омон бўлади», «Она қизим Жамилага», «Ленин ва Шарқ», «Ленин офтоби», «Владимир Ильич Ленин», «Моҳигул» каби шеърларини эслаш мумкин. Шоир бир китобини «Ленин ва Шарқ» деб атади.

Ғафур Ғулом ана шу туркумга кирувчи кўпгина шеърларда Англия, Америка империалистларининг Шарқ мамлакатларида олиб борган талончилик, бойлик орттириш, иқтисодий заиф давлатларни қарам қилиб олиш сиёсатини фош қилди, ана шу сиёсат оқибатида миллион-миллион халқларнинг хорлик ва зорликда, тутқунлик ва асоратда яшаётганлигини қардошлик шафқати билан тасвирлади, уларнинг мустақиллик, озодлик йўлидаги курашларини улуғлади.

Шоирнинг «Мен шарқлик шоирман, илҳомим уфқи Куриль ороллардан Африкагача, фаллоҳлар, кулилар жаҳон орзусин ифодаси бордир шеърримда анча» («Ассалом») деган фикрлари айни ҳақиқат эканини юқорида эслатилган шеърлар тўла тасдиқлайди.

«Икки Шарқ» шеърида Англия, Америка империалистларининг Шарқ мамлакатлари моддий бойликларини талаш йўлидаги ҳийла-найранглари аччиқ киноя ва сарказм билан фош қилинган. Ундаги ҳар бир банд сиёсий ўткирлиги, чуқур ғоявийлиги, юксак бадиийлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, Англия корчалонлари Шарқдаги жуда кўп нефть конларини ўз қўлларига олиб, «Шилль» компаниясини туздилар ва Осиё, Африка мамлакатларида «Шилль» деб ёзилган сон-саноқсиз бензоколонкалар ўрнатиб, савдогарликни авж олдирдилар. Улардан келадиган фойда ҳисобига миллионлаб бойлик орттирдилар. Ғафур Ғулом «Икки Шарқ» шеърида «Шилль» сўзини икки маънода усталик билан ишлатган. Биринчиси — инглиз компаниясининг номи. Иккинчиси — шилмоқ,— таламоқ маъносида. Натижада у сўз кучли заҳархандали маънони ифодалаган. Иккинчи банддаги «тирноқлаб, юлқиб олдилар», «ғўдаклар оғзида шимган қандгача» иборалари ҳам империалистларнинг таловчиликларини ҳис ва тасаввур қилдиришда катта ғоявий-бадиий вазифани бажарган.

Совет Шарқидаги ҳаёт, турмуш, ижтимоий муносабатлар социалистик асосда қайта қурилганлиги шоирнинг ғафурона ғурурига асос бўлади. Натижада Совет Шарқи ва хорижий Шарқ ҳаётининг ғоят кучли, ихчам контраст картиналари унинг шеърларидан кенг ўрин эгаллайди.

Шарқдаги меҳнаткаш халқ аҳволига эътибор қилмай, ўз биқиқ оламида айшу ишрат қилиб яшаётган империалистларни шоир «биллур акварium олтин балиғи» деб атайдики, бу тасвир аччиқ киноя билан тўла бўлиб, ижтимоий синфлар ва гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари устидан чиқарилган образли ҳукм сифатида касб этади.

Ғафур Ғулом «Тинчлик минбаридан» шеърида фалсафий-поэтик тафаккур асосида тинчлик учун курашнинг мислсиз аҳамиятини очиб берди. У Америка империализмининг ўзини тинчлик тарафдори қилиб кўрсатишга уринаётганлигини, аслида эса турли жойларда янги уруш оловини ёқиш йўлида қилаётган хиёнаткорона ишларини фош этди; «жаҳаннам адресини йўқотган иблис каби хунхўр империализм Кореяга қўяр ўт» деб тарихий ҳақиқатни поэтик образга айлантириб ифодалади. Шеърнинг қуйидаги бандидаги фикрлар ўз мантиқий асосининг кучлилиги билан, образлар ҳам ўз рамзий маъносининг ўткирлиги билан эътиборни тортади:

Ўз юрти, ўз уйида, осойишта
баркамол,
Ҳалол меҳнати билан яшаб келган
Ғарбу Шарқ.
Америка сайёди учирган бургутини
Тинчлик кабутарининг парвозидан
қилур фарқ.

Ғафур Ғулом «Тинчлик нашидаси» шеъридаги мисралар ва бандлар кучли фалсафий тафаккур меваси бўлиб, уларда оташин публицистик пафос ва шарқона мажозийлик бир-бирига уйғунлашиб кетади. Шоир ижтимоий адолатсизликнинг оқибати, инқилобий кучларнинг истиқболи ҳақида ўз ҳукм-хулосаларини аниқ-равшан баён этади. Шоирнинг башоратлари ҳақиқатга айланаборди. Яъни Африка ва Осиёдаги кўпгина халқлар ўз курашлари натижасида озодлик ва мустақилликка эга бўлдилар.

Ғафур Ғулом хорижий Шарқ халқлари ҳаётини тасвирлар экан, бир томондан, уларнинг миллий озодлик ҳаракатларини, бу йўлдаги фидокорликларини, мустақиллик, озодлик йўлидаги курашларини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Бу эса Шарқ мамлакатларидаги асосий тараққиёт тенденцияларини тарихий жиҳатдан конкрет, революцион тараққиётда тасвирлаш принципларига амал қилиш самараси эди.

Шоир «Ливан омон бўлади» шеърида арабларнинг озодлик, мустақиллик йўлидаги курашларини акс эттирар экан, Америка, Англия, Исроил империализмининг босқинчилик сиёсатини кескин қоралади, Ливан ва бошқа араб халқларининг истиқболига ишонч билдирди, уларнинг «Америка зулмидан қону ёшга ғарқ бўлмас»лигини ишонч билан таъкидлади. Ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида мустамлакачиликка ва империалистик исканжага қарши курашган ва курашаётган Шарқ халқларига нисбатан совет халқларининг интернационалистик, қардошлик муносабатлари «Она қизим Жамилага» шеърида айниқса юксак гражданлик пафоси ҳамда кучли инсоний ҳамдардлик туйғуси билан ифодаланди. Мустамлакачиларга қарши курашганлиги учун қамоққа олинган Жазоир қизининг қулфатини шоир ўз бошига тушган қулфатдек ҳис қилади. Ғафур Ғулом Жамилани «ўз халқининг фидоси бўлган», Зоя Космедемьянская қаҳрамонликларини Шарқда такрорлаган қаҳрамон қиз сифатида улуғлайди. «Зоя жаллодларидан тарих қасос олгандек» Жамила душманлари ҳам жазосини топажагини қатъий ҳукм билан айтади. Шоирнинг юрак тубидан чиққан самимий ҳамдардлиги китобхон қалбига қуйилиб киради, унга ларза солади, Жамила тақдирининг иштирокчисига айлантиради:

Жазоир зиндонида бир қиз
уқубатдадир
Рубобнинг торларидек жонинг
жонимга пайванд.
Ҳасратингиздан қон томиб, кўзларим
кулфатдадур.
Холхол таққан оёқлар букун кишан
билан банд.

Шарқ мамлакатларида озодлик ва мустақиллик йўлида кураш олиб борган курашчилар Ғафур Ғулом шеърларига отошин образлар сифатида кирди. Чунки шоир «Инсон чин инсон бўлур умид, умтилиш билан, бўғовларни парчалаш унинг хоҳишиши» деган материалистик фалсафий ақидага асосланди. У Шарқ мамлакатлари озодлик, мустақиллик йўлидаги курашларини умумлаштириб акс эттирувчи ажойиб миниатюр образлар яратди.

Хуллас, Ғафур Ғулом Шарқ мавзусини кенг тарихий ва географик масштабда олиб тасвирлаган, бу мавзу билан боғлиқ проблемаларни коммунистик интернационализм принциплари нуқтаи назаридан туриб ёритган, шу асосда ғоявий-бадиий жиҳатдан ўзига хос шеърлар яратган совет шоирларидан бири сифатида ҳам биз учун қадрли ва мўътабардир.

Самарқанд

Бизнинг моҳир устамиз Ғафур Ғулом кўпдан кўп ажойиб шеърлар ижод этди, башарти у Тошкентдан Москва томон яёв йўл олса, унинг бу қўшиқлари, ҳозиржавоб шеърлари, ҳазилмутойибалари нашидалари бутун йўл давомида, бутун мамлакат бўйлаб етган бўлур эди.

Николай ТИХОНОВ

Ғафур Ғуломнинг ёрқин сиймоси кишини ўзига жалб этади. Ғафур Ғулом ҳар тарафлама камолотга эришган ижодкордир.

Ҳамид ОЛИМЖОН

Гражданин ва коммунист шоир, йирик жамоат ва давлат арбоби, академик Ғафур Ғулом ҳаёти, ижодининг жон томирлари билан халққа боғланган санъаткор эди. Ғафур Ғуломнинг ажойиб ҳаёти, унинг тинимсиз ижодий изланишлари, зўр гражданлик ҳамда бениҳоя улкан ватанпарварлик туйғулари, чексиз инсонийлиги — ҳаммамиз учун, унинг миллионлаб китобхонлари, сафдошлари, биродарлари, шогирдлари, ҳаётга эндигина кириб келаётган янги авлодлар учун юксак ибрат намунаси бўлиб қолажак.

Шароф РАШИДОВ

Менинг тасаввуримда шоир Ғафур Ғуломни инсон Ғафур Ғуломдан ажратиб бўлмайди. У баркамол сиймо эди, шу боисдан унинг шеърлари ҳаётдан, билъакс ҳаёти шеърдан ажралмасдир. Ҳаётда хам, шеърларида ҳам у улкан ва сахий қалбли инсон бўлиб, одамларни бениҳоя севар эди... Ғафур Ғулом том маънода инқилоб фарзанди эди.

Константин СИМОНОВ

Демьян Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига

ИНҚИЛОБИЙ ШОИР

Наби РАҲИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Демьян Бедний рус совет поэзиясининг атоқли намояндаларидан биридир. Унинг поэтик санъати ўзининг чуқур революцион ғоявийлиги, ленинча партиявийлиги, халқчиллиги ва ўткир жанговар руҳи, ҳужумкор эҳтироси билан ажралиб туради. В. И. Ленин Д. Бедний ижодини, айниқса унинг сиёсий лирикасини юксак баҳолаган эди.

Демьян Бедний (Ефим Алексеевич Придворов) 1883 йилнинг 1 апрелида Украинанинг Херсон губерниясидаги Губовка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 1886 йили Ефим Придворов Киевдаги ҳарбий фельдшерлар мактабига киради. Тўрт йил ўтгач, кичик офицер унвонидаги ҳарбий фельдшер сифатида мажбурий хизматга юборилади. Ҳарбий хизматни тугатиб, 1904—1908 йилларда Петербург университетининг адабий тахаллуси бўлиб қолди.

Большевистик матбуот билан, коммунистик партиянинг атоқли вакиллари билан ҳамкорлик Д. Беднийнинг инқилоб шоири сифатида шаклланишида катта роль ўйнади. 1912 йилдаёқ коммунистик партия сафига қабул қилинган Демьян Бедний ўз шеърлари билан революция ишига хизмат қилди, В. И. Ленинниинг муҳаббатига сазовор бўлди.

В. И. Ленин 1911 йили шоир шеърларини «Звезда» газетасида ўқиб, редакцияга йўллаган мактубида Д. Бедний ҳақида сўраб ёзади. 1912 йилдан Д. Бедний доҳий Ленин билан хат ёзиша бошлайди. «Правда» ходимларидан баъзилари Д. Беднийга ишончсизлик билдираётганини эшитган В. И. Ленин 1913 йил редакцияга юборган хатида шоирни ёқлаб шундай ёзганди: «Демьян Беднийга келганда, мен ҳамон уни ёқлайман. Дўстлар, кишининг заиф томонига осила берманг! Кам учрайдиган талант. Уни систематик равишда ва эҳтиётлик билан қўллаб-қувватлаш керак».

«Ильич ҳаётининг сўнги ойлари,— деб ёзади Н. К. Крупская.— Ильичнинг топшириғи билан мен унга, одатда, кечқурунлари беллетристика ўқиб берар эдим. Шчедриннинг асарларини, М. Горькийнинг «Менинг университетларим» асарини ўқирдим. Бундан ташқари, у шеърлар тинглашни, айниқса, Демьян Бедний шеърларини тинглашни севар эди. Аммо унга Демьян Беднийнинг ҳажвий шеърларидан кўра сершавқ шеърлари кўпроқ ёқарди».

Д. Бедний рус революцион адабиётида, айниқса совет поэзиясида аввало Н. А. Некрасов ва М. Е. Салтиков-Шчедриннинг гражданлик эҳтиросига бой ижодий анъаналарини давом эттирди. Унинг ижодида дастлаб рус мужиги, оддий меҳнаткаш деҳқон образи пайдо бўлади, кейинчалик эса реал воқелик, инқилобнинг эпик тасвири, сиёсий лирика биринчи ўринга чиқади. У революцияни етук пролетар шоири сифатида қарши олди. Инқилоб йиллари Д. Бедний ўзининг «Ер, эрк ва ишчи қисмати ҳақида» шеърий повестини ёзиб, рус адабиётига биринчи марта В. И. Ленин сиймосини олиб кирди. Коммунист Клим Козлов образини яратди. Повесть даврнинг кенг панорамасини қамраб олгани билан характерланади.

Демьян Беднийнинг 1919 йили Тошкентда «Ер, эрк ва ишчи қисмати ҳақида» повести, 1920 йилда Самарқандда «Генерал Шкура» ва «Алданган биродарларга» китоблари босилиб чиқди. Шоирнинг «Катта кўча» поэмаси совет поэзиясининг олтин фондидан ўрин олган. Асар Улуғ Октябрь революцияси ҳақидаги биринчи поэма бўлиб, синфий кураш темасидаги энг яхши асарлардандир.

Шоир ижодида Совет Шарқи, хусусан ўзбек халқи ҳаёти билан боғлиқ асарлар анчагина.

Д. Бедний Москвада, Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетида жасур ўзбек қизи Майна Ҳасанова билан учрашади. Бу учрашувдан сўнг шоир Майна Ҳасанованинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи «Зийнатнинг қасами» поэмасини ёзади. Бу поэма совет поэзиясининг энг яхши ютуқларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини пропаганда қилишда ҳам Д. Беднийнинг хизматлари катта. Шоир фольклор намуналарини қайта ишлаб: «Бахт», «Тоғлар ортида» каби ажойиб асарларини ёзди. «Шайтон-арава» поэмаси эса Туркснб қурилишига бағишланади. Поэмада темир йўл қурилишининг барча машаққатлари: жазирама иссиқ, оташнафас қум, сувсизлик азоби бадиий яққол тасвирланади. Шарқ темасида ёзилган асарларини жамлаб, Демьян Бедний 1933 йили «Восток» тўпламини эълон қилди. 1980 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоирнинг «Шеърим» деб номланган тўпламини босиб чиқарди.

Поэзияси билан ўз даврининг йилномасини битиб кетган шоирнинг 100 йиллик қутлуғ тўйи арафасида мамлакатимиз бўйлаб унинг асарлари янада баландроқ жаранглмоқда. Шоирнинг ўзи гўё унга бағишлаб ўтказилётган тантанали шеърхонликларда юксак халқ минбаридан туриб, барала овоз билан:

Ёркин, пухта шеърим —
қаҳрамонлигим.
Азиз халқим, заҳматкаш халқим,
Уни фаҳмлашга фақат сен ҳақли
Менга бахт — шеъримдан
баҳрамандлигинг!

дея шеър ўқиётгандай туюлади.

В. И. Ленин севган шоир асарларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб ўқимоқдалар.

ДЕНГИЗДАН... ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Океанлар, улкан денгизлар ўзининг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан кўпдан бери инсоният фаровонлигига ҳисса қўшаётир. Мана энди олимларимиз сув остидан янги бир бойлик — дори-дармонлар олишни ўзлаштира бошладилар.

Суратда кўриб турганингиз — денгиз юлдузи ғоят гўзал кўринишга эга жонивор. Унинг ёқутранг товланиб турувчи юлдузчалари бир қарашда ҳар қандай кишини мафтун этиб қўяди. Мафтун қилади-ю... аммо ана шу «гўзал юлдуз» эҳтиёт бўлмаган кишини ўз заҳри билан ҳалок қилиб қўйиши мумкин. Шу боисдан у йиртқич, заҳарли жонивор сифатида баҳоланади. Эндиликда бу баҳо бироз ўзгарадиган бўлди. Бу ҳақда Бутунииттифоқ Денгиз балиқчилиги хўжалиги ва Океанография илмий-текшириш институти директори И. С. Ажгихин шундай дейди:

— Денгиз юлдузлари инсонларга минг йиллардан бери маълум. Унинг ўнлаб турларидан фақат иккитаси биохимик нуқтаи назаридан ўрганилган. Уларнинг йиртқич ва заҳарли мавжудотлиги ҳаммага аён эди. Бироқ дастлабки тадқиқотларимиз денгиз юлдузларининг энг қимматбаҳо балиқлардан ҳам юқори туришини кўрсатди. Уларнинг заҳаридан тайёрланадиган дори-дармонларнинг ҳар бир граммн жаҳон бозорида миллион долларлар билан баҳоланади... Биз ҳозир институтимиз тимсолида ишлаб чиқаришнинг янги бир тармоғи туғилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Янги асбоб-ускуналар ёрдамида заҳарли ҳисобланган денгиз жониворларидан биотоксинлар ажратиб олиш жараёнини ишлаб чиқмоқдамиз. Дастлабки тадқиқотлар денгиз жониворлари ва ўсимликларидан энг қимматбаҳо бирикмалар олиш мумкинлигини тасдиқлаётир. Ваҳоланки бу хилдаги бирикмаларни қуруқликдаги жониворлардан олиш амримаҳол. Институтимизнинг биологик актив моддалар лабораторияси ходимлари айни пайтда денгиз чувалчанглари ва илонлари, юлдузлар ва медузалар, денгиз булутлари ва маржонлар... устида иш олиб бормоқдалар...

Институт олимлари сувости жониворларидан янги — «простагландин» деб аталадиган бирикма топдилар.

Мазкур бирикмани денгиз маржонлари тўқималаридан бир неча миқдорлаб олиш мумкинлиги аниқланди. Клиник кузатувлардан аниқланишича, простагландин бирикмаси ошқозон ярасини, томирларда қон ютиб қолиши (тромбоз) ва бошқа касалликларни даволашда жуда қўл келар экан.

Шу пайтгача заҳарли деб ҳисобланган денгиз ҳайвонларидан олинаётган дори-дармонларнинг турлари тобора кўпайиб бораётир. Уларнинг айримлари яраларни тез тузатади, айримлари беморга дармон беради, яна бир хили қон босимини туширади. Масалан, каттабош тошбақа тўқимасидан олинган бирикма қон босимини тез туширади ва юракнинг мўътадил ишлашини таъминлайди. Мазкур дорини тиббиёт назариячилари ҳам синовдан ўтказдилар. Маълум бўлишича, бу бирикма эмлаш, кексайишни текшириш, тўқималар фаолиятини кузатиш сингари жараёнларни ўрганишда зарур экан.

Денгизлар ва океанлар ана шу тариқа инсониятни янги-янги дори-дармонлар билан таъминлайдиган манбага айланиб бормоқда.



ШЕЪРИМ ЧИНОРИ

ЛУТФУЛЛА МУТАЛЛИБНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Рўзи ҚОДИРИЙ

Сени кўрган, ҳамма юртдош қатори
Эъзозу қурматда ёдлайман номинг!
Доим барҳаёт сен, шеърим чинори
Қалбим қат-қатида ўтли қаломинг!
Мен каби миллионлар ёдлайди сени,
Ижод кўкида бир порлоқ юлдузсан.
Мен каби миллионлар куйлайди сени,
Зулматни ўртаган нурсан, кундузсан.
Порладинг инқилоб қўшиғин куйлаб,
Мангуга жилвагар гулларни тердинг.
Ундан ис таратдинг ўлкалар бўйлаб,
«Йилларга жавоб»-ла дилларга кирдинг!
Эрк жангин садоси бўлди куйларинг,
Гуркираб сузмоқда элдан элларга!
Эрта ҳақидаги фикринг, ўйларинг,
Жонга дармон, қувват қўшар белларга.
«Хаёлчан тилак»ни айтдинг баралла,
Эшитди, уйғонди ухлаганлар ҳам.
У бўлди ўлкада муқаддас хитоб,
У бўлди барчага муқаддас қасам.
Шаҳдам отдинг қадам курашчан йўлдан,
Лениндан олардинг даҳо, зеҳн, қувват!..
Экмоқ, термоқ учун оташранг гулдан,
Курашдинг дилингга тугиб чўнг мақсад!
«Кураш тўлқинларин»нг қўзғаб иштиёқ,
Мендай минг, мингларга завқлар
элтарди.
Мактабда шуълалар эмаркан у чоғ,
Сендек соз чалмоқни дилим истарди.
Ҳа, жанговар қўшиқ даъват этган сен,
Ҳар жўшқин қўшиғинг ибратдир, ибрат.
Юрагимга яқин бўлиб кетган сен,
Боқийдир сен учун муҳаббат, ҳурмат!

* * *

Англардим яловдор эканлигингни,
Ўхшатардим вулқон ёлқинларига!
Қирғоқлардан ошиб чайқалишингни
Қиёслардим уммон тўлқинларига!
«Кураш илҳоми»ни ўқимай қай он,
Гуркираб сузмоқда элдан элларга!
Танамни қопларди туғён, ҳаяжон,
Гурсиллаб, шиддатли тепарди юрак.
Исён чақмоғига қилардим таққос,
Бу таққосга эди «Чингмўдан» асос.
Жалол туғёнига ёндошиб жоним,
Ортарди исёнкор руҳим, дармоним!..
Қасамдай янграрди «Май — курашчан
ой»,
Озодлик жангига ундарди ҳар он.
«Ҳасан-Ҳусан»ни мен қай пайт ёдламай,
Бўларди чин дўстлик қадди намоён!
Жонланардим тағин, журъатланардим,
Эркнинг зиёсига шўнғиб хаёлан.
«Ленин шундоқ ўрганган»ни ўқурдим,
Шарофатга, шонга чўмиб хаёлан!
«Ватан аъло, халқ аъло» деб онт
ичдинг,
Кураш рубобини чертдинг авжида.
Ватанпарварлигинг намойиш этдинг,
Юртни қандоқ севмоқ руҳинг мавжида.
Жангда сен, ёв билан солишмоқда сен,
Ҳар шеърингда, ҳар сатрингда ўзи бир
жангчи.
Шумлик, ёвузлик-ла олишмоқда сен,
Ғоянгу ироданг ўзи бир жарчи.
Ошдим тоғ, дарёлар,
бўйладим манзил,
Жами жойда ўчмас изингни кўрдим.
Изларингдан тердим даста-даста гул,
Ҳар гулда исингни, ўзингни кўрдим.
Дўстлик қўшиқларин айтаётирсан,
Ҳар куйингда Ленин шуъласин тафти!..
Замондан замонга ўтаётирсан,
Умрингда ҳур олам шиддати, забти!...

БУ ДУНЁ

Бу дунё ажойиб, серҳиммат, ўктам,
Инсон деб яшайди,
чекади ташвиш.
Бу дунё ишқида меҳнаткаш одам,
Эрта-кеч курашар,
қилишар юмуш!..
Бу дунё офтобнинг нурига тўла,
Сўнмас оташ бўлиб тепар юраги.
Эзгулик офтобин олқишлар, қутлар,
Машъумликни кўммоқ ўйи, тилаги!..
Бу дунё орзуси
доим ҳамдамлик,
Қардошлигу дўстлик унга эрур жон.

Омонлик,
ободлик,
шодликка чанқоқ,
Низони ўчирмоқ ундаги армон!..
Бу дунё бедор ва
безовта, дардлик,
Ҳар жонзот умрига шерикдир,
шерик.
Замона руҳини ҳис этмаса ким,
У руҳан ўликдир, эмасдир тирик.
Бу дунё фарахли,
меҳнат шарафдир,
Унинг қудрати-ла бурро сўзлайман!
Дунёга туташдир фикриму зикрим,
Даврим ярасига даво излайман!
Бу дунё тинимсиз
юмуш курашдир,
Ҳамманинг бурчидир — бўлмоқ
фидокор!

Хаста дил элларга нажот йўлламоқ,—
Қарздир бу, ҳар кимнинг зиммасида
бор.
Бу дунё шундайин
эшит, биродар,
Лоқайд оламга ортиқча юкдир.
Чунки «бедард эшак, дарди йўқ
кесак»,
Беғам, бепарвога қарар кўз йўқдир.
Бу дунё уйғоқдир,
касби уйғоқлик.
Дунёмиз дардига етар уйғоқлар.
Кўмар ғофилликни, гумроҳликларни,
Зулматни ўрташга ёқур чироқлар.
Бу дунё ҳақ талаб,
касби адолат,
Ҳимматлар юксалтар ҳақликнинг
туғин!
Ҳақсизлик томирин кесиб, куйдириб,

Ҳар зум ловуллатар ҳақиқат чўғин.
Бу дунё ҳаётбахш,
касби жўшқинлик,
Қулатмоқ истайди сустлик тоғларин!..
Дармон бўл жаҳоннинг қайноқ
ишига,
Сўнгсиз курашларда ювгин
доғларин!..
Бу дунё зиёбахш,
касби истиқбол,
Келажак ва умид шунда очур юз!
Шундан умидворлик, тилаку ишонч,
У билан улғаяр ҳар ўғил, ҳар қиз.
Бор бўлсин инсонлар, унсин,
кўпайсин,
Бахт сози,
қўшиғи янграсин мудом!
Оташ қалб ўтлари сўнмасин ҳеч вақт,
Қўшиғим қўшиққа эш, этсин давом!

Абдулҳай НОСИРОВ

САМАДОВНИНГ ШЕЪРИ

Ўқ сели остида ётиб, югуриб,
Яна бир қишлоққа кириб борганда —
Куйган уй қошида қолдим тик туриб,
Олов чақмоқ чақиб ёрилди танда..
Ҳайқириб юбордим, бехос, чамаси,
Патирлаб кетгандай туюлди юрак.
Тўплар гумбурини босиб ноласи,
Совуган сийнани тортқилар гўдак...
Кўзларим юмилди, кошки бўлса туш,
Бошимни чангаллаб, титрадим, ёндим...
Ҳаётни ютмоқчи бўлдингми уруш —
Дудингда йўқ бўлиб кетсинми ёдим?!..
Кўриб қўй, бағримда кўтариб уни,
Орзу-ўйлардан порлатиб байроқ,
Берлин тепасидан сочдим ёгдуни,
Дунё келажаги ёришди оппоқ...
Кўриб қўй, эмиб у меҳр, кўшиқ, шаън,
Қонида кўпириб тошқин муҳаббат —
Оналар руҳидан тикланган Ватан
Уфқида учирар кабутар фақат.

II

Тўрт йил окоплардан окопга ўтиб,
Ғалаба туғини кўтариб баланд —
Улғайиб қайтаман шонларга ботиб,
Кўксимда шараф, ўт, қўрғошин билан...
— Нон беринг,— бекатда портлаган нидо,
Ярадор ўпкамни қайта тирғлади.
Жанглар даҳшатида тош қотган дийдам,
Мурғакни қучоқлаб юмшаб йиғлади.
Оғирлик қилади баъзан сукутлар,

Шафқатсиз ўйлардан сиқилади жон.
Осмонни тўлдирган турфа салютлар,
Ерда харобалар, кул, темир, ўпқон...
Бошланди, гуркираб янгради ҳаёт,
Оламни безади яна алвонга.
Бағримда паҳлавон —
кириб келдим шод
Онадай меҳрибон Ўзбекистонга...
Далалар соғинчдан ўртаниб олдин
Чанқоғин босгандай,
бор тилагимни —
Эмиб, буғдойзорга айланди олтин...
Қанотимда кўриб келажагимни.

* * *

Денгиз ёқасида яхлит ёдгор тош
Шимирар қўёшнинг ёгдуларини.
Ёнган денгизчилар шунда қўйган бош,
Биз учун ёндириб орзуларини.
Денгиз ёқасида тикланган буюк —
Ҳарсангга номлари ўйилган холос.
Аммо эл қалбида бўйлари етук,
Азобу ўйлари, шижоат — мерос...
Уша кеч кўзларда порлаган зиё,
Кечани ёритган нафрату севинч.
Тинмаган чақмоқдан гумбурлаб само,
Чайқалиб кетганди денгиз ҳам нотинч.
Уша кеч портлаган бомба, ўқ, заҳар...
Ўпира оларди Чимёндай тоғни.
Улар-чи, занжирдек туриб сўнг қадар,
Душманга бермаган сиқим тупроқни.

Субҳидам танкчилар кирганда ғолиб,
Бир-бирин қучоқлаб ётарди маҳкам —
Ўн олти навқирон матрос бир бўлиб,
Ажрата олмади ажал ҳам, ўқ ҳам...
Едгорлик пойига гул қўйиб бесас,
Руҳимда туйдим мен улуғлик, азиз...
Шундай метин бўлса, якдил, ҳамнафас,
Дунёни тор билмай авлодларимиз.

* * *

Валя Котик,
Пионер, шерюрак, жасур,
Зулмга ўт қўйган ёруғ машъала.
Сўнгги сўрокда ҳам қад кериб мағрур,
Жасорат қўшиғин айтдинг баралла.
Кўзларинг чўғида ёниб тилагинг,
Ёришиб келарди уфқ ҳам энди.
Курашга чорлаган митти юрагинг,
Ғаним назарида тоғдек кўринди.
Бир портлов зарбидан порлаб кетиб тун,
Темир йўл излари учиб кўк ёққа,—
Сен боис немислар ротаси бутун,
Уша кеч қўзғолди,
Турди оёққа.
Уша кеч ҳушингдан бир дам айрилиб,
Улғайиб қолдими инсоний азминг.
— Дўстларинг айт,— деди фашист ҳайқириб,
Гарчи аён эди ирода-жазминг.
Онанг-ку, жафолар чекса ҳам не бир
Устирди сен учун бахш этиб нурин —
Кўксингга босди ёв қиздириб темир,
«Оҳ» дединг кўрганда тақдиринг шўрин.
Ёв сўроқ қиларкан қуриб тинкаси,
Солмоққа уриниб изми, гапига.
Шу тариқа шитоб кириб бординг сен,
Улуғ коммунистлар метин сафига.
Уша кун назари — садоқат, қасам,
Бугунги — баҳорий еллар эссалар...
Бахтлиман, шарафлаб бир кун мени ҳам:
«Коммунист бўлиб у ўлди», десалар.

Тошкент

ҲАРБИЙ ВРАЧ БАҲРИНИСО

ҲАЁТДА шундай одамлар учрайдики, гарчи қуш умридек қисқа ҳаёт кечирсалар-да уларнинг ўзи ва номи кўплар учун ибрат бўлиб қолади. Жизахлик тўнғич шифокорлардан бири, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Баҳринисо Бобоеванинг ҳаёт йўли ҳам бошқаларга ҳикоя қилиб берса арзийди.

Баҳринисо 1920 йилда Жиззах районидаги Жданов номли совхоз территориясида дунёга келди. Баҳринисонинг отаси Қосим бобо Аҳмедов замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлиб, илм-фандан, рус маданиятидан хабардор эди. Бу хонадонда Навоий ва Машраб китоблари билан биргаликда маърифатпарвар шоир Фурқат шеърлари ҳам фарзандлар даврасида эшитилиб турар эди. Бу муҳит фарзандлари тарбиясига ҳам таъсир этмай қолмади.

1937 йилда Жиззах педагогика техникумини имтиёзли диплом билан тугатган Баҳринисо Самарқанд медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Рус мактабида ўқиганлиги илм сирларини ўзлаштиришда унга жуда қўл келди. Баҳринисо институтни муваффақиятли тамомлади.

Фашист босқинчиларининг Ватанимизга хиёнаткорона ҳужуми барча совет кишилари сингари Баҳринисо қалбида ҳам нафрат ўтини ёндирди. У ўз ўрнини жанг майдонида деб билди. Баҳринисо шаҳар ҳарбий комиссариатига мурожаат этди. Ҳарбий комиссариатдагилар аввалига: «Сиз бу ерга ҳам кераксиз» деб жавоб қилишди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, у яна ҳарбий комиссариатга учради. Комиссариат бошлиғи, кекса подполковник:

— Майли, қизим. Биз сизни фронтга юбормоқчи эмас эдик. Журъатли, қатъиятли экансиз. Ватанимизнинг сизлардек довюрак фарзандлари бор экан, биз албатта ғалаба қозонамиз,— деди жиддий оҳангда.

Баҳринисо уйга қайтиб келиб, ҳарбий комиссариат рози бўлганини айтганида онаси Қандим ая ва опаси Анбарой кўзларига ёш олишди. Отаси Қосим бобо эса: «Эҳ, қизим, акаларинг изидан борадиган бўпсан-да. Асли ўғил бола бўлиб туғилишинг керак эди. Начора, бошинг тошдан бўлсин», дея қизига оқ йўл тилади.

Ҳарбий комиссариатдагилар Баҳринисога ўша йилнинг ёзида Ўзбекистонга эвакуация қилинган 2904-госпиталга йўлланма бердилар. Госпиталь шиддатли жанглар бораётган Москва областининг Клин шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унга медицина хизмати капитани М. И. Савкина бошчилик қиларди. Госпиталь коллективи 1941 йилнинг 1 октябрида яна фронтга йўл олди. Тошкент вокзалидан Ростов области томон йўл олган поезд бир ярим ой деганда Красний Сулин шаҳрига етиб келди ва бўшаб қолган мактаб биносига жойлашди. Бу ердан фронт унчалик узоқ эмас эди. Тўп ва танклардан отилаётган ўқларнинг, портлаётган снарядларнинг садоси эшитилиб турарди.

Ўша кезда душман ҳаво ҳужумини кучайтирди. Энди ҳаракатдаги ҳарбий госпиталь ярадорларни олиб яна Шарққа — Волга дарёси томон чекинишга мажбур бўлди. Госпиталь Эльтон кўли бўйидаги станцияга ўрнашди. Қўмондонлик резервдаги бу госпиталнинг фронтдаги марказий участкаларга боришига ҳали рухсат бергани йўқ эди. Шунга қарамай, госпиталнинг ўн уч ходими марказий фронтга бориш учун Фронтга жўнатиш пунктига бормоқчи бўлди. Шу тобда ҳаво тревогаси берилди. Осмонда душманнинг «калхатлари» пайдо бўлди. Душман жўнатиш пунктини мўлжалга олди. Полковник В. З. Бурбах бошлиқ пункт ходимлари ярадорларни ташиш билан бирга, медицина асбоб-анжомлари ва ҳужжатларни ўрмонга яширар эдилар. Ўнга яқин ҳарбий врач ва ҳамшира ҳалок бўлишди.

Баҳринисо ва унинг ҳамюрти Клавдия Петровна Пестролобова (Клавдия Петровна ҳозир Жиззах шаҳар поликлиникасида хирургия ҳамшираси бўлиб ишлайди) уч кун оч-наҳор йўл юришди. Баҳринисо ярадор ҳамроҳини Саратов областининг Красний Кут шаҳридаги госпиталга жойлаштириб, ўзи шаҳар ҳарбий комиссариатидан Сталинград фронтига йўлланма олди. Бу ерда Баҳринисо Бобоева 2464/4535-дала госпиталига хизматга кирди.

Душман ҳужумидан госпиталь биносининг ўнг қаноти қаттиқ шикастланди. Госпиталь бошлиғи, медицина хизмати подполковниги В. Д. Судоргин барча врачларни ва ҳамшираларни ярадорларни тезроқ дарахтлар панасига жойлаштиришни буюрди. Баҳринисо ҳамшира қиз Таня билан офицерлар ётган иккинчи қаватга кўтарилган эди ҳамки, шу пайт икки снаряд портлаб, бинога каттиқ шикаст етди. Дераза ромлари пастга қийшайганча осилиб қолди. Бўрқсиб ёнаётган бинонинг тутунидан кўз очиб бўлмасди. Бир-бирларини суяб, ҳоналардан чиқаётган ярадор жангчилар қаёққа боришларини билмас, ўзларини тўғри келган томонга урар эдилар. Баҳринисо қўлтиқ таёғини йўқотган, бир оёғидан ажралган жангчининг қўлтиғидан олиб, бошқа ярадорни ҳам эргаштириб, мактаб ертўласи орқали уларни ўрмонга бошлади...

Ҳа, Волга бўйида аёвсиз, ҳаёт-мамот жанги борарди. Рус, белорус, украин, ўзбек, грузинлар ва бошқа миллат вакилларидан ташкил топган пиёдабўҳчи полк жангчилари ҳам граната ирғитиб ва танк ёндирадиган суюқликлар билан душман танкларини чил-парчин қилардилар. Танк уларнинг орқидан ер бағирлаб келаётган газандаларни эса артиллериямиз аниқ мўлжалга олиб ер тишлатарди. Жангчиларимизнинг жасорати билан икки минг кишн истиқомат қиладиган район душмандан озод қилинди. Волжский районига қарашли бу аҳоли пунктининг озод этилишида жанговар состав билан биргаликда Баҳринисо Бобоева хизмат қилаётган госпиталь ходимлари ҳам яраланган жангчиларни даволаш билан ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Госпитални кўчириш пайтида мактаб ёнида портлаган снаряд парчаларидан Баҳринисонинг чап елкаси жароҳатланди. Баҳринисо буни ҳеч кимга билдирмасликка уринди. Кечга бориб оғриқ кучайди, қизнинг мадори қуриб, иситмаси кўтарилди. Буни сезган дугонаси госпиталь бошлиғи, подполковник В. Д. Судоргинни хабардор қилди. У Баҳринисо Бобоевани бошқа ярадорлар билан фронт орқасига даволанишга жўнатди.

Бобоева 1942 йилнинг ўрталарида фронтдан уйига қайтди. Баҳринисони ота-оналари, қариндошлари хурсандчилик билан кутиб олдилар. Унинг акалари Ҳасанбой ва Турдибойлар ҳам фронтда эдилар. Улардан хат-хабар жуда кам келарди. Сталинград шаҳрининг душмандан озод қилинганлиги ҳақидаги хушхабар бутун мамлакатга тарқалди. Сталинграднинг озод этилиши душманнинг шармандаларча инқирозга учрашидан далолат эди. Энди ҳамма фронтда қўшинларимизнинг қўли устун эди. Дарҳақиқат, Россиянинг кўплаб марказий шаҳарлари, Киев, Одесса, Минск, революция бешиги бўлган Ленинград шаҳарлари ва юзлаб посёлкалар бирин-кетин душмандан озод этилаётган эди.

Фашист ғазандалар устидан қозонилажак ғалаба тобора яқинлашар эди. Бироқ фронтга кўнгиллилар қаторида кетган довюрак Баҳринисо ғалаба кунигача яшай олмади. Оғир дард ўз асоратини кўрсатди...

Мана, орадан йиллар ўтди. Тинчликсевар халқимиз ҳар йили Буюк ғалаба кунини тантанали равишда нишонлайди. Ана шундай қутлуғ кунларда Ватан озодлиги ва тинчлиги йўлида ҳалок бўлган кишилар, жумладан Баҳринисо Бобоеванинг номи ҳам ҳурмат билан ёдга олинади.

Сунnат ҚОСИМОВ,
Азимжон ПАРДАЕВ

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

Наботот оламида

МЎЪЖИЗА АРЧА

Олатоғнинг Жунгар тоғолди манзараларини яхшилашда энг қадимий тошарчалар ёрдам бераётир. Тошарчалар учинчи даврдан буён фақат Қозоғистоннинг тоғли районларидагина сақланиб қолган. Бу ажойиб дарахтнинг бўйи 8—10 қаватли уйларга тенг келди. Кўчкинларнинг йўлини тўсишда ва сув сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Шунисн диққатга сазоворки, тошарча бошқа арча турларидан фарқли ўлароқ, қишда ҳам С витаминини ишлаб чиқаради. Бу арча акс-садо бериш фазилатига ҳам эга: ундан скрипка, дутор, рубоб ва бошқа мусиқа асбоблари ясаш мумкин. Ундан қурилган бинолар эса асрлар юзини кўради. Олимларнинг таъкидлашларича, мазкур арча навлари «ҳаёт дарахтн»— мусаффо ҳаво ишлаб чиқарувчи доимий яшил бойликдир.

ИККИНЧИ НОН

Украина уруғчилик олимлари етиштирган янги «Тонг» навли картошка синовчи истеъмолчилар комиссиясининг энг юксак баҳосига сазовор бўлди. Унинг оппоқ мағзида 20—30 фоиз крахмал мавжуд. Бу одатдаги каротшкага нисбатан қарийб икки баравар кўп демакдир. Мағзи кесганда қораймайди, касалликларга чидамли, гектар бошига ўртача 330 центнердан ҳосил беради, яъни кенг тарқалган «Суръат» навли картошкага нисбатан бир ярим баравар ҳосилдордир.

«Икар» ва «Кўркам» номли бошқа икки хил нав ҳам «Тонг»дан қолишмайди. Ундан бир қисми янгиланган «Иккинчи нон»— картошка экилган майдонлар беш йиллик бошланганидан бери ўн хил янги нав билан янгиланди. Украина Картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори В. Витенконинг ТАСС мухбирига маълум қилишича, шу йил синаш учун иккинчи нонниг тўрт хил нави экиш учун хўжаликларга топширилган. Беш йиллик охиригача эса яна 6 хил нав картошка давлат участкаларига экиш учун чиқарилади.

ҒАЛАТИ ОЛМА

Брест шаҳридаги Куйбишев кўчаси, 47-ҳовли боғчасида бир неча олхўри, нок, олма дарахтлари ўсади. Улар барча дарахтлар сингари баҳорда гуллаб, ёзда мева беради, кузда япроқлари сарғайиб тўкилади, қишда эса бутунлай яланғоч бўлиб қолади. Аммо боғчада ғаройиб бир туп олма борки, унинг япроқлари кўкламгача тўкилмайди, нақш олмалар қишда ҳам худди ёздагидек кўзни яшнатади. Олманинг банди шу қадар қаттиқки, уни қоқиб туширишга уринганлар овора бўладилар. Уни фақат бандидан узиб олмоқ керак.

Бу антиқа олма кўчатини хонадон соҳиби — госпрах ходими Елизавета Ивановна Турапина Фрунзе шаҳридан «олхўри» деб олиб келган экан.

ЁЗУВЧИ САРВАР АЗИМОВ 60 ЁШДА

ЮЛДУЗЛАР ЖАМОЛИ

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Ижоднинг олмосдек серқирралиги талантнинг ноёблиги белгисидир. Агар ижодкорда талант серқирра бўлиб, унинг ижтимоий фаолияти ҳам ранг-баранг бўлса, бу инсон мукаммаллигининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Сарвар Олимжонович Азимов ана шундай баркамол инсонлардан биридир. Унинг номини совет халқи, шу жумладан, жаҳондаги кўплаб прогрессив кишилар талантли адиб ва олим, таниқли жамоат арбоби, жаҳон прогрессив адабиётининг жонкуяр ташвиқотчиси, тинчлик ишининг курашчиси сифатида танийдилар.

Сарвар Азимовнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти сингари адабиётшунослик ва адабиётдаги хизматлари ҳам кенг кўламлидир. Улуғ Ватан урушидан сўнгги йиллар ўзбек совет адабиёти ва адабиётшунослиги ютуқларини унинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунончи, Сарвар Азимов «Социалистик қишлоқ темасида йирик асарлар» мақоласида урушдан сўнгги тинч қурилиш йиллари ўзбек прозаси ҳамда поэзияси ютуқ-камчиликларини бой умумлашма хулосалар билан таҳлил қилиб берди. Айниқса, унинг «Ҳақ йўл» повести ҳақида» мақоласи илмий таҳлилнинг чуқурлиги билан танқидчи истеъдодининг баркамоллигини ёрқин кўрсата олди. Танқидчи ва жамоатчиликнинг ушбу асар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари асосида ёзувчи Парда Турсун асарини қайта ишлади, «Ўқитувчининг йўли» повести билан «Ҳақ йўл»ни бирлаштириб, ўзбек совет адабиётидаги салмоқли асарлардан бири даражасига кўтарилган «Ўқитувчи» романини яратди.

Сарвар Азимов адабий-танқидий мақолаларининг кўлами катта, мавзу доираси кенгдир. У классик ҳамда совет адабиётининг проблемалари ҳақида ҳам, адабий-танқиднинг назарий масалалари ҳақида ҳам синчковлик билан мушоҳада юрита олади. Унинг «Ўзбекистон халқлари тарихини ва ўтмиш маданиятини сохталаштиришга қарши» мавзуидаги мақоласи ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу тадқиқотда традиция ва новаторликнинг назарий асослари чуқур кўрсатилиб, адабиётшунос М. Сальенинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Хамса»сини новаторликка эришмаган деб айблаши бой илмий хулосалар асосида фош этилади. Айниқса, С. Азимовнинг «Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баъзи масалалар» мақоласида ўзбек адабий танқидчилиги актуал масалаларни тадқиқ этишда ҳали жиддий камчиликларга йўл қўяётганлиги реал асосда кўрсатиб берилганлиги, шу сабабли ҳам бу тадқиқот ўзбек адабиётини янги поғонага кўтаришда катта роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Сарвар Азимовнинг адабиётшунослик ва танқидчилик маҳорати ошиб борди. У маълум назарий проблемалар, айрим асарлар таҳлили характеридаги тадқиқотлар яратишдан комплекс масалалар, айрим даврлар ҳақида фикр юритиш даражасига кўтарилди. 50-йилларда адабиёт дарсликлари яратишга ғамхўрлик кўрсатиш ҳам партия ва ҳукуматимиз эътиборида турган муҳим масалалардан ҳисобланар эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1952 йил февраль ойида бўлиб ўтган Пленумида республикада идеологик ишларнинг аҳволи масаласи муҳокама қилинар экан, ўрта мактаблар учун адабиёт дарсликлари яратиш иши қониқарли даражада эмаслиги кўрсатиб ўтилган эди. Пленумдан сўнг ўзбек совет адабиёти бўйича янги программа тузиш, хрестоматия ва дарсликлар яратиш масаласи бўйича алоҳида қарор қабул қилинди. С. Азимов адабиётшунос олимлар билан ҳамкорликда аввал программа, сўнгра хрестоматия ҳамда дарслик тузди. Айтиш мумкинки, «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги ўзбек совет адабиётининг тараққиёти даврлар асосида ёритилгани, ҳар бир даврнинг етук намояндалари адабий портретлари яратилганлиги жиҳатидан катта илмий-методик аҳамият касб этди.

Ўзбек совет адабиёти улкан намояндалари ижодини монографик планда тадқиқ этиш ўзбек адабиётшунослигининг ривожланиш йўлларидан бирини ташкил қилади. Чунончи, Ҳамид Олимжон ижоди ўзбек совет адабиёти тарихида катта ўринни эгаллайди. Шу сабабли ҳам унинг адабий меросини ўрганиш танқидчиликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўзбек адабиётшунослигида олимжоншунослик мактаби юзага келди, адиб ҳақида бир неча монография, юзлаб илмий мақолалар яратилди, кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёзилди. Ҳамид Олимжон ижодини ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб кенг ва чуқур илмий хулосалар билан ўрганган олим Сарвар Азимовдир. У шоирнинг укаси ва шогирди сифатидагина эмас, балки ўзбек адабиётининг талантли билимдони сифатида бу мавзу устида йигирма йилдан кўпроқ вақт меҳнат қилди. У Ҳамид Олимжоннинг асарларини тўплади, китобларини нашр этишда жонкуярлик кўрсатди. Узоқ изланишларнинг натижаси ўлароқ шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг очерки —«Ҳамид Олимжон» монографияси юзага келди. 1967 йилда эса «Ҳамид Олимжон абадиятқа» деб номланган йирик тадқиқоти нашр этил-

ҚИТЪАЛАРАРО МАШҲУР

Назир САФАРОВ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Баъзан хаёл суриб ўтириб, инсон умрининг югуриклигига ҳайрон қоламан. Совет ёзувчиларининг I съездида қатнашганимиз, устод Максим Горький билан суҳбатлашганимиз кечагина эди. Шундан бери кўпмиллатли совет адабиёти, шу жумладан, ўзбек совет адабиёти муттасил тараққий этди, Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсига чиқди. Бизнинг, ҳозирда адабиётшунослар катта авлод деб атаётган авлодининг, яъни Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби ҳамиша барҳаёт дўстларимиз, ҳозирда ҳам навқиронлик шижоати билан ижод қилиб турган Уйғун, Шароф Рашидов сингари сўз усталари кўз ўнгида ўзбек совет адабиётининг бир неча авлоди камол топди. Ҳамид Олимжоннинг бевосита тарбиясида вояга етган Сарвар Азимов бугун совет адабиётининг атоқли намояндаларидан бири сифатида ўз муносиб ўрнини эгаллади. Биз буни кўриб ўқиб, уқиб чин дилдан қувонамиз.

Сарвар Азимов бугунги насримизнинг, драматургиямизнинг усталаридан биридир. Унинг насрий асарлари ва драмалари сиёсий муҳимлиги, ғоявий-бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Асарларининг тили халқчил, жонли, мутолаа этган китобхон бадиий баркамол шеър ўқигандай роҳат қилади.

Сарвар Азимов асарлари ғоявий-бадиий юксаклигини таъминлайдиган муҳим сабаблар бор, албатта. Ҳамиша актив ҳаётий позицияда туриши, йирик жамоат арбоби, дипломат сифатида ҳар доим қайноқ турмуш бағрида қизғин амалий фаолиятда бўлиши унинг адабий ижодига муттасил ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сарвар Азимовнинг истеъдоди кўпқирралиги билан ҳам мафтун қилади. У катта адабиётшунос олим, филология фанлари доктори. Адабиётимиз тараққиёт йўлининг муҳим масалаларига бағишланган адабий-танқидий асарлари, «Ҳамид Олимжон абадияти» монографияси адабиётшунослигимиз хазинасидан ўз лойиқ ўрнини олган.

Ҳозирда, иккинчи марта — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилаётган Сарвар Азимовнинг бутун республикамизда, шунингдек, адабий жамоатчилик ўртасида обрўйи баланд. У катталарни иззат қилади, кичиклардан меҳрини аямайди. Ўзининг ташаббускорлиги, принципиаллиги билан шахсий ибрат кўрсатиш — унинг одати. Доим айтган сўзининг устидан чиқади, шунинг учун ҳам ёзувчилар уни астойдил ҳурмат қиладилар.

Мана шу катта адибимиз, жамоат арбобимиз, раҳбаримиз — Сарвар Азимов 60 ёшга тўлди. Унинг кўнглида янги асарларнинг ғоялари, янги ташаббусларнинг тўлқинлари жўш урмоқда. Биз эса, севимли дўстимизнинг ҳамма эзгу орзулари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

ди. Бу икки асар, биринчидан, ўзбек халқининг севимли шоири ижодини мукаммал таҳлил қилиб бергани билан аҳамиятли бўлса, иккинчидан, С. Азимовнинг адабиётшуносликда эришган энг катта ютуғи бўлиб кўзга ташланди.

Адабиётшунослик Сарвар Азимов истеъдодининг биринчи қиррасидир. 60-йилларнинг бошларига келиб, бу ижодкор талантининг иккинчи қирраси намоён бўлди. У моҳир кинодраматург ва ёзувчи сифатида кўрина бошлади. С. Азимов ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб киноповесть жанрига қўл урди ва халқимизнинг инқилобий ўтмиш тарихи материаллари асосида «Оппоқ тонг қўшиғи» деб номланган асарини яратди. Шу киноповесть асосида «Ойдин саҳифа» кинофильмининг сценарийсини ҳам ёзди. Асарнинг ҳар иккала вариантида воқеа мамлакатда гражданлар уруши, Ўрта Осиёда босмачи тўдаларига қарши кураш ҳали шиддатли давом этаётган, контрреволюцион кучлар жон талвасасида барча куч-қудратини янги тузумни ағдаришга йўналтираётган даврларда кечади. «Оппоқ тонг қўшиғи» ўзбек кинодраматургиясида Ленин образи яратилган илк асардир. Коммунист Комил Рустамов ва ўзбек хотин-қизларининг вакили Нодира аянинг доҳий ҳузурида бўлиши асарнинг ҳаяжонли эпизодларини ташкил этади.

Сарвар Азимов биринчи асаридаёқ мукаммал характерлар яратиш истеъдодига эга бўлган ёзувчи сифатида кўзга ташланди. «Оппоқ тонг қўшиғи»нинг етакчи образларидан бири Комил Рустамов ўзбек халқининг ярим асрлик кураш йўлини намоён этувчи образ ҳисобланади. У темир иродали, ленинча ғояларга содиқ коммунист. «Оппоқ тонг қўшиғи» қаҳрамонлар руҳий кечинмаси кучли драматизм асосига қурилганлиги билан характерлидир. Коммунист Рустамов идеаллар тўқнашувида ўз позициясида мустаҳкам туради, бу эса мазкур образнинг ҳаётийлигини, типиклигини таъминлаган. С. Азимовнинг образ яратишдаги бундай маҳорати Рустамовнинг севгилиси Гулчеҳра образини ишлашида ҳам аниқ сезилади. Гулчеҳра ҳам озод ва тенг ҳуқуқли ўзбек хотин-қизларининг ярим асрлик йўлини ифода этувчи образдир.

С. Азимовнинг асар қаҳрамони ғоявий позициясини белгилашдаги бундай маҳорати унинг «Ватан фарзандлари» киноповестида янада яқинроқ кўринди. Асарда партия ходими Искандар Салимовнинг совет кишисига хос ватанпарварлик характери очиб берилган. Искандар Салимовнинг хотини Елена образи ҳам асарда мукаммал ишлангандир. Бу образ садоқатли ёр, уруш ғалабасига ўз меҳнати билан ҳисса қўшган маориф ходимигина эмас, шу билан бирга рус ва ўзбек халқи дўстлигининг рамзидир.

Бу икки киноповесть мавзу ва образларнинг яқинлигига кўра маълум даражада бир-бирини мантиқан тўлдиради. Бу, албатта, ёзувчининг ғоявий ниятидан келиб чиққан бўлиб, қаҳрамонлар характерини мукаммаллаштириш, мавзу тадқиқини чуқурлаштириш маҳорати билан изоҳланади. Сарвар Азимовнинг ҳар иккала киноповести чуқур гражданлик, ватанпарварлик ва интернационализм руҳи билан ўзбек кино санъатининг катта ютуғи ҳисобланади. Бу киноповестлар асосида яратилган бадиий фильмлар ўзбек халқининг инқилобий йўли, республикада совет ҳокимиятини ўрнатиш, босмачиларга қарши кураш мавзуини акс эттирган «Қутлуғ қон», «Ленин йўлланмаси билан» ,«Осиё устида бўрон», «Инқилоб чавандозлари», «Қизилқум» каби ўзбек кино дурдоналари қаторида ўз муносиб ўрнига эга.

Сўнгги йигирма йилликда ўзбек прозасида ҳикоя ва қисса жанри юқори поғонага кўтарилди. Бу давр ўзбек прозасининг ютуқларида Сарвар Азимовнинг ҳам хизмати салмоқлидир. Ёзувчи айниқса, «Камалак», «Кўзлари чўлпон» қиссаларида замонамиз кишиларининг ёрқин образларини яратишга эришди. Бу асарларда ҳам ёзувчи материал танлаш ва образ яратиш маҳоратини кўрсата олди. Бу қиссалар, энг аввало, ўзбек совет адабиётида врачлар ҳаёти акс эттирилган биринчи йирик асарлар бўлгани жиҳатидан қимматлидир. «Камалак»да инсоний севгини тасвирлаш жараёнида унинг заминида ётган икки муҳим масала — севги ва оилавий бурч, вазифа ва одамийлик тушунчалари ўртага қўйилади. Ёзувчи бу масалаларни ҳал қилишда қаҳрамонларнинг ички драматик тақдири, руҳий психологияси воситасидан моҳирлик билан фойдаланади, юксак гуманистик ғоя, янгича ахлоқ принципларини олға суради. Ҳар иккала қиссада ҳам коммунистик жамият кишисининг руҳий дунёси Барно, Содиқ Каримович, Тўлқинжон («Камалак»), Умид, Қалдирғоч, Бектош Отахонович, Любовь Николаевна («Кўзлари чўлпон») образларида юксак маҳорат билан очиб берилади.

Сарвар Азимовнинг ҳикоялари ҳам мавзу актуаллиги, характерларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Икки дил — икки олам», «Назокат» асарлари ўзбек ҳикоячилигининг юксак намуналаридандир. Бу ҳикояларда ёзувчи ижоди учун характерли бўлган мавзу — интернационализм, ватанпарварлик туйғулари тасвирланган, совет кишисининг ғоявий курашдаги позициясини аниқ кўрсатишга эришилган. «Икки дил — икки олам»да характерли фактлар ҳамда типик деталлар орқали социалистик ва капиталистик турмуш тарзи таққосланади. Асар сюжети Америкага хизмат юзасидан командировкага келган Элнур ва журналист қиз Адибанинг хатлари асосида қурилгандир. Ёзувчи Элнур образи воситасида капиталистик дунёнинг разил қиёфасини фош этади, унинг хатлари воситасида совет кишисининг чиркин дунёга нафрати, ғоявий позициясини умумлаштириб беради.

Сарвар Азимов ўз ижодининг лейтмотивига айланган мавзу — ўзбек халқининг хорижий мамлакатлар билан боғлиқ томонларини тасвирлашни драматик асарларида янада мукаммал ишлади. «Қонли сароб» драмасида бу мавзу юқори босқичга кўтарилиши билан бирга, драматургнинг дунёқараши ва бадиий маҳорати юксаклигини ҳам намойиш этди. Бу асарнинг пайдо бўлиши адабиётимизда катта ва қувончли воқеага айланди. Асар Октябрь революциясидан кейин хорижий мамлакатларга «бахтли турмуш» излаб кетган ўзбек ватангадолари ҳақидаги фожиадир. Драманинг ғоявий-бадиий қиммати ўз вақтида адабиётшунослигимизда юқори баҳоланган эди. Академик В. Зоҳидов драманинг образлари хусусида шундай ёзади: «Уларнинг ҳар бири табиий, ўз тугалланган қиёфасига, тарихи ва тақдирига эга, ҳар бирининг ўзига хос, мураккаб характери, мантиқий асосланган ўрни ва роли бор — ҳар бири яхлит бир воқеанинг, тарихнинг тамомила қонуний, узвий қисмлари, бир мураккаб «машина»нинг зарурий деталлари, бир катта гуруҳнинг типиклаштирилган вакили, умумлашган образидир. Пьесанинг энг катта ютуғи ва фазилати ҳам ана шунда».

Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» асари ўзбек драматургиясида сиёсий ўткирлиги, долзарб замонавийлиги, ҳаётий конфликтининг кучлилиги билан алоҳида ўрин тутади. Унинг марказий образи ҳисобланган Мир Алихон ватан хоинларининг умумлашган образи даражасига кўтарилган. У ҳар қандай жиноят ва пасткашликдан қайтмайдиган ватанфуруш. 20-йилларнинг бошларида она юрти ва бола-чақасини ташлаб, Германияда пайдо бўлган бу шахс «Туркистон миллий комитети»нинг раиси вазифасини қўлга киритиш учун ўз хўжайинини ҳам заҳарлаб ўлдиришгача бориб етади. Комитет бош котиби Аслзода Саидхон, уларнинг ғоявий раҳбари шайх Абдулфотиҳ, собиқ қўрбоши Юртолбек каби образлар ҳам моҳирона яратилган. Бу образлар ватангадоларнинг фожиавий ҳаётини реалистик манзараларда кўрсатиб бераолган.

Коммунистлар образини яратиш С. Азимов ижодида алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи партия ходимлари образини чуқур муҳаббат билан яратади, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мавқеига юксак ишонч билан қарайди. Унинг дастлабки бадиий асарлари — киноповестлари ҳам ана шундай идеал билан юзага келганлиги бежиз эмас. Драматург «Юлдузлар жамоли» асарида яна ушбу мавзуга мурожаат этади. Агар «Оппоқ тонг қўшиғи», «Ватан фарзандлари»да коммунистнинг қаҳрамонлик характери синфий ва ғоявий қарама-қаршиликлар жараёнида очилган бўлса, бу асарда коммунистга хос курашнинг янги қирраси очилади. Драма конфликти меҳнат ва инсонга турлича муносабатда бўлган икки коммунистнинг идеаллари кураши асосига қурилган. Улуғ Турсунов — умрининг жуда катта қисмини раҳбарлик ишларига сарфлаган, айни пайтда область партия комитетининг секретари. У ўз иши учун жон куйдирадиган, қоғозбозлик, планни сохта бажаришга ўрганмаган раҳбар. У халқ хўжалиги ривожига катта қизиқиш билан қарайди-ю, бироқ одамлар тақдирига бефарқ муносабатда бўлади. Драматург партия ходими характеридаги бундай қарама-қаршиликни персонажлар ҳикояси воситасида моҳирлик билан очиб беради. Ёш коммунист Полвон Султонов билан Турсунов ўртасидаги кураш конфликти очилиши жараёнида икки хил иш услубига эга бўлган партия раҳбарларининг типик образлари яратилади. Турсунов — ўз иш фаолиятида фақат план-топшириқлар бажарилишини кўзловчи шуҳратпараст ва амалпараст, Султонов эса принципиал, инсонпарвар раҳбарнинг умумлашма образидир.

50-йилларда ўзбек адабиётида хорижий Шарқ мавзусини ёритиш етакчи тенденцияга кўтарилганди. Бу мавзуда Ойбекнинг «Нур қидириб», «Зафар ва Заҳро», Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи», Мирмуҳсиннинг «Оқ мармар», «Искандария кўрфази» каби етук асарлари, М. Шайхзода, М. Бобоев, Ҳ. Ғуломнинг туркум шеърлари яратилди. С. Азимов бу мавзуни драматургияда биринчи бўлиб бошлаб берди. «Замон драмаси»даги воқеа асримизнинг 60-йилларида миллий мустақилликка эришган Шарқ мамлакатларининг бирида бўлиб ўтади. Драмада Азиз Камол бошлиқ прогрессив кучларнинг мустамлакачилик занжирини узиш йўлидаги кураши акс эттирилган. Дра-

матург бу образ мисолида мустамлакачиликдан қутулган мамлакатларнинг раҳбарлари янги давлатни катта қийинчилик ва курашлар асосида тузаётганлиги реалистик асосда умумлаштириб берилган. Драматургнинг маҳорати шундаки, бир мамлакатдаги воқеалар кўлами билан бутун жаҳон миқёсида кечаётган ҳодисаларни, турли ижтимоий синф ўртасидаги қарама-қаршиликларни, империализмнинг халқлар бошига келтираётган кулфатлари, прогрессив кучларнинг қудратли ҳаракатини қамраб ола билган.

Даврнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш Сарвар Азимов ижодининг барча қирраларига хос бўлган хусусиятдир. У яратган образларнинг ҳар бири ҳам ҳаётдаги маълум типларнинг характерини очишга хизмат қилади, танқидий ва бадиий асарларининг тили эса ёлқинли лиризм билан суғорилган бўлиб, ҳар бир персонаж тили ўзига хослиги билан бадиий маҳоратнинг юксак намунаси сифатида кўзга яққол ташланади ва китобхонни ўзига мафтун этади.

С. Азимов адабий-танқидий мақолаларида бадиий адабиётни юксак талабчанлик билан таҳлил қилганидек, бадиий асарларини яратишда ҳам адабий танқиднинг юксак мезонлари асосида иш кўради. Шу сабабли ҳам адиб асарлари илмий ва ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал, юлдузлар жамоли каби ёруғ. Ёзувчининг номи эса ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёти тараққиёти билан узвий боғланиб кетгандир.

БАРКАМОЛЛИК

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

АДАБИЙ тили ниҳоятда чиройли ва бой, баҳор жамолидек ранго-ранг, беназир қалам соҳибларимизнинг бири Сарвар Азимовдир. Тил бойлигимизни яхши биладиган, унинг тараққиёсида хизмати кўп, жасоратли адиблар ҳақида гапириш пайти етди. Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Уйғун тиллари мутлақо бир-биридан фарқ қилади, айни вақтда улар тили шу даражада бой ва широликки, катта бадиий асарлар у ёқда турсин, оддий мақолаларда ҳам уларнинг қудрати шундоқ сезилади, маза қилиб ўқийсиз. Сарвар Азимовнинг бир қанча ҳикоялари, «Қонли сароб», «Кўзлари чўлпон» ва бошқа асарларининг тили ғоятда жонли ва жозибали. Бу — маҳорат деган гап. Нега баъзи адабиётшунослар классик мероснинг аслини ўкийолмайдилар, оғзаки адабиёт билан ишлари йўқ, адабий тилимиз ҳақида кам гапирадилар, деб диққат бўламиз. Дўстларимдан бири: «Тажанг бўлаберма, уларнинг ўзи адабий тилни яхши билмаса нима қилсин», дейди. Шўрвасининг шўрваси, штамп, меъдага теккан баъзи мақолаларни кўриб, ёқамизни ушлаймиз.

Тили ниҳоятда ширали, уста адибларимиздан бири Сарвар Азимовдир, дедик. Унинг Ўзбекистон Коммунистларининг XX съездида адабиёт ҳақида сўзлаган нутқи катта қалб эгасининг айтган гаплари эди. Адиб — биринчи галда сўз устасидир.

Қадрдонимиз олтмиш ёшга кирди. Бу — унинг биринчи юбилейи. Эллик ёшида хорижий мамлакатларда улуғ Ватанимиз — СССР Элчиси бўлиб хизмат қилиб юрганида юбилейини ўтказолмаган эдик. Шу сабабли ҳам ҳозир юрак сўзларимизни айтмоқликка ҳаддимиз сиғади.

Баъзан мен уни буюк рус драматурги ва дипломати Александр Сергеевич Грибоедовга ўхшатаман. Лекин мутлақо умри ўхшамасин. Сарвар Азимов — ўзбек элида, оддий деҳқон оиласида дунёга келган, халқ ичидан етишиб чиққан адиб. Социалистик мамлакатимиз топшириғи билан у анча-мунча хорижий давлатларда Элчи бўлиб, ватанпарварлик кўрсатиб хизмат қилди. У — дунё кўрган одам. Киши мусофир бўлмагунча юрт қадрига етмайди, деган гап ҳам ёдга келади; айниқса адиб кишининг дунё кўрганлиги — бу жуда муҳим. Ҳам адиб, ҳам Элчи — дипломат сифатида Сарвар Азимов номи қитъаларда маълум. Бу ўзбек зиёлисининг Коммунистик партиямиз вояга етказган баркамоллигидан далолатдир. «Қонли сароб» асарида икки куч, икки ғоя кураши усталик билан ёркин тасвирланади.

Анча йиллар мобайнида Ёзувчилар союзимиз ишлари кўнгилдагидек бўлмади. Афсус! Баъзи мутасадди дўстларим яхши ишламадилар. Ёзувчилар союзимизга биринчи секретарь вазифасига Сарвар Олимжонович Азимов бир овоздан сайланди. Бу, адабий ҳаётимизда ниҳоятда катта воқеа бўлди. Баъзи чўкиб, ўтириб қолган колхозга ўхшаб Ёзувчилар союзимиз съездидан кейин дадил қадамни ростлади. Ҳозир ишлар жуда яхши, буни кўриб халқимиз қувонмоқда. Ҳали жуда кўп янги ва ажойиб асарлар халққа туҳфа этиладн. Бунга ишончимиз комил.

Чинакам ижодкорлар учун Сарвар Азимовнинг союзга раис бўлиб келиши ҳамманинг кўнглидагидек зўр иш бўлди. Бу ҳассос, қаламн ўткир адиб ҳамда адолатли жамоат арбобининг олтмиш ёшга тўлган қутлуғ кунида унга яна ҳам мустаҳкам саломатлик, ижодий ғалабалар тилаб, ўз ижодий тўйимиз бўлаётгандек қувонамиз, бирдарона қўчиб, даврада қурашиб юрган полвонлардек бир кўтариб қўямиз.

Омон бўлинг, барака топинг, азизим, ҳали биз қиладиган ишлар жуда кўп. Чинакам қалам соҳиблари — табиий гуллар, сўз заргарлари барқарор бўлган жойда қоғоздан ясалган гуллар, штампдан чиққан баркашларга ўрин йўқ, деймиз. Социалистик адабиётимиз яна ҳам баланд погоналарга кўтарилаберсин, ҳамжиҳатлик билан ишлайберайлик, деймиз.

ТОҒ ДАРАХТЛАРИ

Арча

Бу игнабаргли, йилнинг тўрт фаслида ҳам кўм-кўк яшнаб турувчи, қишнинг қаҳратонида ҳам парвоз қилмай ўсаверадиган нафис ўсимликнинг асли ватани Россия ўрмонлари бўлиб, Ўрта Осиё тоғларида унинг тўрт тури учрайди. Ер юзида ўсаётган арчаларнинг тури эса 60 дан ортиқ. Арча шимолий яримшардан то Арктикагача, жанубда Эфиопиягача, шунингдек, шимолий тропик Африка тоғлари, Ҳимолай, Мексика, Шарқий Ҳиндистон тоғларида ўсади.

Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида арчазорларни кўпайтириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу биринчидан, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўкаламзор бўлишига кўмаклашса, иккинчидан, ҳавони чангғубордан тозалашга ҳам катта ёрдам беради.

Ўзбекистон шароитида айниқса арчанинг Виригиния турининг маҳаллий арча турларига нисбатан 10 марта тез ўсиши шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда қулайлик туғдирмоқда. Агар республикамиз ўрмон хўжалиги мутахассислари мазкур арча турини бўш ётган тоғларимиз ёнбағирларига кўпроқ экишни амалга оширсалар, хайрли иш бўлур эди. Унинг ёғочи мебель ва сандиқлар ясашда кенг ишлатилади.

ЗИРК

Зирк ёки қорақанднинг ҳамиша баргини тўкиб турадиган ярим яшил рангли, тиканли турлари мавжуд. Уларнинг барглари сариқ, чўзиқ ёки соябонсимон, мураккаб тўпгулларн сийрак, косача гулбарглари олтита, пастки қисмида икки-учта ёндош барглари бўлади. Меваси бир ва кўп уруғли, ранги қизил, кўк ва қора.

Ўрта ва Шарқий Осиёда зирқнинг 190 га яқин тури ўсади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги Ботаника боғида бу ўсимликнинг 120 тури ўстирилади. Зирқнинг баъзи турлари йилнинг тўрт фаслида ҳам ям-яшил бўлиб туради ва ғоят гўзал манзара кашф этади. Зирқни тўп-тўп қилиб чет жойларга, бута-ғов сифатида йўл ёқаларига, паст бўйли турлари эса баланд тошлоқларга экилади.

Зирклар доривор, бўёқ олинадиган ва мевасидан озиқ-овқат сифатида фойдаланиладиган ўсимлик ҳисобланади. Унинг меваси конфет тайёрлашда ишлатилади, қуритилгани эса таомларга солинади. Илгариги вақтларда зирк шарбатидан сиёҳ ҳам тайёрланган. Сабзавот ва меволарга зирк барглари қўшиб сиркаланса, узоқ вақт янгидай туради. Айниқса, Шаҳрисабз, Ғузор ва Деҳқонобод районларида ўсадиган зирк мевалари мураббо, шарбат ва повидло тайёрлайдиган консерва заводлари учун жуда қўл келади.

ЛОЛАДАРАХТ

Сарлавҳани ўқиб, таажжубланишингиз мумкин. Ахир бундай дарахтни кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-да. Лоладарахт (у сариқтерак ҳам деб юритилади) табиий ўрмонларда — денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда — тоғларда ўсади. Дарахтнинг баландлиги 45—50 метргача боради, танасининг йўғонлиги эса айланасига 3 метрга етади. Унинг қобиғи тиниқ кулранг бўлиб, кўп вақтгача силлиқ туради, кейинчалик ёрилиб кетади. Барглари лирасимон, яшил ҳаворанг ва силлиқ. Кузда япроқлари тилларанг тусга киради. Гуллари хушбўй, лолага ўхшаш бўлади. Шунинг учун ҳам унга лоладарахт деб ном берилган. Лоладарахт 8—15 ёшга етгандан сўнг май ойининг бошида гуллайди.

Тошкент шароитида лоладарахт уруғи август ойида етилади. Кеч кузда экилса, келгуси йили баҳорда яхши униб чиқади.

Ўзбекистон шароитида лоладарахт 10 ёшгача секин, кейинчалик эса тез ўсиб кетади. У қиш совуғига чидамли. Лоладарахт ўлкамизнинг кўп шаҳарларидаги боғ, хиёбон ва майдонларида кенг миқёсда ўстирилмоқда. Ундан сунъий ўрмон ташкил қилишда ҳам фойдаланса бўлади. Чунки ёғочи мебелсозликда ва кемасозликда қўл келади.

Республикамизнинг Ботаника боғида лоладарахтнинг турлари кўпайтирилмоқда. Келажакда бу дарахт шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшса ажаб эмас. Чунки бу дарахт иссиқликни жуда севади.

Камол ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир САФАРОВ «Наврўз» романининг иккинчи китобини ёзмоқда.

РАССОМ Н. КОРНИЛОВ АСАРЛАРИДАН



Миллий кийимдаги қиз.

Халқ бахшиси ҚУРБОН-ЖИРОВ.



Искандар ОЛЛОБЕРГЕНОВ портрети.

Узбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти, Бердақ мукофоти лауреати Қувват АБДУРАИМОВ Отелло ролида.

ЧИМБОЙ ЭТАКЛАРИДА.

Т. САЪДУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Воҳид АБДУЛЛАЕВ

Компрессор заводининг нусха кўчирувчиси Муҳаббат АЪЗАМОВА меҳнатда илғор бўлиши билан бирга ўз билимини ҳам ошираётир. У ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг кечки бўлимида таҳсил кўрмоқда.

Н. Шарипов фотолари



Р. НЕЪМАТОВ ишлаган плакат.

Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг бригада бошлиғи, уч марта Меҳнат Қизил байроқ ордени нишондори Раҳмон ОЛТИБОЕВ.

Ж. Тўраев фотоси

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ШИФОКОР



«...Қадрли Аҳад ака! Кеча тунда (яъни 28 апрель кечаси) институтимизнинг болалар клиникасида биринчи марта навбатчилик қилдим. Тун бўйи бемор болалар ташвиши билан бўлиб, мижжа қоқмадим. Ҳали тилга ҳам кирмаган гўдакларнинг касалини аниқлаш, унга даво топиш қанчалик мураккаб ва сердиққат жараён эканини ўша узоқ тунда ҳис этдим. Шунда Сизнинг болалар шифохоналарида ишлаган пайтларингиздаги кўп йиллик ташвишу тажрибаларингизни кўз олдимга келтирдим. Қарийб қирқ икки йилдан бери педиатрлик қилаяпсиз. Қирқ икки йил!.. Бир йигитнинг камолот ёши. Айтишга осон. Бу давр ичида Сизга қанчадан-қанча нораста беморлар дуч келмаган дейсиз. Кўп узоққа бормай, бир ёшга тўлиб-тўлмай оғир хасталанганимда бобом нажот истаб мени Сиз раҳбар бўлган клиникага кўтариб борганини айтақолай. Ўшанда бобом нодонлик қилиб дилингизни оғритишгача бориб етганини, сиз эса бардош ва қатъиятлик билан бурчингизга содиқ қолганингизни хотирлашнинг ўзи мен учун қанчалик қаяжонли. Ростини айтсам, медицина институтига кириб, болалар доктори бўлишга азми-қарор қилишимга ҳам Сизга ўхшаган бообрў шифокорларнинг ибратли ҳаётлари туртки бўлди. Сизни 1 Май байрами билан сидқидилдан қутлаб, хайрли ишингизда янги муваффақиятлар тилайман. Эҳтиром билан Бахтиёр».

Бахтиёрнинг мактуби Аҳад акани ўйлантириб қўйди. У юмшоқ ўриндиққа суянганича, қоп-қора қуюқ қошларини чимириб, ўша воқеани эслашга уринди: олтмиш ёки олтмиш иккинчи йил эди. Норғул қария киши юзлари қув ўчган ҳолда 1-болалар касалхонасининг қабулхонасига қизил духоба кўрпачага ўроғлиқ бир гўдакни кўтариб кирди.

— Дўхтир қизим, неварам оғирлашиб қолди. Ердам қилинглар. Келинимнинг ҳам тоби қочди. Ўзим олиб келдим,— деди у стулда ўтирган оқ халатли жувонга илтижо қилиб.

Навбатчи врач зудлик билан ўрнидан туриб термометр олди, уни оҳиста гўдакнинг қўлтиғига қўйди. Боланинг кўз очишга ҳам мадори йўқ эди. У ўқтин-ўқтин оғир йўталар, ғижиниб йиғлар эди. Қандайдир дард унга азоб берарди.

Врач аёл боланинг қўлтиғидаги термометрни олиб кўрди. Ҳарорати юқори 40,5 даража эди...

— Анча ўтказиб қўйганга ўхшайсизлар-да,— дея савол назари билан отахонга юзланди врач аёл.

— Келинимиз ёш, бу тўнғичи. Тажрибасизлик қилиб...— Ота яна нималардир дейишга оғиз жуфтлади-ю, лекин вазиятга қараб гапдан тўхтади.

Навбатчи врач эса оҳиста ички телефон трубкасини кўтарди:

— Аҳад ака, Маҳтумаман. Қабулхонадан безовта қилаяпман. Бир отахон гўдак неварасини олиб келди. Аҳволи жуда оғир. Вақтингиз бўлса ўзингиз бир...,— дея бош врачга мурожаат қилди врач аёл ва сўнгра чолга юзланди.— Ҳозир бош врачимиз Аҳад аканинг ўзлари келадилар. Жуда тажрибали, шифокор, неварангизни кўради. Шоядки...

— Раҳмат, қизим...

Ўшанда Аҳад Жалилов ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган нораста Бахтиёр исмли гўдакни обдон текшириб кўрганди. Унинг касаллик тарихи варақасига: «оғир зотилжам», деган диагнозни ҳам ўз қўли билан ёзган эди... Мана, бугун ўша гўдак ўсиб-улғайиб, Москвада — медицина институтида ўқияпти...

Лекин ўшанда боланинг соғайиши осон кўчмаганди. У касалхонага ётганидан кейин ҳам дарров ўзига келолмади. Икки томонлама хуруж қилган зотилжам гўдакнинг нафас олишини оғирлаштириб, уни анча кучсизлантириб қўйганди. Икки-уч кундан кейин ҳам беморнинг аҳволи яхши бўлмаганини кўрган бобоси бош врач ҳузурига кирди-да кўзига ёш олиб:

— Яхши ният билан исмини Бахтиёр қўйгандик... Афсус, бери қарамаяпти. Мабодо... Ичини ёрмасдан берасизлар-да,— деди.

Саводсиз отахоннинг томдан тараша тушгандай айтган бу гапи доктор Аҳад Жалиловга бошидан совуқ сув қуйгандек туюлди.

— Биз гўдакнинг ҳаёти, жони учун курашаяпмиз, бутун дори-дармонларни ишга солаяпмиз. Сиз бўлса нодонлик қилиб...— деди Аҳад ака жаҳл билан чолга тик қараб.

Очиғини айтганда, ўша мунозара бош врачга қандайдир ғайри-табиий куч бағишлади. У «чиқмаган жондан умид» деган фикрни қалбига қатъий жо қилиб, бемор гўдакни ўз оталиғига олди. Уни ҳар куни эрталаб кўриб, даволаш усулларини белгиларди. Ҳатто у бемор ётган хонанинг ҳавоси янгиланаяптими йўқми, йўргаги алмаштирилаяптими — ҳаммасини суриштириб турди. Бемор беш кун деганда кўзини очиб, бери қарай бошлади... Этга тўлиб, соғайган неварасини олиб кетишга келган ҳалиги отахон энди қувончдан ўзини қаерга қўярини билмасди. У бош врач Аҳад Жалиловнинг ҳузурига кирди. Бошда ўйламай гапирганидан уялиб изза тортганича:

— Аҳад доктор! Сизга минг-минг раҳмат! Бахтимизни бут қилдингиз. Сиздан бир умр миннатдормиз. Бахтиёржон катта бўлса, албатта, сиздай доктор бўлади,— деди.

Шу-шу Аҳад Жалилов Бахтиёрларнинг оиласи учун энг азиз ва қадрдон киши бўлиб қолди.

Аҳад ака ўриндиққа суянганча ўз ўтмишини, ҳаётидаги муҳим дақиқаларни бирма-бир эсларди. У ёшлигида отадан етим қолди. Падари Миржалил деққонниинг ич терлама касалидан вафот этиши унга қаттиқ таъсир қилди. Ўшанда маҳалладаги тўртбеш қариянинг уйларига тўпланиб: «Вақтлироқ касалхонага олиб борилганда, бирор кўзлироқ докторнинг қўлига тушганда бояқиш дарддан фориғ бўлиб кетармиди?..» деган гаплари қулоғига чалинганда ич-ичидан зил кетди, кишилар оғир дардларга чалиниб, бошлари ёстиққа текканларида уларнинг бирдан-бир нажоткори оқ халат кийган доктор эканлигини чуқур ҳис этди. Шу фикр унга туртки бўлди, шекилли, мактабни тамомлагач, Охунбобоев номли медицина билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиши унинг учун Тошкент медицина институтида ўқишни давом эттиришига рағбат бўлди. Институтда олти йил таълим берган устозларидан, хусусан, институт педиатрия кафедрасининг мудири, профессор Рафаэль Самойлович Гершеновичдан бир умр миннатдор. У институтни тамомлагач, шу профессорнинг кафедрасида етти йил ординатор ва ассистент бўлиб ишлади. Мана шу етти йил унинг педиатрияда кўзи пишиб, етук доктор бўлишида муҳим босқич бўлди.

Аҳад Жалилов 1958 йилда болалар санаторияси ўрнида ташкил этилган 1-бирлашган болалар касалхонасига бош врач этиб тайинланди. Касалхона юз ўринли бўлиб, унинг қошида 44 минг болага хизмат қиладиган поликлиника ҳам бор эди. Аҳад ака кечаю кундуз тинмай ишлади. Касалхонадан бўшади дегунча «Илғор», «Шарқ юлдузи» маҳаллаларида, «Кўкча» кинотеатрида, шаҳардаги 38-ва 122-мактабларда педиатрия ва гигиена-санитариянинг муҳим мавзуларида лекциялар ва суҳбатлар ўтказди. У ўз суҳбатларида ҳар гал ота-оналарга: «профилактика, яъни касалликнинг олдини олиш тадбирлари бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий омили» деб уқтирарди.

Дарахт бир жойда камол топади, деганларидек, Аҳад Жалилов мазкур касалхонада роппа-роса йигирма етти йил бош врач бўлиб ишлади. Бу даврда у моҳир ташкилотчи, жонкуяр шифокор сифатида элнинг назарига тушди. «Аҳад доктор» деган самимий атама бир неча маҳалла аҳлининг, ота-оналарнинг қалбига жо бўлиб кетди. Бу атама кишиларнинг шифокор Аҳад Жалиловга бўлган ишонч ва эҳтиромининг ифодаси эди.

Партия ва ҳукуматимиз Аҳад аканинг кўп йиллик самарали хизматларини муносиб тақдирлади. Унинг кўксини бирин-кетин «Ҳурмат белгиси» ордени, «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» нишонлари безади. Халқнинг севган шифокори Аҳад Жалиловнинг номи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида «В. И. Ленин юбилейи Шон-шуҳрати китоби»га ёзилди.

...1979 йилнинг декабрь ойи эди. Аҳад Жалиловни шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўз ҳузурига таклиф этди.

— Аҳад ака, сизни бир масалада маслаҳатлашиш учун таклиф қилгандик,— деди бошқарма бошлиғи унга зимдан кўз қирини ташлаб.— Шаҳардаги 2-болалар уйининг аҳволи яхши эмас. У ердаги опахонимиз ишни уддалолмаяпти. Масъул раҳбар ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, ўша ерга сизни юбормоқчимиз. Нима дейсиз?

Фавқулоддда пайдо бўлган бу таклиф бошда Аҳад акага бир оз эриш туюлди. У бошлиқнинг таклифи қатъий эканини сезгач:

— Партиямизнинг солдатимиз. Қаерга ишга юборсаларингиз, бораверамиз,— деди бошлиққа юзланиб.

Аҳад Жалилов дастлабки кунданоқ 2-болалар уйининг шароити, аҳволи билан танишди. Кечқурун анча чарчаб уйга қайтди. Кабинетига кириб, диванга ўтирди. Эрини ҳорғин кўрган Азиза опа:

— Янги иш жойингизда ташвиш кўп шекилли, дадаси, анча чарчаганга ўхшайсиз!— деди Аҳад акага синчков боқиб.

— Ҳа, ташвиш бўлганда ҳам анча-мунча. Газ ўтмаган, хоналар ҳалиям кўмир билан, иситиларкан...

Аҳад Жалилов болалар уйига газ ўтказиш, хоналарга буғ билан қизийдиган батареялар ўрнатиш ва бошқа муҳим ишларни бажариш учун тиниб-тинчимади, тегишли ташкилотларга ёрдам сўраб қайта-қайта мурожаат этди.

Орадан ойлар ўтди. Ҳамма қийинчиликлар орқада қолди. 2-болалар уйининг шароити, кўриниши яхшиланиб ўзгариб кетди. Буни кўрган кишилар: «Бош врачимиз ишчан, ташкилотчи экан. Болалар уйи учун кўп қулайликлар яратди», деб Аҳад аканинг хизматини эътироф этадиган бўлдилар.

Аҳад Жалилов,— ота, оила бошлиғи сифатида ҳам ибратли кишилардан. Икки ўғил, уч қизини тарбиялаб ўстирди, ўқитди. Фарзандлари ҳам ота изидан бордилар. Қизлари, келинлари — ҳаммаси шифокор, яхши ота-оналарнинг фарзандлари. Ҳа, муқаддас қасамёдга содиқ қолиб, элга ҳалол хизмат қилиш фазилати шу шифокорлар оиласининг руҳига сингиб кетган.

Шомурод СИДДИҚОВ

МЕҲНАТ ВА САНЪАТ БИРЛИГИ

5 май — матбуот куни

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори

Эрта тонгда почтальон келтирган, саҳифаларида босмахона бўёғининг ҳиди анқиб турган газетанинг бугунги сони билан таништаётган газетхон нигоҳида меҳнат иштиёқида тун бўйи тер тўккан, ўз касбининг шайдоси, уста матбаачилар, ижодкор қалам соҳиблари намоён бўлиши табиийдир.

Газетхон, журналхон ва китобхонлар республикамизнинг йирик полиграфия корхонасини, у ерда тайёрланаётган хушбичим, нафис босма нашрларни севиб ўқишга одатланиб қолганлар. Бу даргоҳда миллион-миллион нусхада босма асарлар тайёрланиб, ҳар куни эрта тонгда, ўз севимли нашрларини ошиқиб кутаётган обуначиларга юборилади.

Тошкент марказидаги оппоқ мармар бинода В. И. Ленин Марказий музейининг филиали жойлашган. Унинг ёнида — Ленин проспекти ёқасида эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг 16 қаватли редакциялар корпуси қад кўтарган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Зотан Владимир Ильич большевикларнинг «Правда» газетасини ташкил этиб, унга муҳаррирлик қилиши билан совет матбуотига асос солди. Мана, деярли қирқ йилдан буён мамлакатимизнинг ана шу улуғ газетаси Тошкентда ҳам чоп этилаётир.

Шунча йиллардан бери бизнинг мутахассисларимиз москвалик матбаачиларнинг бой тажрибалари ва билимларидан бахраманд бўлган ҳолда меҳнат қилаётирлар. «Правда» нашриётининг кекса ходимларидан бири Казимир Валентинович Василевский шундай хотирлайди: «Мен 50-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонасида бўлган эдим. Ўшанда у саноат корхонаси деган номга унчалик муносиб эмасди. Бир қаватли каттагина бино ичига саноқли ротация машиналари ўрнатилганди. Ҳарф териш бўлими эса бошқа бинода жойлашган эди».

Орадан ўтган қисқа вақт ичида янги-янги корпуслар қад кўтарди, ишлаб чиқариш цехлари таъмир қилинди. Янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга изчил жорий этаётган коллектив меҳнати ўз самараларини бераётир: босма маҳсулотларнинг сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичидаёқ босмахона 300 дан зиёд ноёб асбоб-ускуналар ва механизмлар билан таъминланди.

Одатда, коллективнинг муваффақиятлари оқибат-натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифати билан белгиланади. Нашриётимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми орта бориши натижасида ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсмоқда, ижтимоий ва маданий қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун бой имкониятлар вужудга келмоқда. Сарфланган салмоқли капитал маблағлар яхши самаралар бермоқда. Ишлаб чиқаришни моҳирлик билан бошқариш, ҳаракатдаги қувватлардан рационал фойдаланиш натижасида корхонамиз ўзининг полиграфик базасига эга бўлмаган бошқа нашриётларга, министрлик ва бошқармаларга босма нашрларни чоп этишда ҳамкорлик йўли билан кўмаклашмоқда.

Журналистлар ва матбаачиларнинг ҳамкорликдаги ижодий изланишлари туфайли республика журналларининг бадиий безаги ва полиграфик ижроси такомиллашиб, янада оммалашиб, техник жиҳатдан кўркам ва ўқишли бўлаётир. Нозик дид билан чиройли безатилган нашр ўқувчилар эътиборини ҳамиша ўзига тортади. Бу — қувончли кўрсаткич. Нашр этилаётган асарлар нусхаларининг тобора ортиб бораётгани ҳам ана шундан далолат беради: «Гулистон», «Саодат», «Муштум», «Гулхан» ва «Ғунча» журналларн кўп минг нусхада чоп этилмоқда. Нашриёт коллективи 1982 йилдаёқ ўн биринчи беш йилликнинг уч йили топшириқларини адо этгани учун республика социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини еттинчи марта олишга муваффақ бўлди.

Тошкентдаги қурилиш ва монтаж ташкилотлари билан ҳамда мамлакатимиз ва ГДР машинасозлик корхоналари ўртасидаги дўстона ҳамкорлик туфайли умумий қиммати 21 миллион сўмдан иборат йирик газета корпуси қурилиши белгиланган муддатдан анча аввал ишга туширилди. Бунинг натижасида биринчи навбатда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», кейин эса ҳамма марказий ва республика газеталари замонавий офсет усулида чоп этиладиган бўлди.

Юксак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган нашриёт кенг меъёрда ихтисослашган газета-журнал ва китоб тайёрлайдиган корхонага айланди. Босмахонадан ҳар суткада беш тилда олти миллион нусхадан иборат марказий, республика, Тошкент области ва шаҳар газеталари чоп этилмоқда, шунингдек, 10,5 миллион нусхадан иборат 48 та марказий ва республика журналлари чиқарилаётир. Корхонамизда «Правда» газетаси нашриёти босмахонасида тайёрланган фотоформалардан «Работница», «Здоровье», «Крестьянка», «Крокодил», «Политическое самообразование», «Человек и закон», «За рулем» каби кўплаб оммавий журналлар ҳам миллионлаб нусхада босиб чиқарилмоқда.

Эндиликда корхонамиз нашрининг ҳамма турлари ҳамда маҳсулот ҳажми жиҳатидан мамлакатимиздаги партия ташкилотлари нашриётлари орасида «Правда» нашриётидан сўнг иккинчи ўринга чиқди ва «Рядяньска Украина» нашриёти даражасига етди. Корхонамизда таълим олиб, мустаҳкам билимга, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган юксак малакали кадрлар зўр иштиёқ билан меҳнат намуналарини тараннум этмоқдалар.

Янги газета комплекси қувватларини тўла ўзлаштиришимиз билан барча газеталарни прогрессив офсет усулида чоп этиш имконияти яратилди, газеталарнинг бадиий безаги ва полиграфик ижро сифати ҳам янада жозибали бўлади.

Келажакда совғабоп нашрларни тайёрлаш борасидаги ишларимиз ҳажми ҳам яна кенгайиб бораверади. Матбаачиларимиз классик адабий меросимизни тарғиб-ташвиқ этиш соҳасида диққатга сазовор ишларни амалга оширдилар. Шарқ классикларининг шеърий тўпламларини чиройли безакларда нашр этиб, поэзия мухлисларини қувонтирмоқдалар. Эндиликда эса нашриёт Марказий Осиё халқларининг XIV—XIX асрларга оид ранг-тасвир ва китоб безатиш санъати намуналаридан иборат расмлар комплектини чоп эта бошлади. «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» нашрдан чиқди. Унга XV—XVI аср Ҳирот ва Бухоро мактабларига мансуб бўлган ва Бодлеан. Оксфорд кутубхоналари, Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондидан олинган 32 та миниатюра киритилган.

«Алишер Навоий асарларининг бадиий қўлёзма-



Муқовалаш цехи ишчилари П. Шуленина ва Н. Тарасовалар иш жараёнини бошқармоқдалар.



Газета ротацияси цехи энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

А. Губенко фотолари

Ҳозирги пайтда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, бутун коллективнинг кучғайрати партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети Май ва Ноябрь (1982 йил) пленумларининг ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳамда ташаббускорлик ва ишчанлик вазнятини вужудга келтиришга қаратилган муҳим қарорларини амалга оширишга йўналтирилган.

КПСС Марказий Комитетининг Ноябрь (1982 йил) пленумида таъкидлаганидек, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар ҳар бир ишчи ва меҳнаткашнинг фаол иштироки туфайлигина рўёбга чиқиши мумкин. Моддий ва меҳнат ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялаш, ишониб топширилган участка учун масъулиятни кучайтириш ижрочидан тортиб раҳбаргача барчанинг маънавий, ватанпарварлик бурчидир. Ходимларимиз ўз олдиларидаги муҳим вазифаларни чуқур англаган ҳолда мустаҳкам интизом асосида сифат ва самарадорликни таъминлашни кўзлаб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ҳамда унинг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси газета ва журналларнинг редакциялари билан бирга катта миқёсдаги ишларни амалга оширишга даъват этилганлар. Бир йиллик план 13 миллион 750 минг сўмни ташкил этади, бу 1982 йил планига нисбатан 1 миллион 750 минг сўм кўп демакдир. Ишлаб чиқариш ҳажми бир йил ичида 11,3 процентга ортади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми асосан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига қўлга киритилади. Буларнинг барчаси нашрлар, айниқса, китоб ва журналлар нашрини кенгайтиришни тақозо этади.

Нашриёт босмахонасида, айниқса, газета ротация цехида кечаю-кундуз ҳаёт қайнайди. Қудратли агрегатлардан миллионлаб нусхаларда газеталар пайдар-пай босилиб чиқади. Газета экспедицияси орқали бу нашрлар республикамизнинг ҳамма районларига, Урта Осиё республикаларининг барча шаҳар ва қишлоқларига, Қозоғистоннинг жанубий областларига, журналлар ва бошқа босма маҳсулотлар эса 40 дан зиёд чет элларга ҳам муттасил юборилмоқда. Корхонамизнинг энг яхши матбаачилари томонидан металлга қуйилган ва қоғоз лентaларга босилган сафарбарлик ва ташкилотчилик руҳидаги нашр сўзлари қудрати нақадар беқиёсдир.

План топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажараётган, маҳсулот сифатини тобора яхшилашга эришаётган ишлаб чиқариш илғорлари, ишчиларимиз ўз меҳнатлари билан совет кишиларининг онги, фикри ва ҳаётида партия ва халқимизнинг газета, журнал ва китоблар саҳифаларида ёритилаётган даъватига меҳр ва ҳурмат туйғуларини қарор топтираётганликлари билан фахрланадилар.

ларни» деб номланган иккинчи кичик тўплам ҳам ҳозир босмадан чиқай деб қолди. Бир гуруҳ рассомлар ва матбаачилар XVI аср Бухоро мактаби қўлёзмаларига мансуб бўлган «Низомий достонлари сюжетларига ишланган расмлар» тўпламини нашрга тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар. Мутахассислар билан яқин ижодий алоқада 1990 йилга қадар Шарқ шеърияти классикларининг яна 33 та тўпламини нашр этишни режалаштирганмиз.

Аждодларимизнинг даҳоси билан яратилган миниатюраларнинг тасвирини яхшилаб акс эттириш истагининг ўзи камлик қилади. Бунинг учун гўзаллик моҳиятини чуқур ҳис этадиган юксак дидли, мураккаб, сермаҳсул машиналарни бошқаришга қодир мутахассислар керак. Шарқ миниатюраларининг совға нашрини технологик жиҳатдан ўзлаштириш учун мутахассислар касб маҳоратларини янада такомиллаштирдилар. Натижада текстларни теришнинг ноёб технологияси юзага келди. Қадимий рассомлар томонидан санъаткорлик билан яратилган ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти архивида сақланаётган асарлардан ранглар мутаносиблигини аслидай сақлаган ҳолда нусха кўчириш, айниқса, мураккаб ва машаққатли кечди. Эндиликда ана шу ноёб санъат асарларидан аниқ-тиниқ нусха кўчириб форма тайёрлаш учун корхонамизда барча шарт-шароит яратилди.

Босмахонамиз «Хромограф ДЦ-300», «Варнохромограф», «Варноклишограф», «Гелиоклишограф» каби ранг-тасвир кўчириладиган асбоб-ускуналари, нозик фотоаппаратуралар, замонавий фоторепродукцион техника билан таъминланган. Шунисн қувонарлики, «Правда» нашриётидан кейин Иттифоқда иккинчи бўлиб бизда репродукцион марказ вужудга келтирилди. Бу ерда оригинал тасвирга тўла мос тушадиган фотомонтаж тайёрланади, бўёқларни акс эттиришнинг энг нозик жараёнлари амалга оширилади, айрим ҳолларда эса оригиналдаги майда қусурларни ҳам йўқотиш имкониятига эгамиз.

Нашриёт билан республика Фанлар академиясининг Қўлёзмалар ва Шарқшунослик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Санъат музейи, Халқ амалий санъати музейи, кўплаб фан ва маданият муассасалари билан ижодий алоқаларимиз ҳозирги замон ва ўтмиш ноёб асарлари нашрини янада кўпайтириш учун ишончли замин бўлиб хизмат этади.

Ўз ишига астойдил меҳр қўйган, меҳнатга чинакам ижодий ва масъулиятли муносабатда бўлган кишилар, юксак малакали мутахассислар илмий-техника тараққиётининг қиёфасини белгилайдилар. Шунинг учун ҳам нашриёт техника советн таркибида махсус ижодий группалар тузилганлиги бежиз эмас. Ана шундай группалардан бирини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Л. Добринский бошқармоқда. Қурувчи инженерлардан В. Ненашев, Ж. Могильниченко, В. Ушаков, В. Федоров, В. Шур ва бошқа мутахассислар бой тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашмоқдалар. Технологлар, механиклар, иқтисодчилар ва ишлаб чиқариш ташкилотларидан иборат группаларда ҳам ижодий фаоллик учун тегишли имкониятлар яратилган. Ижодий группаларга бирлашган мутахассислар ишлаб чиқаришда меҳнатнинг илғор усулларини қўллаш бўйича диққатга сазовор ишларни амалга ошираётирлар.

Мамлакатимиздаги илғор матбаачилар билан, социалистик мамлакатларнинг нашриётлари билан ҳамкорлик ўрнатмасдан туриб, ижодий изланишларда ютуқларга эришиш қийин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи «Лапкнадо Валлалат» (Венгрия) нашриёти билан дўстлик ва бродарлик алоқаси ўрнатган. Беш йилдирки, мутахассисларимиздан ташкил топган делегацияларимиз ўзаро тажриба алмашиб, юксак малакали кадрлар тайёрлашда бир-бирларига жуда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Мазкур нашриёт директори, СССР Халқлар Дўстлиги ордени, Болгария, Чехословакия ва Венгрия дўстлик орденлари кавалери, таниқли публицист Норберт Шиклошн бу дўстликнинг асосчиларидандир. Венгрия нашриётн таниқли совет ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достонини венгер ва рус тилларида миниатюра шаклида нашрдан чиқарди.

Дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида гап кетар экан, Сирдарё районидаги «Малик» совхози билан ўрнатган яқин оталиқ алоқаларимиз тўғрисида сўз юритиш жоиздир. Мана, йигирма йилдирки, бир-биримизга дўстона ва бпродарона ёрдам кўрсатиб келамиз. Совхоз ишчиларн бизга қарашли дам олиш уйларида, санаторий-профилакторийда ҳордиқ чиқаришмоқда, даволанишмоқда, уларнинг фарзандлари эса ҳар йилн Юрий Гагарин номидаги ва «Қалдирғоч» пионер лагерларида ёзги каникулларини ўтказишмоқда. Совхоз мутахассислари эса, ўз навбатида, дам олиш зоналарини кенгайтириш, чорвачилик фермалари ва бошқа ёрдамчи хўжаликларни вужудга келтириш ишларида нашриётга оталиқ ёрдами кўрсатадилар.

Кадрлар тайёрлашда ҳам дўстлик-қардошлик муносабатлари қўл келмоқда. Янги газета корпусига кўчиб ўтишимиз муносабати билан нашриётимиз мутахассисларидан иборат катта группа Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётларида, «Московская правда» нашриётида бўлиб, газета чиқаришнинг илғор офсет усули бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганиб қайтдилар.

Суратда: форма тайёрлаш цехининг бошлиғи Юрий ВАЛИН маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

УКРАИНА ҲАҚИДА ҚЎШИҚЛАР

КЕЛИН АЛЛАСИ

Беш ўғилга она эди у,
Беш ўғилни ўстирди дуркун.
Ён қўшни... Жон қўшни эдию...
Эшигидан ўтгандим бир кун:
Беланчакни кўзим илғади,
Тебранарди ёнда беланчак.
Шунда бирдан гўдак йиғлади,
Қўшни аёл гиргиттон, сергак,
Алласини бошлади аста,
Сўзларига куйи пайваста:
«Ухла, қўзим, алпим, казагим,
Юракдаги тугун-газагим,[1]
Днепрга ва Сирдарёга
Кундуз қуёш, қаро тун ойга
Соқчи керак, азамат керак,
Ёвни енгган валломат керак!
Карпат тоғин бургути бўлгин,
Чотқол тоғин нур-ўти бўлгин,
Сочимнинг ҳар толасин
бердим,
Юрагимнинг ноласин бердим,
Кўзимдаги нурим сеники,
Меникимас умрим, сеники!!!
Эл кунига ярасанг шу бас,
Она учун йўқ бошқа ҳавас!
Алла...»
Ана, унинг алласи тинди,
Ён қўшнимни танидим энди,
Она алла айтиб тинмайди,
Сўзга, куйга қайтиб тинмайди,
Украинча эди, англадим,
Ўзбекчадек севиб тингладим,
Бошдан учиб юрарди ҳушим
Таниганим ёну жон қўшним
Энди ростдан таниб
борардим,
Бу туйғудан ёниб борардим,
У ўзбекнинг — украин қизи,
Бу ерларга тўшалган изи,
«Ўз юртим», дер ўзбек элини
У ўзбекнинг — ўзбек келини!
Дуо қилдим чақалоғини
Ўсган, ўсаётган боғини!
У севги, деб, ёр, деб келибди,
Муҳаббатим бор, деб
келибди!..
Учган каби қушлар галаси
Бошимда украин алласи...

[1] Украинларда: она ҳар гал фарзанд кўрганида юракда бир тугун-газак пайдо бўлади, деган ибора бор.

ШЕВЧЕНКО КУНЛАРИ...

Шевченко кунлари...
Шаҳри Киевга
Ҳамма эл,
Ҳамма тил йиғилди.
Шеърият байрами...
Кобзарь қошида
Турибмиз, халқ — денгиз каби чайқалар!..
Шевченко шеър ўқир, мўйлаби титраб,
Юзига аянчлар солган кўланка.
Шевченко шеър ўқир
осмон тўшида
Булутлар бургутдай сузиб юрибди!
Шевченко шеър ўқир:
— Як умру нохавайте!
Товушин қарс этиб синдирган зулмат,
Днепр ноласи кўчган сатрига!
Аммоки...
Шевченко ўзи ҳам билмас,
Ажабо шоирнинг ўлмаслигини,
Онадан у мангу туғилганини,
Мангу кулфат чекиб, мангу хўрланиб..
Аммоки...
кўзини очиб кўрларнинг —
Яшашин,
азобин, наҳот, билмаса?!
Бўлмаса...
шеър навбати кимга!
Рус шоири ўқир:
— Как умру похороните!
Ажабо!
У ҳам ўлмасликка йўқ дея гаров,
Кобзарни такрорлар...
Ўлим йўқ унга!
Латиш ўқияпти,
Қозоқ ўқияпти,
Тожик ўқияпти,
Белорусс,
хакас...
Ҳаммаси ўқийди «ўлсам»ни қайта,
Мен эса ўзбекча,
она тилимда
Жўрман:
«Ўлсам агар жасадим,
Украинага кўмилсин.
Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин!»
Аммоки... дилимда бордир эътироз:
«Шоир, ахир ўлмас!»
Пичирлар лабим,
Қалбим шу имонда туради қатъий...
Кобзарга қарайман,
Юзи ёришиб,
Ўлмаслигин ўзи сўзлаб турибди!
Шоир ўлганини ким ҳам кўрибди,
Шоирга ўлим йўқ...
Унга келишади халқлар меҳмонга!
...Кобзарь шеър ўқирди,
Дунё тилида,
Ўзи мангу яшаб қолган элида...

ГУЛ ОЧИЛСИН

Тисса шалоласи... Сувнинг лоласи...
Тош устида ёниб турган гул.
Сендай тошиб юрак ноласи,
Узатаман шошиб сенга қўл.
Очиласан, гул япроқларинг
Сув тутади пиёла лим-лим...
Сувдай оқар хушнуд чоғларим...
Сувдай сероб бўлади дилим!
Ҳаёт каби тинмай оқавер,
Ҳатто тошлар йўлингни тўсса,
Тош устига лола тақавер,
Йўлингда гул очилсин, Тисса!

ХЕРСОН

Херсон бурунида сўнгги жанг бўлди.
УЙҒУН

Херсон бурунидаман, атрофим сув... сув...
Мавжи юрагимда, мавжи денгизда.
Шалола-шалола кўпирадн у!
Қудрат-шижоатда сира тенгсиз-да!
Денгиз шеърга ўхшар, билмас миқёсни,
Тўлқини сўнмайди, юракдай тинсиз.
Шошиброқ айтдимми, дейман, қиёсни!
Қутуриб қолди-ку шу чоғда денгиз!
Мен эса тўлғониб тўлғоқларида,
Қирғоқда турибман, таяниб ерга.
У эса бош уриб, қирғоқларида,
Тушиб бораётир қоп-қаро терга!
Не истар, шоирми денгиз ҳам балки,
Гувоҳни хушламас келганда илҳом.
Менга тик сапчийди, соҳилга қалқиб,
Денгиздай қалқийди мендаги дил ҳам.
Начора! Гадонинг рақиби гадо,
Одамнинг душмани нақ одам эмиш.
Денгизга тикилиб, бўламан адо,
Аждаҳо сингари нзлайди емиш...
Шеър билан келади шунда устозим,
Денгизни даф қилар, тўлқин қочади.
Денгиздай тинглайди шеърий овозим,
Ҳимоя қилади, қучоқ очади!
Устоз мададидан белимни боғлаб,
Майдонга тушаман, кўзим тикаман.
Узимни мангулик курашга чоғлаб,
Яна беллашувга эрта чиқаман!
Херсон бурнидаман, атрофим сув, сув...

МОВИЙ ДАЛАЛАР

Теп-текис, бепоён, мовий далалар..
Уфқдан нарига ёйилган чаман.
Юраман, сокин йўл мени аллалар..
Боламдай бошоқни ўпиб-қучаман.
Мусаффо, осуда, қўшиқдай равон..
Денгиздай мавжига қулоқ тутаман.
Бошида дўппидай турибди осмон,
Ҳайратдан ҳаводай меҳрин ютаман!
Даламга ўхшайди, йўлимдай текис,
Ўлкамдай тилаги муҳайё экан.
Украин даласи — даламдай чексиз..
Дунёда ўзи ҳам бир дунё экан!
Днепр, Сирдарё, мовий далалар!..

КОХАНИ

Кохани!
Йўлларда севган қўшиғим,
Кохани — севаман, умид — матлабим.
Такрорласам, тўлар юрак бўшлиғим,
Йўлдан келган эдим, йўлга отландим.
Йўлдаман, Инсоннинг умри асли йўл,
Қанча чорраҳада кимга дуч келдим.
Дўстона узатдим ҳар гал қўлга-қўл,
Бағримни тўлдириб гулдай ғуж келдим...
Ҳаёт бу, на ўлчов, на-да изми бор,
Аммоки Ньютон онган у қонун
Ихтиёр биланми, ё беихтиёр
Тортиб туриши ҳақ инсон ҳар онин.
Тортиб туриши ҳақ...
Украинага —
Дилимни тортади — меҳримнинг кучи
Савол ҳам бермадим ўзимга:
— Нега!?
Ингичка бўлса ҳам қаламнинг учи,
Ростни ростдай ёзар, кўримли, дуркун,
Меҳрга аямас юрак қонини!
Ўзбекистон — менинг туғилган юртим,
Ўғилман, фарзандман унга қонуний![1]
Ўғилман,
Аммоки, исмимга монанд
Йўл юриб, мўл юриб, тоймайман йўлдан.
Шундан юрагимни дўстлик этган банд,
Йўлда ҳам қаламни қўймайман қўлдан.
Гўзал Украина...
Ўзбек диёрим
Эгачи-сингилдир тақдири ўхшаш.
Боқдимми, қалбимда қатъий қарорим!
Боқдимми, кўраман йўлларим туташ!
Йўллардан ўтаман,
Кўксимда қўлим,
Йўловчи саломга олади алик.
Привіт — дан ойдиндай ёришар кўнглим,
Будь ласков!— ҳуш ёқар, кўркам, чиройли!
Аммо, йўлларимда этаркан давом,
Украин қардошлар, топингиз қани?
Дейман: Ўзбекона мулойим салом!
Дейман: Украинча эзгу — Кохани!
Шарақлаб кулишар,
гўё бошоқлар
Шалдираб кетади олтин далада.
— Кохани!— сўзини юрагим ёқлар!!!
Такрорлаб, яйрайман мурғак боладай!
Гўзал Украина...
Чексиз...
чексиз...
чексиз...
Қучаман қондошим ука-акани.
Ким кўриб боқаркан, дейди:
— ўзбексиз!
Тилимда янграйди:
— Салом!
— Кохани!

[1] Бу украинча сўзнинг маъноси «Ҳуш кўрдик» мазмунига тўғри келади.

ПАВЛИЧКО ШЕЪР ЎҚИР...

Павличко шеър ўқир...
Шеъри қисқадир:
«Ҳис — қадр,
ҳис — қадр,
ҳис — қадр!..
Қадрин топар экан шоирнинг ҳисси,
Демак, далаларда гулларнинг иси —
Таралиб турибди, ҳаёт ораста,
Тутаман элимга шеърдан гулдаста:
Унда инсон кўнгли яшнаши керак,
Шеърим — шундан дарак,
Шеър — шундан дарак!..
Инсон туйғусидан тутдай тўкилсин!
Мисраси шифобахш — ўтдай тўкилсин!
Йўқса у не керак, йўқса не керак!
Хулласи, шеър керак, хуллас — шеър
юрак!»
Павличко шеър ўқир...

Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ

Кўнгил чироғи

ҲИКОЯ

Уч КУНДИРКИ, Ҳалиманинг ичига чироқ ёқса ёримайди. Ҳамхоналари уни қанча юпатишмасин, бамисоли оловга керосин сепгандай бўлаверади. Чақалоқларни эмизгани олиб келишганида, унинг юзидаги чексиз изтиробни айтмайсизми? Ё шифтга қараганча кўзларини бир нуқтага қадаб хаёлга чўмарди, ё орқасини ўгириб олиб, чойшабга бурканганича пиқ-пиқ йиғларди.

— Нима қиласиз, Ҳалимахон, ҳадеб куюнавериб?— дея юпатмоқчи бўларди у билан айни бир вақтда кўзи ёриган Насиба деган хушрўйгина жувон.— Минг қатла шукурки, ўзингиз омон қолдингиз. Уша куни умрдошингизга бир разм солсангиз эди. Қорайиб-куйиб кетди-я бечора. Наҳот, қон қақшаб қоламан, фарзандларимнинг бошини энди ким силайди, деб зир югурганини кўриб, ҳамманинг юрак-бағри эзилиб кетди.

— Профессорга қилган илтижоларини айтмайсизми,— деб гапга қўшилди иккинчи аёл.—«Нима қилиб бўлсаям, рафиқамни қутқариб қолинг. Қанақа дори-дармон керак бўлса, айтаверинг, ернинг тагидан бўлсаям топиб келтиришга тайёрман. Ишқилиб, омон қолсин», дейди бечора. Билмайдики, ҳеч қандай дори-дармон туғилиш қийноғини енгиллаштирмайди.

Ҳалима ҳеч нима демайдию, яна ўйга толади. «Шавкат акам шошилиб қолган чамаси. Қараса, уч кечаю, уч кундузлик дард мени енгиб қўйган. Зудлик билан чақирилган консилиум, ҳомила тезда олиб ташланмаса, она ҳаёти хавф остида қолади, деган қарорга келган. Шунинг учун Шавкат акам рози бўлақолган. Ахир, тарозининг бир палласига мени, иккинчи палласига бўлажак фарзандини қўйишганидан кейин, мени деган-да. Мана энди ўзидан ўтяпти — ўзи билади. Гарчи ёзиб киритаётган хатларида буни заррача сездирмасликка ҳаракат қилиб, кўнглимни кўтарадиган гапларни айтаётган бўлса-да, кеча ЗАГСдан қоғоз олиб, ўғлини дафн этиб келганида сира дол бўлмаган қадди эгилиб кетгандай бўлди кўзларимга. Деразадан қараб турибманку, бечора изтиробини ичига ютиб, кулимсирайди, имо-ишора билан мени бардошли бўлишга даъват этади.

Яна қулоғига чақалоқнинг «инга-инга»си эшитилгандай туюлади. Бетоқатланади. Ўзича эрини қойийди: «Тўққиз ой ҳомилани кўтариб, минг бир хил дард кечганида шу жавобни бермаган бўлармиди. Оёғини тираб олмайдими, ойга одам чиқаётган, юрак операция қилинаётган, кибернетика юксак тараққий этаётган ҳозирги замонда, наҳот, одам боласини она қорнидан бехатар олиш мумкин эмас, деб талаб қилмайдими? Бўшангроқ-да эрим тушмагур. Врачлар бош қотириб ўтирмай, осон йўлни танлашган, бунга уни ҳам ишонтиришган. Шубҳа қолмасин деб, менинг ҳаётимни ўртага қўйишган».

Шавкат-чи? Унинг дарди Ҳалиманикидан кам эмасди. «Ўғил кўраман, уч қизнинг орасида ягона бўлгани учун Давронни эркалатиб юбордик, энди Омон туғилса, онаси ҳадеб ўртага тушавермас», деб ўйлаб юрарди. Унга бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа дейишганидай, Шавкат фарзандларини сира ажратмас, ҳар бирини баравар кўришга интилар эди. Лекин Ҳалима сал бошқачароқ. «Қиз бола бамисоли меҳмон. Боқиб, вояга етказгач, узатиб юборасиз. Эр, бола-чақа билан бўлиб, ота-онасини ё эслайди, ё йўқ. Ўғил боланинг йўриғи бошқа. Қариганда ёнингизга кириб, қўлингиздан ишингизни олади, дилингизга қувват бўлади. Шунинг учун Давроннинг кўнглига қаранг, қариганингизда кунингизга ўша ярайди», дерди.

Хотинининг таъсиримми, ё бошқа нарсаданми, ишқилиб, Шавкат туғилажак ўғлига ғойибдан меҳр қўйиб қолганди. Илмий тадқиқот институтининг лабораторияси мудири лавозимига кўтарилганини ҳам, докторлик диссертациясининг хомакисини битириб, дастлабки комиссиядан ўтказиб олганини ҳам шу ўғлининг толеи билан боғларди.

Аяғи кўзга чўп тушганидек, иш чаппасидан кетишини ким ўйлабди. Бир ёқда болаларга шум хабарни қандай етказаман, деб Шавкатнинг боши қотди. «Аянг чақалоқ сотиб олган эди, йўқотиб қўйибди», деб кўрган эди, айюҳаннос солишди. Шу-шу бу қийин муаммони Ҳалима келганидан сўнг биргаликда ечишга аҳд қилиб қўйди.

Хаммадан ҳам Ҳалимага қийин бўлди. «Фарзанд доғи онага янада ёмон таъсир қилади», дея кўнглидан ўтказди Шавкат. «Оламдан ўтган ҳар бир фарзанд онанинг жигарини бамисоли бир тиғ бўлиб яралайди. Орқамда қолинглар деб дуо қилишимнинг боиси шунда», дерди онаси. «Энг муҳими — Ҳалима тирик қолдику» дея ўзига-ўзи тасалли берарди Шавкат. У бўлмаса, менга ҳам, болаларга ҳам бу дунё қоронғу. Ҳалима гоҳо ҳазиллашиб: «Хотин киши — бамисоли уйнинг гули. Гулсиз уй қандай файзсиз туюлса, хотинсиз уй шундай нурсиз туюлади, ҳувиллаб туради», дер эди. Шу уч куннинг ўзида ҳам билиниб қолди-ку. Бўлмаса, катта қизи саккизинчида, кейингиси олтинчида ўқияпти. Супуриб, сидириш, овқат қилиш, кенжаларни кийинтириб, мактабга, боқчага олиб бориш улардан ортмайди. Барибир, ўрни билиняпти-да.

Кўз олдида туғруқхонадаги кечаги манзара гавдаланди. Йигирма уч ёшлар чамасидаги йигит зир югурарди. Кексарок икки аёл (онаси ва қайин онаси бўлса керак деб тахмин қилди Шавкат) сочларини юлиб фарёд қиларди. Она фарёдига чидаёлмаган қуёш ҳам ўзини булутлар панасига олганди. Йигит довдираб қолган, нима қиларини билмай, жовдираб турар эди. Бир зум Шавкатнинг кўзи унинг кўзига тушиб қолди. Бир қатра ҳам ёшни кўрмади. Шавкат отасининг гапларини эслади: «Кўзига ёш чиқмайдиган кишиларнинг дийдаси қаттиқ бўлади, дейишади. Ёлғон! Бундай кишиларнинг ичига боқинг. Унсиз қандай йиғлаётганини, эзилаётганини биласиз. Улар ошкора йиғи-сиғи қилишмайди. Бутун вужуди билан йиғлайди. Бир неча дақиқа жим туриб кузатинг-а, ғам сочларига оқ тўр ташлаётганини, пешонасига тамға босаётганини дарров пайқаб оласиз».

Шавкат олдинги болалари туғилганда ҳар куни хабар олишини канда қилмасди. Онаси, синглиси, кенойилари боришса ҳам, ўз кўзи билан кўриб келмагунча ўрнига тушмасди. Энди-чи? Уч кечаю уч кундуз туғруқхона қабулхонасида мижжа қоқмай ўтирди. Хотини бунчалик қийналиб туғишини қалбининг аллақаери билан ҳис этган эканми, кетмагани яхши бўлди. Навбатчи врач ўйчан кўзларини унга тикиб, сўраб қолди:

— Янглишмасам, машинангиз бор-а? Ўзингиз ҳайдасангиз керак? Шу топда профессорнинг фикри жуда зарур бўлиб қолди. Аксига олиб, Ангренга кетган. Нозик операция чиқиб қолганди. Ҳали замон қайтади. Тўғри, уч соатлик операция ҳазилакам эмас. Уч кун дам олишга ҳаққи бор. Аммо, начора! Унинг фикрисиз хотинингиз ҳақида бир тўхтамга келолмаймиз.

Медицина ҳамшираси билан бирга Тўхта Абдуллаевнаникига жўнашди. Ҳали қайтмаган экан. Кутишди. Ярим соат ўтар-ўтмай ҳорғин кириб келди. Сўрашишга ҳам мажоли йўқдай. Икковлашиб аҳволни тушунтиришди. Индамай хонасига кириб кетди. Ўн минутлардан кейин чиқди. Бутунлай ўзгарган. Ҳозиргина ўрнидан туриб, ишга кетаётгандай бардам, руҳияти кўтаринки, ора сира ҳамширага ҳазил қилиб қўяди:

— Қизим, тўй менсиз ўтиб кетмасин-а? Ўзим куёв болага наказ бераман. Ҳа, ҳамширага уйланиш осонмаслигини билиб қўйсин.

Машинадан тушгач, Шавкатнинг бошидан оёғигача разм солиб чиқди-да: «Шу ерда кута туринг», деб юқори қаватга кўтарилди. Орадан қанча вақт ўтди, Шавкат билмайди. Тиқ этса: «Бирор хушхабар эшитаманми», деб термулади. Минутлар шу қадар имиллардики, гўё вақт тўхтаб қолгандек. Бир маҳал: «Сизни чақиришяпти», деган овоздан ўзига келди. Тўхта Абдуллаевна уни алоҳида хонага бошлаб кириб, ҳомилани операция йўли билан олиш зарурлиги, бу эса онанинг ҳаётини сақлаб қолиш эвазига мурғакдан воз кечиш эканлигини уқтирди. Шу пайтда бола кўзга кўринармиди? Уйдаги тўрт фарзандининг мунгли боқиб туриши, уларга нима деб жавоб беришни кўз олдига келтириб, сесканиб кетди.

— Ихтиёр сизда, профессор... Ишқилиб рафиқам омон қолса бўлгани...

Хаёлида яна кеча қон қақшаб қолган она ва йигит жонланди. Бечораларга қийин бўлди. Айтгандай, боласи нима бўлган экан? Тирикмикан? Ҳаммадан ҳам унга қийин бўлади. Туғилсаю, кўз очиб она сийнасидан маҳрум бўлса?! Яна ўзини юпатди: эмизикли болалар уйи бор-ку. Уша ерга беришса керак. Ахир йигит ширин турмушидан қолган бирдан-бир ёдгорни ташлаб қўймас.

Дарҳақиқат, кечаги йигит — Собиржон тўнғич фарзандини бошига кўтаришга тайёр эди. Аммо ота-она-



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

Редакция почтасидан

МОЙЖУВОЗГА ЭЪТИБОР — ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхознинг марказий посёлкаси йилдан-йилга кўркамлашиб, ободонлашиб бораётир. Айни пайтда мазкур кўриқ хўжаликда ўтроқлашган аҳоли барча қулайликларга эга бўлган замонавий коттежларда яшаётир. Кейинги бир йилда қуриб, ишга туширилган клуб, ясли-боғча, Юлиус Фучик музейи, ёзги кинотеатр бинолари, стадион посёлкасининг кўркига кўрк қўшиб турибди. Шуниси эътиборга моликки, совхоз посёлкасининг деярли барча территориясида чинор, арча, терак, қайрағоч ва бошқа хил манзарали дарахтлар ўстирилмоқда.

Совхоз раҳбарлари ва мутахассислари хўжалик ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва Ноябрь пленумлари қарорларидан келиб чиқиб ташкил этмоқдалар. Яқинда совхознинг марказий посёлкасида мойжувоз ҳам ишга туширилди. Мойжувозни Бухородан таклиф қилинган мутахассис усталар қуриб бердилар. Ҳозир бу ерда совхоз меҳнаткашлари хонадонларидан келтирилган зиғир, кунжут, писта ва ерёнғоқдан дастлабки маҳсулот олинаётир.

— Чўлқуварларимиз пахтачиликдан, чорвачиликдан ва бошқа соҳалардан яхши ҳосил етиштириш билан бирга қадимий миллий анъаналарни ҳам жорий этишга эътибор бермоқдалар,— дейди совхоз директори Йўлдош Зоҳидов. — Бундан ўн-ўн бир йиллар муқаддам ота-боболаримиз нақл қилганларидек, бу ерларда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяр эди. Мана, посёлкамизнинг бугунги қиёфасига ҳавасингиз келади. Бизда мойжувоз қуриш фикри, «Гулистон» журналининг ўтган йилги сонларидан бирида ғиждувонлик жувозкашлар ҳақида ёзилган мақолани ўқигач пайдо бўлди. Гапнинг очиғи, ўша мақола турткн бўлди. Ғиждувондан замонавий мойжувоз қуриш ва уни жиҳозлашни биладиган мутахассисларни таклиф этдик. Ичкаридаги жиҳозлар жувоз устунини отулов билан айлантиришга мослаштирилди. Бу йил совхозимизда яхши ният билан беш гектар ерга зиғир экдик. Мой уруғини кўпайтиргач, албатта, бу хил экин майдонини кенгайтирамиз. Табиийки, жувоз ёғи — бу энг калорияли, айни вақтда шифобахш озиқликдир. Келажакда уни кўпайтириш имкониятларига эгамиз. Тез орада мойжувоз ёнида тегирмон ва нонвойхона ҳам қуриб ишга туширамиз. Бу билан ҳар куни даладаги ва фермалардаги ишчи-хизматчилар учун катта қулайликлар туғдирган бўламиз.

Асрий чўлларни гуллаган воҳага айлантираётган азамат чўлқуварларнинг бу хайрли ишлари кишида фахрланиш туйғусини уйғотади.

Ҳусан ШУКУРОВ

Овчи ён дафтаридан

ОНА АЙИҚ ОДАТИ

ЎРМОНЧИ Ҳамид ака билан тонг ёришганда йўлга тушдик. Мақсадимиз тоғ этагидаги Калтақўл қишлоғидан анча олисда жойлашган Темур ғорини кўриш ва йўл-йўлакай она-табиатнинг такрорланмас гўзал манзараларидан завқ олиш эди.

Отларимиз гоҳ юқорилаб, гоҳ тубсиз жарлик ёқалаб кетган сўқмоқдан авайлаб юриб борарди. Баъзан уларнинг туёғидан кўтарилган майда тошлар бир-бирига урилиб жарга учади. Қалин арча дарахтлари бораётган йўлимизни тез-тез тўсиб қўяди. Таъзим қилгандай эгилиб, уларнинг орасидан ўтамиз. Пастда Қизилсув дарёсининг ирмоқлари шовуллаб оқиб ётибди. Сув бўйидаги ўтлар тиззага уради. Улар орасидан ёввойи райҳон, чой ўти, кийик ўт сингари шифобахш гиёҳларнинг ўткир ҳиди димоққа урилади..

Қорли чўққилар ортидан қуёш кўринди. Дарахтлар, ўт-ўланлар орасидаги паррандаю даррандалардан тортиб, қурт-қумурсқаларгача ҳаммаси бирданига жонланиб кетгандек туюлди. Теварак-атрофдаги манзараларга маҳлиё бўлиб, хаёл суриб борар эканман, ҳамроҳимнинг анча илгарилаб кетганини сезмай қолибман.

— Тез келинг, қизиқ бир нарсани кўрасиз,— Ҳамид ака олдиндаги тепалик ёнбағрида ўсган арча орқасидан қичқирди. Отни қичаб, дам ўтмай арча ёнига етиб бордим.

— Қаранг, айиқ ўз болаларини ўйнатяпти,— деди Ҳамид ака қўли билан пастда шовуллаб оқаётган дарё ёқасини кўрсатар экан. Аввал ҳеч нарса кўринмади. Синчиклаб дарё ёқасига тикилдим. Дарҳақиқат, қўнғир тусли она айиқ тўхтаб, дарё ёқасига келди. Кейин бир зум олдинги оёқларини сувга ботириб, сув ича бошлади. Айиқчалар эса сувдан чўчиб четда туришарди. Она айиқ сувдан чиқиб болалари томон юрди. Аммо айиқчалар орқага қочди. Она айиқ улардан бирини тутиб олиб, тишлади-да изига қайрилди ва дарё тарафга юрди. У болаларини дарёдан ўтказмоқчи эди. Она айиқ бир боласини тишлаб сувга тушганда иккинчи айиқ унинг изидан етиб келиб сувга тушмоқчи бўлди. Бундан онасининг жаҳли чиқди шекилли, бўғиқ товуш чиқариб, пўписа қилди. Кейин қирғоққа чиқиб, оғзида тишлаб турган боласини ерга қўйди. Уни четдаги чоғроқ камарчага ётқизиб, устига каттагина бир тошни бостириб қўйди. Айиқча тош остидан чиқишга уриниб типирчилади. Шу пайт она айиқ иккинчи боласини тишлаб дарёга тушди. Баҳор пайти эмасми, дарёда сув кўп эди. Она айиқ сувда гоҳ кўмилиб кетар, гоҳ тошларга тирмашиб олдинга интиларди. Кўп ўтмай у анча қуйироқдан дарёнинг у юзига чиқиб олди. Айиқчани ерга қўйиб, силкинди. Сўнгра яна боласини тишлаб, қирғоқдаги дарахтлар орасига кириб кетди.

— Бунисиниям, бостириб қўяди,— деди Ҳамид ака жимликни бузиб.

Ҳақиқатан ҳам она айиқ кўп ўтмай дарёнинг юқори қисмидаги дарахтлар орасидан чиқиб келди. Ёнида боласи кўринмасди. У яна сувга тушди. Аммо бу гал осонгина дарёдан сузиб ўтиб, тошга бостирилган боласи ёнига келди. Тошни панжалари билан аст кўтариб ёнига ташлади-да, боласига қаради. Лекин айиқча қимирламасди. Шунда айиқ унинг бўйнидан тишлаб-кўтариб дарё ёқасига олиб келди, ерга қўйди. Энди айиқча жонсизгина ҳаракат қилиб, онаси томон интилди.

— Хайрият, ўлмабди, — деди Ҳамид ака енгил тин олиб. Мен ҳам енгил нафас олдим. Она айиқ эса бир оздан кейин бу боласини ҳам тишлаб дарёдан ўтди ва нариги қирғоқдаги дарахтлар орасига кириб кетди. Хаял ўтмай уларни дарёнинг қуйи қисмидаги ўтлар билан қопланган очиқ ялангликда кўрдик. Она айиқ ўтлар орасида дам олиб офтобда исиниб ётар, болалари атрофида бир-бирини қувиб ўйнарди.

Биз отларни ўз юришига қўйганча суҳбатлашиб йўлга тушдик.

— Бу беозор ҳайвон ҳозир анча камайиб кетди, — деди Ҳамид ака афсусланиш билан.— Бунга баъзи саёқ овчилар ҳам сабаб бўлаётир... Айиқнинг қизиқ одати бор. У фалокатдан асрайман деб кўпинча болаларини тош остида бостириб, ўлдириб ҳам қўяди. Шунинг учун улар жуда секин кўпаяди. Ҳозирги кунда уларни қаттиқ муҳофазага олганмиз...

Ҳамид ака айиқ ҳақида ҳикоясини табиат тўғрисидаги баъзи муаммоларга улаб гапида давом этарди. Мен эса, тобора узоқда қолаётган она айиқ билан болаларига қараб-қараб қўяман. Айиқчалар майсазорда ағанаб ўйнар, онасига суйканишар эди.

Норқул ТИЛАВОВ

Қарши

лари, айниқса оналари чақалоқни кўришга кўзлари йўқ эди. «Бола эмас, бало бўлди бу шумқадам. Тиканак, чақиртиканак бўлиб онасининг ёшгина бошини еди. Онагаки вафо қилмаган фарзанд отага нима каромат кўрсатарди», деб туриб олишди. Кампирлар жон аччиғида бу гапларни айтишаётганини бутун вужуди билан ҳис этар, бугун бўлмаса эрта, ё индин набираларини қўмсаб қолишларига Собиржоннинг ишончи комил эди. Лекин она исини ақалли бир марта бўлсаям татиб кўролмаган боласига жони ачирди. Ахир, мурғак учун шундан ҳам катта бахтсизлик борми?

...Миясига келган бир фикрдан Шавкат энтикиб кетди. Кейин Ҳалимага маслаҳат солди. Буни қарангки, у ҳам худди шуни ўйлаётган, фақат: «Шавкат акам нима жавоб қиларкин?» деб иккиланаётган экан. Шавкат Собиржонни топиб оғиз соладиган, Ҳалима бўлса, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича бош врачдан йўл-йўриқ сўрайдиган бўлди. У туғруқхона қабулхонасидан кеча вафот этган жувоннинг адресини сўраб олди. Болани ҳали олиб кетишмаганини билиб, енгил тортди.

...Аввалига унга ҳеч ким эътибор бермади. Уни таъзияга келганлардан бири деб билишди. Шавкат ҳовлидан ташқарига чиқиб, ҳассакашлар ёнида турди. Бутун фожиани қалби билан чуқур ҳис этган Собиржон кўзлари киртайиб, қадди букилиб қолган эди. Гапнинг мавруди эмаслигини билса ҳам, бошқа илож йўқлигидан Шавкат уни имлаб чақириб, четга тортди. Жуда зарур маслаҳати борлигини айтди. Йигит ҳайрон. Аввалига нотаниш кимсанинг сурбетлигидан ижирғанди. Кейин ноилож қулоқ тутди.

— Биламан, сизга оғир, жуда оғир. Ҳар қандай сўз билан юпатиш қийин ҳозир сизни. Айтмоқчи бўлган гапим балки оғир ботиши мумкин. Аммо жавоб беришдан олдин ўйланг, обдон ўйланг, ота-оналарингиз билан маслаҳатлашинг. Олдиндан айтиб қўяй: «ҳа» ё «йўқ» дейиш ихтиёрингиз. Фақат чуқур ўйланг, мулоҳаза қилинг...

Шавкат мақсадини ётиғи билан тушунтирди. Собиржон ўкириб юборди. Олдига солиб ҳайдаб юборишдан ҳам тоймасди шу топда. Ўзини босди. Кейин Шавкатга шундай қараш қилдики, кўзларидан: «Овора бўлманг, олифта йигит, сизга ташлаб қўйган фарзандим йўқ!» деган сўзларни бемалол уқиб олиш мумкин эди.

Ғизиллаганича изига қайтди Шавкат. Ўзининг қилган иши ўзига кор қилиб кетди: «Бефарзанд бўлсам, йўриғи бошқа эди. Тўрт болам бўла туриб енгилтаклик қилдим-а. Йигитнинг ўрнида ўзим бўлганимда нима жавоб қилган бўлардим? Нақ ёқасидан бўғиб, аламдан чиққунча дўппослардим. Тағин ҳам оғир экан бечора».

Хаёли болага етаклади. Ана, чақалоқлар бўлинмасида бир чеккада ғарибона ётибди. Ҳеч кимга керак эмас. Йиғласа юпатадигани йўқ. Хотини билан кўрган аллақайси ҳинд киноси ёдига тушди. Ўшанда она қиз туғади-ю, оламдан кўз юмади. Ота қизини кўргани кўзи йўқ. Сира кун бермайди бечорага. Худди Собиржон ҳам шундай қилса-я ўғлини? Йўқ, сира йўл қўймайман! Гўдакда нима гуноҳ? Нима қилиб бўлса ҳам оламан уни.

...Орадан икки кун ўтди. Туғруқхона қоровулхонасидан ўтиб бораркан, Собиржонга кўзи тушиб қолди. У ҳам Шавкатни кўриб дик этиб ўрнидан турди. Унсиз эргашди. Бироз ичкари томон юриб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди-да, дудуқланиб гап бошлади.

— Кечирасиз, мен... мен сизни ранжитдим. Аммо тақдирга тан бермай илож қанча. Агар рози бўлсангиз, қиёматли ака-ука тутинсак. Болам... болани тарбиянгизга олсангиз ҳам майли.

— Энди ўзингизга келибсиз, иним!— Шавкат унга далда бергандек қўлини қаттиқ қисди. Розилик берганингизни ўзи узрдан аъло. Фақат болага ачиняпман, холос. Мен...— томоғига келган нарсани ютиниб, ўзини ўнглаб олди.—Мен ҳам она исини билмай катта бўлганман. Шунинг учунми, уни ўйласам, юрагим эзиляпти. Ўртамизда бўлаверади у... Ҳеч шубҳа қилманг. Уйимиз — серфарзанд хонадон...

— Менинг Ёдгорим... кечирасиз... Сиздай вояга етармикан?

— Нега ундай дейсиз? Ҳали қараб туринг, иқболи шундай баланд бўлсинки, ҳамма унга ҳавас қилсин.

— Бўлмаса, ҳар замон-ҳар замонда хабар олиб туришга ижозат берасизми?

— Ана энди бу гапингиз ёқмади,— деди Шавкат иккала қўли билан Собиржоннинг елкаларини қучиб,— қиёматли ака-укалар ҳам шундай бўладими ахир. Эшигимиз сизга ҳамиша очиқ, иним. Майли, боланинг оти Ёдгор бўла қолсин. Ўсиб, вояга етиб, камол топгач, керак бўлса, ҳақиқатни айтамиз. У ёғи ўзига ҳавола. Фақат кўнгли ўксимай ўссин, дейман.

Бундай жавобни кутмаган Собиржон ёш боладай ўзини Шавкатнинг бағрига отди.

Ҳабибулло ҚОДИРИЙ

ХОТИРАЛАР

Соат

1932—1934 йиллар ўртаси бўлса керак, уйимизда бир тилла соат пайдо бўлиб қолди. У уч қават қопқоқлик, занжири тилладан, рим рақамлари тилла рангли, катта ён соат бўлиб, дадам ижодхонасида, токча қозиғида, уст қопқоғи очиқ ҳолда осиғлиқ турар эди. Биз баъзан вақтни билиш учун бу ярақлаган соатга қараб қўяр эдик. Ёдимда, бир гал шу соатни қўлимга олиб турдим-да, ҳавасланиб, курсида ёзиб ўтирган дадамга дедим:

— Дада, рухсат этсангиз, шу соатни тақиб бир гал мактабга бориб келай?..

Дадам бош кўтариб жилмайдилар-да:

— Йўқ бўлмайди,— дедилар...

Бу соатнинг уйимизда қандай пайдо бўлгани мени у чоқларда қизиқтирмаган эди... Орадан кўп вақт ўтмай, тилла соат қозиқда йўқ бўлиб қолди ва уни бошқа кўрмадим. Энди қирқ йилдан ортиқки, у соатдан фақат ғира-шира хотира-манзара қолди, холос.

1975 йилнинг декабрь ойи охирларида Душанбе шаҳрига борганимда, хасталаниб касалхонага тушиб қолдим. Тожик дўстлар ҳолимдан хабар олиб туришди. Бундай дўстлардан бири Абдуғаффор Ҳасанов эди. Бу кишини менга қаламкаш дўстим Абдулаҳад Қаҳҳоров таништирган эди. У етмиш беш ёшларда, кўҳна маорифчи, классик адабиётимизнинг билағони, хушчақчақ одам. Абдуғаффор ака: «Мен, 1924 йилда Самарқандда бўлиб ўтган биринчи ўзбек зиёлилари қурултойида қатнашганман, ўшанда отангиз билан танишганман», деб қурултой ҳақида қизиқ хотиралар ҳикоя қилиб берди.

1976 йил. Январь ўрталари бўлсада, ҳаво ҳамон илиқ, қор-ёмғирсиз қурғоқчилик эди. Бир дам олиш куни Абдуғаффор ака шошганнамо ёнимга кириб келди. Кўришдик, домлага ўтиришга жой кўрсатдим:

— Йўқ,— деди у киши ўтирмай,— сизни кўргани меҳмонлар келишган, кийининг, ташқарига чиқамиз.

— Қандай меҳмонлар?— дедим ажабланиб.— Уларни ҳам шу ерга чақира қолайлик...

— Йўқ, улар кўпчилик, хонангизга сиғишмайди.

Ташқарига чиқиб, ўн беш чоғлиқ нотаниш кишини кўрдим. Улар — кексалар — яхши кийинган, нуроний отахонлар эдилар. Кўришиб, сўрашиб чиққач маълум бўлдики, улар Тошкентдан Душанбега саёҳатга келишган экан. Дўстлари Ҳасанов уйида меҳмон бўлишиб, у кишидан менинг Душанбедалигимни билишиб ҳамшаҳарлик ҳурмати туфайли ҳол сўраб ўтишни лозим кўришган экан...

Меҳмонлардан Аюбхон ака исмли тўқсон ёшларга борган бир киши менга:

— Дадангиз ва Расулмуҳаммад бобонгизни яхши биламан... Октябрь инқилобига қадар мен рус мануфактурачи бойлари қўлида вояжурлик қилганман. Дадангиз Чорсудаги Калта растада приказчилик қилганларида мендан кўплаб газмол олар эдилар,— деди ва кулиб давом этди.— Биз бу саёҳатимизда аввал Ленинободда бўлдик, унда отангиз ҳақида ёзган китобингизни иттифоқо топиб олиб ўқидик. Ёзганларингиз ҳаммаси тўғри, аммо китобингизнинг бир камчилиги бор, мулло Ҳабибулло...

— Хўш-хўш?— дея қизиқсиниб сўрадим.

— Расулмуҳаммад бобонгиз тўғрисида кўп гапларни ёзибсиз,— деди Аюбхон ака яна кулиб,— лекин у кишининг бир камчиликларини ёзмабсиз...

— Масалан?

— Расулмуҳаммад бобонгизнинг тиллари бир оз чучукроқ эди, шунисини қўшмабсиз...

Кулишдик. Мен ялингандек бўлиб, ҳазиллашиб:

— Бобомнинг бу «камчилик»ларини тоғаларимдан ҳам эшитган эдим... Жон амаки, аммо бу гапни ўзга ерда ошкора қила кўрманг,— дедим.

Яна кулишдик.

Шу вақт меҳмонлардан Муҳиддин ака Аҳадов:

— Биз бир вақт дадангизга бир тилла соат совға қилганмиз...— деб қолди.

— Тилла соат дейсизми? Қачон, қаерда, нима учун?— Муҳиддин акадан шошиб сўрадим.

У киши шундай ҳикоя қилди:

— Мен асли қўқонлик бўламан. 1932 йили Душанбе шаҳрига кўчиб келиб, бир неча йил Загот экспорт идорасида ишлаганман. 1934 йилнинг эрта баҳори бўлса керак, Душанбе шаҳрида қарийб бир ярим ой тўхтовсиз ёмғир ёғди. Биз ўн икки улфат савдо ходимлари эдик, шундай ёмғирли кунларда кечқурунлари қиларга ишимиз, борарга жойимиз йўқ, тўпланишиб фақат меҳмондорчилик, китобхонлик қилар эдик. Орамизда ёши каттароғи — ўшлик Ҳомиджон Обиджонов деган бир киши анча ўқимишли, китобларни жуда равон ўқиғувчи эди. Бир куни шу киши «Ўтган кунлар» романини топиб келди. Ўқий бошладик. Бу китоб бизни ўзига боғлаб олди. Уни ўқирканмиз, гоҳ қувонар, гоҳ куюнар эдик. Ниҳоят, китобни аза билан тугатдик ва дадангиз қаламига тасанно ўқиб, кичкина хат билан бир тилла соат совға қилиб юбордик. Бирмунча вақтдан кейин дадангиздан қисқа мазмунли шундай бир жавоб хати олдик: «Китобимни ўқиб таъсирланганларингиздан мен ҳам таъсирландим. Юборган умр число-совғаларингизни олдим, миннатдорман, раҳмат», дебдилар хатларида.

Мен Муҳиддин акадан юборилган соатнинг қандай шакл-тузилишда бўлганини ўсмоқчилаб сўрадим. Худди ўша уйимиздаги тилла соат экани аён бўлди.

Н. Иброҳимов чизган расм.

Ёнғоқ

Бобомизнинг пойгак чуқурлигида Одил отанинг (дадамнинг амакиваччаси) икки ярим таноб ери бўлиб, ариқ бўйида қатор азим ёнғоқлар ўсиб ётарди. Одил ота Эскижўвада яшар ва шунда боққолчилик қилар эди. Вақти етишмаганиданми, ерни кўпинча бизга топшириб қўяр, фақат кузда бир-икки бор келиб, ёнғоқларини чала-ярим қоқиб олиб; «Қолганини сизлар ола қолинглар», деб кетар эди.

Бу ёнғоқ дарахтларига ҳар ким ҳам чиқа олмас, пастдан қоқишга эса калтак — ҳода етмас эди. Шуннинг учун кеч кузакда биз болалар барвақт туриб ёнғоқлар тагига чопар, туни билан тўкилган ва қарғалар тумшуғидан туширган ёнғоқларни териб олишга шошилар, терган ёнғоқларимизни эса ўйнар, ҳар биримиз алоҳида халтага йиғар эдик...

Дадам уйқудан жойроқ турардилар. Ювиниб, кийиниб, то чой тайёр бўлгунча боғ айланар ва аста ёнғоқлар тагига йўл олар эдилар. Биз дадамнинг ортидан: «Ёнғоқларни териб бўлдик, бормай қўя қолинг...» деб мақтанардик. У киши индамай, қўлларини орқага қилиб пастга (биз Одил отанинг ерини шундай атардик) тушиб кетар ва бир оздан кейин ҳовучларини тўлдириб ёки тўнларининг барига солиб ёнғоқ келтирардилар-да, ҳовлидаги гилос шохига илинган саватга ташлар ва бизга: «Менинг йиққан ёнғоғимга тегманглар, қурисин», деб қўяр эдилар.

Биз ҳайрон бўлардик. Ахир ёнғоқнинг тагида битта ҳам қолдирмай териб келувдик-ку, дадам ҳар куни бунча ёнғоқни қаёқдан топадилар?» деб бир-биримизга қарардик ва «Ёнғоқни қаёқдан тердингиз, дада», деб сўрар эдик. Дадам кулиб: «Устидан», дердилар. У кишининг сўзларига ишонгимиз келмас эди.

Бир куни секингина дадамни кузатдик. У киши ёнғоқ тагига бормадилар. Ёнғоқлар тагидан тез оқиб ўтадиган сувнинг оқарига томон ариқ бўйлаб кетдилар ва қўшнининг омборига яқин бориб, ариқ лабига чўнқайдилар-да, сув ичидан ёнғоқларни териб ола бошладилар... Билсак, тўкилган ёнғоқларнинг баъзиси ариққа тушиб тез оқиб кетар, омбор яқинига борганда саёз лойқа босган ва чўп-хашаклардан ҳосил бўлган тўсиққа тутилиб, йиғилиб қолар, бунга бизнинг ақлимиз етмас экан...

Бола кезларим эди. Куз кунларининг бирида дадам билан «Жинкўча» орқали уйга қайтардик. Кўча кимсасиз, хазонлар тўкилган, боғ эгалари бирин-сирин шаҳарга кўчиб кета бошлаган эди. Катта ёнғоқ тагидан ўтарканмиз, анча ёнғоқ тўкилиб ётганини кўрдим. Югуриб бориб ёнғоқларни териб ола бошладим ва чўнтакларимни тўлдириб, нарирокда мени кутиб турган дадамнинг олдиларига бордим. У киши:

— Қани, ёнғоқларни ол-чи,— дедилар.

Мен ажабланиб чўнтагимдан ёнғоқларни чиқариб, қўлларига тўкдим. У киши ёнғоқлардан уч донасини ажратиб олиб менга бердилар. Қолганини девордан ёнғоқ эгасининг боғига отиб юбордилар ва индамай йўлларида кетавердилар. Мен кейинда чопа-чопа борарканман, дадамнинг бу ишларидан ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Ёнғоқларни нега ташлаб юбордингиз, дада?

— Бировники,— дедилар ва негадир менга тикилиб қараб қўйдилар...

(Давоми 30-бетда)

ЗВЁЗДНИЙ ПАРВОЗГА ШАЙ

Раҳимжон СУЛТОНОВ,
«Гулистон»нинг штатсиз мухбири

Космоснинг ўзлаштирилиши Коммунистик партия раҳбарлигида совет фани ва техникаси эришган буюк ютуқлар, ватандошимиз Юрий Алексеевич Гагариннинг жасорати билан чамбарчас боғлиқ. Бутун тараққийпарвар инсоният коинотга илк бор йўл очган коммунист Юрий Гагариннинг номини ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Унинг коинот бўшлиқлари сари илк сафари мамлакатимиз индустриал ва маданий қурилишининг мантиқий давоми сифатида тарихда қолади. Ю. Гагариннинг 108 минут давом этган биринчи парвози билан А. Березовой ва В. Лебедевнинг 211 суткалик парвози ўртасидаги қисқа муддат ичида совет космонавтикаси жуда катта шонли йўлни босиб ўтди.

Л. И. Брежнев номидаги Звездний шаҳарчасидан мухбиримиз ёзиб юборган репортажни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЗВЁЗДНИЙ шаҳарчасига ҳар сафар қалбда илиқ ҳаяжон билан қадам қўяман. Чунки бу ердаги ҳар бир нарса совет кишилари жасорати ва мардлигининг тимсоли сифатида ўзига хос тарихга эга.

Ҳар икки тарафида ям-яшил арчалар саф тортган кенг йўлкадан юриб бораркансиз, рўпарангизда шинамгина майдонча намоён бўлади. Унинг ўртасида афсонавий қаҳрамонлардай Ер қуррасининг биринчи космонавти Юрий Гагариннинг бронзадан қуйилган ҳайкали қад ростлаб турибди. У бошяланг, ёқалари кенг очилган, чеҳрасида қалб саховатининг рамзи бўлган самимий табассум, жасур ва мардонавор қиёфада юзини қуёшга ўгириб, янги парвозларга шайланаётгандек. Ҳа, Юрий Гагарин ҳамиша Звёзднийда, унинг ишлари, режалари, ташвишлари билан доимо бирга.

Космонавтларда ажойиб бир анъана қатъий қарор топган: улар космосга навбатдаги парвоздан олдин, албатта, унинг ҳузурига келиб, бутун куч ва имкониятларини партия ва халқ топшириқларини шараф билан бажаришга қасамёд қиладилар. Космосдан она-Ер бағрига қайтганларидан кейин ҳам яна Коинот Колумби ҳузурига келиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан парвоз муваффақиятли якунланганлиги ҳақида рапорт берадилар.

Ҳайкал пойида ҳамиша гуллар яшнаб ётади. Парвоздан қайтган космонавтлар, Звёздний шаҳарчасининг меҳмонлари, мактаб ўқувчилари ва келин-куёвлар бу ерга доим гул кўтариб келадилар.

Москва яқинидаги ўрмонлардан бирида жойлашган Звёздний ҳали жуда навқирон. Ҳозирча бу ерда кўчалар йўқ. Ю. А. Гагарин ҳайкали ёнидан бутун шаҳарча манзарасини қамраб кузатиш мумкин. Шунга қарамасдан, бу шаҳарча оламга машҳур. Ҳа, космонавтика бешиги, космоса дарвоза ва кўприк сифатида бу шаҳарчани дунёнинг барча бурчакларида яхши биладилар.

— 1960 йилнинг бошларида биз бу ерни бўлажак космонавтларнинг шаҳарчаси сифатида танлаганимизда,— деб хотирлайди совет космонавтлари отрядининг биринчи раҳбари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-полковниги Н. П. Каманин,— қайинлар, арчалар ва қарағайларнинг учларида фақат шамол кезарди, холос. Ўрмон оралаб ўтган ёлғизоёқ йўллар, ҳаваскор боғбонларнинг ерлари кўзга ташланарди. Шовқин-суронли магистраллар, саноат корхоналари ва пойтахтнинг йўлдош шаҳарчаларидан олисда бўлган ўрмон ўзининг сокинлиги, серқуёшлиги ва ҳавосининг софлиги билан бизга дарров ёқиб тушди.

Тракторлар, бульдозерлар, бетон қоруvчи машиналарнинг шовқин-сурони ўрмон тинчини бузди. Асрий қарағайзорлар ўртасида меҳмонхона, ошхона, ўқув бинолари қад ростлай бошлади.

Звёздний бугун — ўз аҳолисига эга бўлган шаҳарча. Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтлар тайёрлаш маркази ҳам шу ерда. Унда ўнлаб илмий лабораторияларда, ишчи кабинетлари, электротехника, электроника, фототехника, аэродинамика ва бошқа фан соҳалари ўргатиладиган ўқув синфлари жойлашган. Космонавтлар машқ ўтказадиган хоналар, космик аппаратларнинг ўқув макетлари, парвознинг барча босқичларини тасаввурда зоҳир этувчи турли хил механизмлар ҳам мавжуд. Ажойиб совет космонавтлари, Ўзбекистоннинг фахрий пахтакорлари Г. С. Титов, В. А. Шаталов, Г. Т. Береговой, А. С. Елисеев, А. А. Леонов, П. Р. Попович, Н. Н. Рукавишников ҳамда юртдошимиз В. А. Жонибеков ва бошқа кўплаб фазогирлар коинотга сафардан олдин шу ерда машқлар ўтказишган.

— Ҳозирги кунда Звёздний қандай ишлар билан машғул?— деб сўраймиз Ю. А. Гагарин номидаги Космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговойдан.

— Звёздний янги парвозларга тайёрланяпти,— дейди у.— Вазифаларимиз КПСС XXVI съездининг қарорларида белгилаб берилган. Яъни фан, техника, халқ хўжалиги манфаатлари йўлида космосни ўрганиш ва ўзлаштиришни давом эттиришимиз лозим.

Энг узоқ давом этган рекорд парвоз иштирокчилари А. Березовой ва В. Лебедев яқинда ўз парвозларига доир мухтасар ҳисоботни ёзиб тугалладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, улар «Салют-7» станцияси бортида Ўзбекистон халқ хўжалиги, хусусан, республика қишлоқ хўжалиги учун фойдали бўлган тадқиқот ишлари ўтказадилар. Амударё ва Сирдарёни сув билан таъминлаётган музликларни ўргандилар. Олимларнинг фикрича, Ўзбекистонда бу йил ҳам сув кам бўлади. Демак, республика пахтакорлари бу йил ҳам юксак «оқ олтин» хирмони уйиш учун қўшимча резервларни қидириб топиб ишга солишларига тўғри келади.

— 1982 йилнинг сентябрь ойида Звёзднийга иккита ҳинд синовчи-учувчиси келди,— дейди суҳбат якунида Г. Т. Береговой.— Улар рус тилини яхши ўрганиб олдилар ва ҳозирги пайтда транспорт кемаси ва орбитал станция тузилиши ҳақида лекциялар тинглашмоқда. Бу дўстлик парвози 1984 йилнинг биринчи ярмида ўтса ажаб эмас.

Космонавтлар тайёрлаш марказининг ишчи хоналаридан бирида Н. Н. Рукавишников ва В. А. Жонибеков билан учрашдик. Улар космосда уч мартадан парвозда бўлишган. Н. Н. Рукавишниковнинг номини дастлаб 1971 йилнинг апрелида эшитган эдик. У ўшанда «Союз-10» космик кемасининг тадқиқотчи инженери эди ҳамда В. А. Шаталов ва А. С. Елисеев билан бирга космик кеманинг «Салют-1» станцияси ёнма-ён учиши ва яқинлашувига доир методикани синовдан ўтказганди. Бу ниҳоятда оғир ва мураккаб парвоз эди. Айнан ана шу парвоз натижасида транспорт кемасининг орбитал станция билан бирлашувига доир имконият мавжудлиги синовдан ўтказилганди. Уч йилдан сўнг Рукавишников «Союз-16» космик кемасида А. В. Филипченко билан бирга яна парвоз қилди. Бу «Союз»— «Аполлон» программаси бўйича АҚШ астронавтлари билан экспериментал парвоз олдидан бош репетиция эди.

Ниҳоят, учинчи старт Болгария Халқ Республикасининг биринчи космонавти Георгий Иванов билан биргаликда бўлди. «Союз-33» космик кемасида ҳар икки космонавт чинакамига қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатди. Улар оғир синовни мардонавор ўтадилар.

Н. Н. Рукавишников каби В. А. Жонибеков ҳам «Союз»—«Аполлон» ва «Интеркосмос» программасида иштирок этди. 1973—75 йиллар мобайнида у «Союз»—«Аполлон» қўшма парвози группаларининг учинчи дублёр экипажига командир бўлди. Бу катта масъулиятли вазифа эди ва у ўз бурчини юксак даражада англаган ҳолда топшириқни шараф билан адо этди.

Бироқ В. Жонибеков биринчи парвозга кўтарилгунга қадар орадан саккиз йил вақт ўтди. 1978 йилнинг январида космонавтика тажрибасида биринчи марта вужудга келтирилган «Союз»—«Салют»—«Союз» илмий-тадқиқот комплекси, мутахассисларнинг фикрига кўра, космонавтиканинг келгуси тараққиётида, хусусан, узоқ муддат давом этадиган парвозларда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Ана шу хил комплексларни вужудга келтиришда командирлар В. Жонибеков ва Ю. Романенко ҳамда бортинженерлар О. Макаров ва Г. Гречкодан иборат экипажлар иштирок этишди. В. Жонибеков ўзининг парвозидан кейинроқ сифат жиҳатидан бутунлай бошқа бўлган янги парвозга тайёргарлик кўра бошлади. Бу сафар у биринчи монгол космонавти Жугдардэмидийн Гурракча билан парвоз қилган халқаро экипажга командирлик қилди. Бир йилдан кейин эса биринчи француз тадқиқотчи-космонавти Жан-лу Кретьен билан космосга учди. Шу пайтгача ҳеч бир космонавт шундай қисқа муддат ичида бунчалик масъулиятли ва мураккаб парвозларни амалга оширмаганди.

Н. Н. Рукавишников ва В. А. Жонибековнинг ҳаёти ва биографияси республикамиздаги ишлар ва унинг ташвишлари билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар иккиси Ўзбекистон Ленин комсомоли тарбиясида вояга етишган. Николай Николаевич қирқинчи йилларнинг ўрталарида шахтёрлар шаҳарчаси Ангрена яшаган ва ўқиган. Юртдошларидан эсдалик сифатида у ангренлик шахтёрлар тақдим этган каскани эъзоз билан сақламоқда. Қарши қурилишининг бульдозерчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Фарҳод Ирисов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси билан Н. Н. Рукавишников ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаси ўрнатилган.

1974 йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг XX съезди давом этарди. Делегатлар съезднинг бошқа фахрий меҳмонлари қатори космонавт Николай Рукавишниковни ҳам қизғин олқишладилар. Съездда космонавт Рукавишниковнинг меҳмон сифатида иштирок этаётганидан хабардор бўлган Қарши қурилишидаги комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ўз бошлиқлари, съезд делегати Фарҳод Ирисовга телеграмма йўллаб, комсомол йиғилишида Николай Николаевич Рукавишниковни ўз бригадаларига аъзо қилиб сайлаганликлари ва бундан кейин унинг учун ҳам ишлашга аҳд қилганликларини билдирган эдилар.

Съезд делегатлари бу хабарни хурсандчилик билан қабул қилдилар. Николай Николаевич эса, гулдурос қарсаклар остида Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши бўлган Қарши дастининг чўлқуварлари ишончини оқлашга ҳаракат қилажагини айтди.

Космос забткори билан даштлик забткорлари ўртасидаги дўстлик шу тарзда бошланган эди. Ҳа, бу дўстликнинг ибтидоси бору интиҳоси йўқ. Орадан тўққиз йил ўтди. Бу муддат ичида Николай Николаевич Қарши даштида, Фарҳод Ирисов бригадасида бўлиб, ер текислаш ишларида қатнашди. Фарҳод Ирисов ҳам ўз бригадаси аъзо-

Зоҳиджон ОБИДОВ

АЖИБ АҲИЛЛИКЛАР БОР

* * *

Кузда қушлар тўп-тўп учарлар,
Шимол ёқдан жанубга томон.
Ортга яна иноқ кўчарлар
Баҳор яшнаб чирой очган он.

Ўтлоқларда югуриб, елиб,
Шўхланади жўр-жўр оҳула.
Ҳатто филлар жамланиб келиб,
Соҳилларда шимиргай сувлар.

Тизилишиб, солиб арғимчоқ,
Ана, кўкда турна ўтмоқда.
Қур-қурлашиб елишар иноқ,
Жўрликлари кўкни тутмоқда.

Бу аҳиллик, бу иттифоқлик
Афсун солиб дилни тоғлатур.
Ҳамсоялик, бу хил иноқлик
Дил яшнатиб димоғ чоғлатур.

Бироқ баъзи «аҳиллик» ҳам бор,
Дилга нохуш туйғулар берур.
Буни эслаш ўзи ҳам душвор,
Бу — бўрилар бирлиги эрур.

РЎЁ

Туш кўрибман, тушимда ўша—
Ўша ёшлик кўринди бир дам.
Турармишсан қаршимда ўша,
Чиройингни яшнатиб бирам...

Турармишман бўлиб маҳлиё,
Ҳузурингда сархуш, гунгу лол.
Турармишсан сен боқиб қиё,
Ибо билан кўз ташлаб хиёл.

Ўша ҳусну ўша тароват
Бокиралик этганди мафтун.
Висолингдан топиб ҳаловат
Турармишман масрур ва мамнун.

Эй тушгинам, сен қанча йилни —
Нарилатиб, кўнглимни хушлаб,
Келтирдингми яшартиб дилни
Ташлаб кетган ёшлигим бошлаб.

Минг ташаккур сенга, азиз туш,
Кўрсатолдинг ажиб каромат.
Мен уйғониб, қарахт ва хомуш
Ўлтирибман букканча қомат.

НОЖЎЯ МАҚТОВ

Макрлидир ножўя мақтов,
Бамисли май, айлагай сархуш.
Кўнгли бўшни қул қилар дарров,
Кам кўринур қанча этсанг нўш.

МАБОДО

Ўзгаларнинг нуқсонин кўрмоққа зап моҳирмиз,
Ўз айбимиз камдан-кам —
фаҳм этган гоҳ жоҳилмиз.
Иккисин ҳам теппа-тенг
ҳис этолсак мабодо.
Кенг оламни бундан кенг
сезармидик, ахир, биз!

ҲУШОМАД

Хушомаднинг бети йўқ,
Бугунча ўнг, эрта чап.
Кўзларингни қилиб лўқ,
Кетар ўзгага қараб.

Хушомадга учма кўп,
Ҳаволатса келма бўш.
Учсанг мафтуни бўлиб,
Қадрингга де: «Хайр-хўш!»

ҒУРУР ВА НАФС

Ғурур ва нафс нақ ток навдаси,
Ғовлаб кетар қараб турмасанг.
Шохлайверар қолиб гавдаси,
Йиқилар у чора кўрмасанг.

Ҳушёрлик ҳам нақ зукко боғбон
Билар қачон, қай ерда меъёр.

Нокерагин хомтоклаб чунон,
Дард сезса гар даф этар ҳар бор.

Деҳқон қараб обу ҳавога,
Токни очиб, тагин чопади.
«Ем бўлма», деб ногоҳ балога,
Кечиктирмай, кертиб, ёпади.

Ғурур ва нафс нақ ток навдаси...

ЎТЛАР ЁҚИБ

Ҳар гал дилга ўтлар ёқиб
ўчирмасдан кетарсан,
Бу оташга ташлаб қўйиб
зору ночор этарсан.
Нега сирли-сирли боқиб
ноэли нигоҳ ташладинг,
Ишқ савдосин бошлаб қўйиб,
айт-чи, энди нетарсан.

Ёдинг билан яшар бўлдим,
сен кўринган чоғлардан —
Оқшомлари уйғоқ ўтиб
ҳажрингда дил доғларман.

Ишқ кўйида бахтим борми,
йўқми — асло билолмам,
Насиб этгай висолинг деб
ҳануз умид боғларман.
Ўзинг ёққан ўтдан ўзинг
қутқармасанг тўзим йўқ,
Юз бурсанг гар, маломатдан
элга боқар юзим йўқ.

Зоҳиджон ОБИДОВ

лари билан бирга Звёздний шаҳарчасида бир неча бор бўлди. У охирги марта ўтган йили сентябрь ойида, Н. Н. Рукавишниковнинг 50 йиллик юбилейида бу ерга ташриф буюриб, Қарши даштини ўзлаштирувчиларнинг муваффақиятлари ҳақида рапорт берди.

Владимир Жонибеков Тошкент яқинидаги Искандар қишлоғида туғилган. Сокин кўчалардан илк бор шу ерда мустақил қадам ташлаган. Ва ана шу ерда у самонинг кенглиги ва унинг чорловчи сеҳрига мафтун бўлиб боққан.

— Етти йил давомида Тошкентдаги Суворов ўқув юртида таҳсил олдим,— деб эслайди В. Жонибеков.— Ҳарбий таълим, Ватанга, унинг хизматига доим шай туриш руҳидаги тарбия менга катта сабоқ бўлди. Камолга етишимда, шубҳасиз, Ўзбекистон комсомолининг роли ҳам катта бўлди. Биз Тошкентдаги кўплаб комсомол ташкилотлари билан ва бир қанча корхоналар, айниқса, уларнинг спорт ташкилотлари билан яқин муносабат ўрнатгандик. Ўша дақиқаларни ҳозир ҳам ўзгача бир ҳаорат билан эслайман. Биз болаларга тонг-саҳарда ўриндан туриш ва совуқ сув билан баданларни ишқалаш, узоқ масофаларга югуришлар қийин туюларди. Лекин характерим, иродам айнан ана ўша йилларда шаклланди... Космик юксакликлардан Ватанимизга, айниқса, Помир тоғи ёнбағирларига боқишни яхши кўраман, айтмоқчи, ҳар учала парвозда ҳам менинг Ўзбекистонга чақириқ сигналим «Помир» деган сўз бўлган. Бу ерлар қалбимга яқин ва азиз. Юртимиз гўзаллиги билан фахрланаман. Космосдан бу ерлар серқуёш, шу билан бирга суронли кўринади. Бу, менимча, кескин ўзгаришдан бўлса керак. Аввал саҳролар, кейин тоғлар бошланади, бироз ўтиб, уларнинг ўрнини ям-яшил боғлар, пахта далалари эгаллайди. Инсоннинг энг суронли ўлкаларни ҳам гуллаб-яшнаган воҳага айлантириши мумкинлигини эътироф этиш жуда мароқли. Мен теп-текис ва поёнсиз далаларни кўрдим. Айтишим керак, мамлакатимизда далалар ниҳоятда тартибга келтирилганлиги билан ажралиб туради. Ватанимиз территориясига кирганимизни космосдан ҳам жуда тез англаб олиш мумкин. Ишлов берилган ям-яшил далалар кўзни яйратади.

— Биз ўзимизнинг парвозларимиз давомида, программа доирасида Ўзбекистон халқ хўжалиги учун ҳам фойдали тадқиқот ишлари олиб борганимиздан хурсандмиз,— дейди суҳбатга қўшилиб Н. Н. Рукавишников.— Музликларни ўргандик, беҳисоб бойликларни ўз бағрида яширган ётган Қизилқум даштларини суратга олдик. Ўзбекистон территориясининг бошқа қисмларида ҳам фойдали қазилмалар, кўмир, газ, рангли металлар талайгина. Махсус усулда олинган фотосуратлар туфайли уларнинг ўрни ва ҳажми аниқ белгиланди. Ўйлашимча, бундай мақсадлардаги тадқиқотлар кўлами бундан кейин ҳам кенгайиб боради.

Звёздний шаҳарчаси бўйлаб танишишда давом этдик. Юрий Гагарин ҳайкали олдидан тўғрига юрсангиз, Маданият уйи, жаҳонда биринчи космонавтика музейи рўпарасидан чиқасиз. Бу ердаги хоналардан бири Ю. А. Гагариннинг кабинети. Ер куррасининг биринчи космонавти сўнгги парвозга кетаётиб, шу кабинетини қандай қолдирган бўлса, шундайича бу ерга кўчириб келтирилган.

Музейга турли хил космик асбоб-ускуналар — скафандрлар ва фазогирларнинг бошқа кийимлари, ноёб фотосуратлар ва китоблар, вимпел ва нишонлар, космонавтларга берилган совғалар қўйилган. Ўзбекистон меҳнаткашларининг космонавтларга совға буюмлари ҳам музей экспонатлари орасидан ўрин олган. Мана, Мирзачўлдаги Г. С. Титов номидаги совхоз меҳнаткашлари тақдим этган оппоқ пахта чаноғи. Ноёб чинни идишлар эса, Ўзбекистон ССР делегациясининг Звёзднийга ташриф буюрганидан нишона.

Маданият уйининг биринчи қаватида ихчамгина зал бор. Бу ерда партия йиғилишлари, тантанали митинглар ўтади, ҳар бир парвоздан сўнг маданият арбоблари билан учрашувлар бўлади. Ана шу залда кўп марталаб ўзбек музикасининг оҳанглари янграган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигида Ўзбекистон ССР санъат усталарининг катта бир гуруҳи бу ерда меҳмон бўлган эди.

Л. И. Брежнев номидаги Звёздний шаҳарчаси ўсиб, кенгайиб, тобора кўркамлашиб бораётир. Космик индустриямиз билан бирга Звёздний шаҳарчасининг қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Юрий Гагариннинг «Ҳамма нарса энди бошланаяпти, дўстлар!» деган ажойиб сўзларини ёдда тутган космонавтлар фазо кенгликларини ўзлаштиришда давом этмоқдалар.

Москва

ГУЛЛАГАН ВОҲА



СОЦИАЛИСТИК ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Алижон ҲОЛИҚОВ чизган расм

Ўзбекистон ССРнинг кўп миллатли совет халқлари оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлигига келгуси йили 60 йил тўлади. Ўтган 60 йил, гарчи тарих учун унчалик катта давр бўлмаса-да, ушбу салмоқли ва мазмундор йиллар давомида республикамиз ҳаётида, халқимизнинг тарихий тақдирида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Улуғ Октябрь қуёшининг нуридан бахраманд бўлган халқимиз маданий ҳаётининг бугунги тараққиётида рус халқининг кўрсатган ёрдами беқиёсдир. Бу тўғрида ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида шундай деган эди: «Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, бизнинг иқтисодий ва социал сиёсатимиз Россиянинг собиқ миллий чекка ўлкаларини унинг марказий районларидаги тараққиёт даражасига мумкин қадар тезроқ кўтаришга хизмат қилиб келди».

Дарҳақиқат, ўтган 60 йил давомида коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати мамлакатимизнинг ҳар бир миллати ва элатининг ижтимоий тузумида тўла тантана қилди, совет халқларининг интернационал дўстлиги мустаҳкамланди. Ушбу бирлик ва дўстликнинг куч-қудрати остида Ўзбекистон тенглар ичида тенг индустриал-аграр республикага айланди, меҳнаткашлар турмуш фаровонлиги ва маданий савиясини оширишда партиянинг катта социал программалари амалга оширилди. Буни биргина Ленин орденли Андижон области мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Андижонликлар ривожланган социализм жамияти шароитида социалистик маданиятнинг барча чашмаларидан баҳрамандирлар. Областда 331 клуб, маданият уйи, 28 автоклуб, 362 кинотеатр, 1280 кутубхона, область музейи, унинг 4 та филиали меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Область кутубхоналаридаги китоблар фонди 6 миллион 500 нусхага ва китобхонлар сони 110 минг кишига, қишлоқ жойлардаги кўчма кутубхоналар эса 2450 тага етди.

Меҳнаткашларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантириш, уларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда халқ университетларининг роли ва аҳамияти каттадир. Шу сабабли бу соҳага областимизда алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳозирги вақтда областимиздаги 47 та халқ университетларида 5000 дан ортиқ тингловчи иштирок этаётганлиги фикримизнинг далилидир. Ҳолбуки революциядан аввал меҳнаткашлар олий таълим, мактаб ва маориф чашмаларидан қарийб бутунлай маҳрум эдилар. Эндиликда партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигида Андижонда тўртта педагогика институти, медицина, пахтачилик институтлари ва Тошкент халқ хўжалиги институти, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг филиаллари, бир неча илмий-тадқиқот институтлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турибди. Бу ўқув юртларида 18000 дан ортиқ студент ва областнинг 600 дан ортиқ мактабларида ўн минглаб ўқувчи таҳсил кўраётир. Бошқача айтганда, Андижон области ҳар ўн минг аҳолига тўғри келадиган студентлар жиҳатидан ривожланган капиталистик давлатлар Англия, Франция, ГФР, Италия ва бошқа мамлакатлардан аллақачон ўтиб кетди.

Андижон шаҳри йилдан-йилга республикамизнинг илм-фан марказларидан бирига айланиб бораётир. Бу ерда ҳар йили Бутуниттифоқ ва республика илмий-назарий, илмий-амалий анжуманлари ўтказиш анъанага айланиб, эришилган илғор ютуқлар ва тажрибалар ўзаро алмашилмоқда. Ҳозир фаннинг барча соҳаларида 4500 фан кандидати, 30 фан доктори илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда. Андижон олимларининг яратаётган илмий ишлари ва тадқиқотлари иттифоқимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам катта шуҳрат қозонмоқда. Бинобарин, биргина Андижон медицина институтида 52 кафедранинг профессорлари, ўқитувчилари студентларга таълим бериш билан бирга медицина, химия, биология бўйича катта тадқиқот ишларини амалга ошираётирлар.

Маълумки инқилобнинг дастлабки йилларидан бошлаб Андижонда адабиёт ва санъат намояндалари кўплаб етишиб чиққанлар. Бугунги кунда эса, Охунбобоев номли область музикали комедия театри, 800 га яқин бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, халқ ансамбллари ўз репертуарларини бойита бориб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Халқ ансамбллари ва тўгаракларида 19 мингдан зиёд ҳаваскорлар санъат сирларини эгаллаб ўз маҳоратларини ошкалтирмоқдалар.

Областимизда театр, кино, адабиёт, музика, тасвирий санъат ва архитектура, халқ амалий санъати каби социалистик маданиятнинг барча тармоқлари йилдан йилга тараққий эттирилаётир. Социалистик маданиятимизнинг бу тармоқлари вакиллари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида», «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида», «Бадиий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қарор ҳамда кўрсатмалари асосида ўзларининг иш услублари ва ижодларини тубдан қайта кўриб чиқиб, меҳнаткашлар учун социалистик реализм, ватанпарварлик ва интернационализм ғоялари билан суғорилган асарлар борасида изланмоқдалар.

Аҳолининг турмуш маданиятини ошкалтириш масаласи ҳамма вақт партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлиб келаётир. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов раислигида Меҳнаткашлар турмуш маданиятини ошириш республика Совети бу борада муҳим тадбирларни рўёбга чиқараётир. Область территориясида янги-янги шаҳарлар ва замонавий қишлоқлар бунёд этилди.

Андижон областида меҳнаткашлар турмуш маданиятини ўстиришнинг моддий базаси йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. Чунончи, ўнинчи беш йилликда меҳнаткашлар турмуш маданиятини яхшилаш мақсадларида 1 миллиард 200 миллион сўмлик маблағ сарф этилди. Шаҳар ва қишлоқларда мактаблар, кинотеатрлар, касалхоналар, клублар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйлари, умумий овқатланиш шохобчалари, маъмурий ва турар жой бинолари қурилди. Шунингдек, янги замонавий йўллар қуриш, асфальтлаштириш, водопроводлаштириш, электрлаштириш, телефонлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилди. Қишлоқларда хутор системаси тугатилиб, уйлар, маъмурий бинолар, муассасалар бош план асосида, замонавий архитектура усулида бунёд этилаётир. Бош план асосида бутунлай қайта қурилган Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози, «Маданият» совхози, Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхоз ва «Октябрь 50 йиллиги» совхози, Хўжаобод районидаги Киров номли аграр-саноат бирлашмаси, «Ленинизм» колхози, Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди колхози» ва бошқа қишлоқлар шулар жумласидандир.

Советобод, Охунбобоев, Қўрғонтепа, Марҳамат ва бошқа шаҳарларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир, марказий шаҳарлардаги йирик саноат корхоналарининг филиаллари барпо этилаётир. Шу билан бир қаторда областимизда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, уларни таъмирлаш санъатига ҳам катта аҳамият берилаётир. Андижон шаҳридаги жомеъ масжиди, Қўрғонтепа районидаги Мирзақул бўлиш, Пахтаобод районидаги Отақўзи мадрасалари, Шаҳрихондаги Понсод масжиди, Москва районидаги Гумбаз ва бошқа тарихий ёдгорликлар қайта тикланди.

Андижон область партия комитети, совет ва жамоат ташкилотлари меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари ҳақида ҳам доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу борада дам олишнинг барча моддий шарт-шароитлари муҳайё этилган. Ҳозир областимизда 15 та истироҳат боғи ва дам олиш зонаси мавжуд. «Боғишамол», «Русалка» оромгоҳлари меҳнаткашларнинг яхши дам олиш, сайиллар ўтказиш масканига айлангандир. Албатта, область меҳнаткашларининг ижтимоий ҳаётда, турмуш маданияти соҳасида эришган бу ютуқлари Улуғ Октябрнинг, кўпмиллатли Совет Иттифоқи давлат тузуминнинг, ленинча партия миллий сиёсати тантанасининг буюк самарасидир.

Баҳодир ТУРДИЕВ,
тарих фанлари кандидати

ИККИ ШЕЪР

* * *

Чили!
Зангор осмонингда оқ каптарлар отилди,
Денгиз мавжи қучиб ётган уфқларинг қонталаш.
Сутинг эмган оқпадарлар олтин учун сотилди,
Оёғингда оғир занжир, юрагингда зангли ғаш...

Чили!
Ойдин кўзинг бойлаб, зах зиндонга солдилар,
Дор остига юбордилар осмоқ бўлиб Қуёшни,
Кўчаларда нур ўрнига қонлар оқиб қолдилар,
Китоб ёқиб гулханига отдилар қанча бошни.

Чили!
Қора дардларингдан дунёга тушди титроқ,
Парчаланар қора кунлар, янграр узилган ялла.
Фарзандларинг доғи билан куйган шу Она тупроқ,
Самандардек куймас қилиб яратажак Ғалаба!

Чили!
Зангор осмонингда оқ каптарлар отилди...

* * *

Сени севганимни булбулга айтдим,
Булбул булбулларга ёйиб юборди.
Хаёлкаш чаманда кезаркансан жим,
Улар тонгда сенга ёлбориб борди.

Сарсари қушчалар тилида қўшиқ,
Ноёб муҳаббатим куйланди чунон.
Сехр тўла куйга бўлмадинг ошиқ,
Менинг қалбим қолди қийноқда, инон.

Пойингга гул тўкмоқ қасдида ёниб,
Кўздан уйқу қочди, тин ололмадим.
Ўйингда ўртаниб, жим қололмадим,
Гул уруғин эқдим ер бағрин тилиб.

Сени севганимни айтдим булбулга...

Қўқон

Анвар ЮНУСОВ

Қутлаймиз!

БАСТАКОР ВА СОЗАНДА

Ўрикларнинг гулга бурканган қалдирғочлар шохдан-шохга мастона куйлаб учиб-қўниб юрган, она табиат яшил либосини кийиб, ўз ҳуснини кўз-кўз қилаётган баҳор кунларининг бири. «Баҳор» концерт зали халқимизнинг севимли бастакори Муҳаммаджон Мирзаевнинг ижодий кечасига тўпланган санъат ихлосмандлари билан тўла.

...Залда баҳор куйидан маст булбулнинг навоси янграйди. Қалбларнинг нозик торларини оҳиста чертиб, булбул куйига жўр бўлиб, оромбахш оҳанг таралади. Бошларига гуллардан чамбар ясаб, аҳордан бир-бирларига сув очиб, бир-бирларини қувлаб, баҳор гаштини суриб юрган шўх, бахтиёр қизларнинг кулгулари ҳисларимизни эркалайди. Ўзимизни бехтиёр сайроқи қушлар, соҳибжамоллар ошёнига айланган мевазор боғда сайр этаётгандай ҳис қиламиз. Саҳнада баҳор чечакларидай яшнаб, вальс тушаётган қизлардан нигоҳимизни узгимиз келмай, дилимиз яйраб, куйга ҳамоҳанг оҳиста тебранамиз... Бу ҳаммамизнинг қалбимизга сингиб кетган, бир неча йиллар муқаддам Муҳаммаджон Мирзаев басталаган «Баҳор вальси» куйининг таъсири эди. «Сиз яратган куйлар юракларни бахтиёрлик туйғуларига тўлдиради, яйрамаганни яйратади»— дегим келади ёнимда ўтирган бастакорга.

«Баҳор вальси» давом этади... Эҳҳе, қалбларни яйратиб юборадиган бундай дилбар куйлар Муҳаммаджон Мирзаевнинг репертуарида қанчадан-қанча! «Гулноз», «Наврўз», «Эй, гул», «Дилдор —1», «Дилдор —2», «Гулрух», «Сайри гулзор», «Ширин келармиш», «Жонон», «Интизор этма», «Кўзим шаҳлога тушди», «Меҳнат аҳли», «Шайдо бўлибман»... Уларнинг ҳар биридан кўклам таровати, кўнгил саховати уфуради.

— Менинг мусиқага ҳавасим оиламиз даврасида болаликдан бошланган,— деб ҳикоя қилган эди суҳбатларимизнинг бирида Муҳаммаджон ака.— Тошкентнинг Ракат маҳалласида яшардик. Тоғам Саъди Убайдуллаев дуторни яхши чертарди. Мен у чалаётган куйларни маҳлиё бўлиб тинглардим, хаёлимда алланарсалар жонланарди. Кейинчалик кўпгина қўшиқларга музика басталашда ўша эшитганларим — хотирамда сақланиб қолган куйлар менга қўл келди ва мен етакчи созандаларнинг назарига тушдим...

1936 йили эндигина 23 ёшга кирган Муҳаммаджон Мирзаев Ўзбекистон Давлат филармониясига яккахон созанда бўлиб ишга келди. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Дони Зокиров, Саидхон Алиев каби санъаткорлар кўмагида янги-янги куйлар ўрганди ва ўзи ҳам куйлар ижод қила бошлади. Классик халқ меросини қунт билан ўрганди.

1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати Декадасида рубобчи-созанда сифатида қатнашди. Декада унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Москвадан қайтгач, яна ҳам илҳому иштиёқ билан ишга киришди. Сафарлар, концертлар, учрашувлар созанда учун ҳаёт ва ижод мактаби ролини ўтади. Республикамиздаги қайноқ халқ ҳаёти, тинимсиз, қувончли, озод меҳнат, халқ жасорати унга куч ва илҳом манбаи бўлиб қолди. Кейинчалик Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари факультетида таҳсил кўриб, ўз назарий билимларини мустаҳкамлаб олиши, айниқса машҳур хонанда Маъмуржон Узоқов билан ҳамкорлиги созанда ҳаётида кескин бурилиш ясади. Улар ўн йиллаб серқуёш республикамиз далаларини кезиб, меҳнаткашлар билан бирга бўлдилар. Маъмуржон Узоқов ижросида халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган «Ёр истаб», «Қачон бўлғай», «Сувратинг», «Якка бу Фарғонада», «Бир келиб кетсун» каби лирик, оромбахш ўлмас қўшиқлар ва уларга басталанган куйлар ана шу тариқа дунёга келди. Муҳаммаджон Мирзаев энди созандагина эмас, бастакор сифатида ҳам эл назарига тушди. Унинг «Гўзал Ватаним», «Шодлик», «Ёшлар вальси», «Тонг маликаси», «Дилдор», «Интизор этма» каби куй ва қўшиқлари тингловчиларга манзур бўлди.

Муҳаммаджон Мирзаев бир қанча истеъдодли шогирдларни ҳам тарбиялади.

Муҳаммаджон Мирзаев рақс санъатимиз ривожига ҳам маълум ҳисса қўшди. Ҳозирда, «Баҳор» ансамбли раққосалари унинг «Уфори санам», «Гўзал тонг», «Кўнгил таронаси», «Баҳор вальси» каби ажойиб рақс-куйларини ижро этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев 70 ёшга кирди. У кучга тўлиб ижод қилмоқда. Унинг умрига ва ижодига барака тилаймиз.

Анвар ЮСУПОВ,
Ўзбекистон телевидениеси
Музикали кўрсатувлар
бош редакциясининг
бўлим мудири

Тоштемир **ЖЎРАБОЕВ**

ҚАЛБИМДА

Қалбимда бир олов ёнади,
Гулханга айланар муқаррар.
Қалбимда бир олов ёнади,
Нигоҳлар, нигоҳлар ўт қалар.
Қалбимда бир олов ёнади,
Муҳаббат гулхани бу гулхан.
Қалбимда бир олов ёнади,
Садоқат, вафодан туғилган.
Ёнади, ёнишдан тўхтамай,
Ҳасаднинг совуриб кулини.
Ёнади ёнишдан тўхтамай,
Ёритиб дўстларнинг йўлини.
Ёнади, ёнгандай ёнади,
Учириб душманлар кутини.
Ёнади, ёнгандай ёнади,
Ўчириб урушнинг ўтини.

Қалбимда бир олов ёнади,
Кошкийди ҳар дилда топилса
Розиман, кўнгуллар ҳаммаси,
Муҳаббат ўтида ёқилса!
Қалбимда бир олов ёнади...

ҚУЁШ СЎЙГАН ҚОВУН

Чайлага юр, ўртоқ, чайлага юр,
Оқсоқол бобонинг суҳбатига қон.
Кўкча қовунидан бир тотиб кўргин,
Қанчалик сеҳргар бу бободеҳқон.

Палаги тозадир, шўр қайда дейсан,
Ишончни оқлайди меҳнат даласи.
Сўйиб кўр, сўнг ўзинг сўраб ҳам ейсан,
Бу — азиз инсоннинг меҳри меваси.

Парсилдоқ қовуни азалдан машҳур,
Ёрилиб кетади пичоқ тегмасдан.
Банд берган чоғида қиласан ҳузур,
Шакар едим дема, қовун емасдан.

Дўстим, бу жонивор бари ширали,
Танламай сўйсанг-да, кўнглинг тўлади.
Пишиб ёрилганин излаб топайлик,
Қуёш сўйган қовун ширин бўлади!

Ленинобод

ПУЧГА ЧИҚҚАН УМИДЛАР

«Тинчлик иморатининг пойдевори уруш воситаларидан эмас, балки халқаро сиёсатдан иборат бўлмоғи керак. Биз ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур кўламда қурол-яроқларни чеклашга бўлган интилишимизда қатъият ва донолик кўрсатишга маҳкам бел боғлаганмиз. Биз бу йил планетамиздаги барча ядро қуролини тугатишдан иборат олий мақсадимизга эришиш сари яна бир қадам ташлаймиз». Америка Қўшма Штатларининг собиқ ўттиз тўққизинчи президенти Ж. Картер президентлик курсисига ўтираётганда шундай деб ваъда берган эди. Амалда эса бунинг акси бўлди.

Ж. Картер қуролларни қисқартириш хусусида аввал эришилган баъзи келишувларни ревизия қилишга, «Советларнинг ҳарбий устунлиги», «Совет хавфи» деган уйдирмалар, «Социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётибди» деган бемаъни асоссиз васваса асосида жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниб, ашаддий агрессив сиёсат юритди.

Стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида 1980 йил 18 июнда Венада имзоланган СҚЧ-2 Шартномаси АҚШ ҳукумати томонидан ратификация қилинмади ва оқибат-натижада кучга кирмай қолди. Бу ҳам етмаганидек, президент Картер ўзининг Ғарбда машҳур, аслида эса, машъум 59-директивасига имзо чекди. Бу қалтис ҳужжатда гап асосан ядровий можаронинг зарур ва муқаррарлиги ва бу «ҳақиқат»ни одамлар онгига сингдириш лозимлиги ҳақида боради. АҚШ Компартиясининг Бош секретари Г. Холл бу директиванинг моҳиятини фош қилиб ташлади: «Улар (директива ижодкорлари) АҚШ халқини «чекланган» ядро уруши фақатгина Европада олиб борилади, деб ишонтиришга ва уларни онгли равишда алдашга уринмоқдалар. Аммо холис ниятли ҳар қандай киши борди-ю ракеталар ишга тушадиган бўлса, ер юзида бирор бир бошпаноҳ топиб бўлмаслигини яхши билади. Америка ракеталарини Италия, Англия, ГФР территориясидан учириш мумкин. Аммо ядровий жавоб фақат Европа билангина чегараланиб қолмайди. Ракеталар Рим, Берлин ва Лондонда портлар экан, улар Чикаго, Нью-Йорк ва Лос-Анжелесда ҳам портлайди...»

Ж. Картер ҳукмронлик қилган тўрт йил ичида АҚШда инфляция қарийб уч баравар ортди, ишсизлар армияси 8 миллион кишига етди. Оқибат шу бўлдики, 1980 йилнинг ноябрь ойи бошларида бўлиб ўтган навбатдаги президентлик сайловларида демократлар шармандаларча мағлубиятга учрадилар. Ж. Картернинг салтанати тўла инқирозга юз тутди.

Қўшма Штатларнинг ҳозирги президенти Рональд Рейган ҳам сайловчиларга дабдабали ваъда беришда, уларнинг қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдиришда ўз ўриндошидан ошиб тушди. У 1981 йил февралда, агар конгресс унинг таклифларини қабул қилса, «мамлакатда янгидан 13 миллион ишчи ўрни вужудга келиши», йирик монополиялар даромадларидан олинадиган солиқларнинг камайтирилиши эса миллий экономиканинг соғломлигига ижобий таъсир кўрсатиши, давлат бюджетидаги етишмовчилик камая бориб, бир неча йил ичида бу борада мутаносибликка эришилиши ҳақида оғиз кўпиртириб гапирган эди. Афсуски, у ўз ваъдаларининг аксини қилмоқда.

Мана, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Президент Рейган демократлар инқирозидан хулоса чиқарганда эди, аҳволни яхшилашга бел боғлаган ва совуқ урушни авж олдирмаган бўлур эди. Сўнгги сайловда 76 миллион киши «Ж. Картерми ёки Р. Рейган», деган саволга жавоб айтишдан ихтиёрий равишда бош тортиб, сайлов қутилари ёнига келмади. Ҳозир Америка Қўшма Штатларида 12 миллиондан ортиқ киши ишсиз. Бу рақам кунма-кун, ойма-ой ортиб бормоқда. Сўнгги икки йил ичида Америка меҳнаткашларининг ҳаёти солиқларнинг кўпайиши, социал программаларнинг қисқартирилиши ва ҳарбий харажатларнинг мисли кўрилмаган даражада ошиб бориши оқибатида янада оғирлашди. Лекин Қўшма Штатлар ҳарбий-саноат комплекси билан узвий алоқада бўлган йирик монополиялар президент Рейганнинг «саховати» туфайли кейинги йилларда чўнтакларини анча қаппайтириб олдилар. Расмий маълумотларга қараганда, биргина ўтган йили қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланувчи монополиялардан 49 таси 100 процентдан, 22 таси 200 процентдан, 3 таси 500 процентдан ва биттаси 2000(!) процент даромад олган. Демак, йил давомида бой янада бойиган, қашшоқ эса баттар қашшоқлашган.

«Совуқ уруш» сиёсатининг океан ортидан эсаётган изғиринлари сўнгги икки йил ичида бир дақиқа ҳам тингани йўқ. Халқаро муносабатларда Қўшма Штатлар ўзларини шундай тутмоқдаларки, гўё улар учун на халқаро ҳуқуқ нормалари, на Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциялари мавжуд. Вашингтон маъмурияти дунёнинг исталган районини «Американинг миллий манфаат зонаси» деб эълон қилишдан ҳам, Оқ уйнинг милитаристик ниятларига мос келмайдиган ҳар қандай ҳужжат, битим ёки шартномани асоссиз деб ҳисоблашдан ҳам, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашишдан ҳам, бойликларига кўз олайтиришдан ҳам тап тортаётганлари йўқ.

АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер ўзининг шу йил январь ойида ўтказган матбуот конференцияларидан бирида сўнгги икки йил ичида қуролланиш борасида эришилган катта «муваффақиятлар»ни мамнуният билан эътироф этди: В-1 типидаги қирувчи самолётларни ишлаб чиқариш графикдан олдин бормоқда. «Трайдент» типидаги сув ости кемасининг биринчиси тайёр бўлди, иккинчиси ҳадемай сувга туширилади. Ўртача олисликка учадиган янги «Першинг-2» ракеталари бу йил Европадаги иттифоқчилар территориясида жойлаштирилиши керак. Янги «МХ» ракеталари учун маблағ ажратишга ҳозирча конгресс тўсқинлик қилмоқда. Аммо бу иш ҳам Пентагон фойдасига, албатта, ҳал бўлади.

Халқаро мавзуларда

Шуни ҳам айтиш лозимки, ўтган 1982 йилда Америка Қўшма Штатларининг чет эллардаги қўшинлари 30 минг кишига, жумладан, Европада 18 минг кишига кўпайди. Агар буларга Жанубий Атлантикадаги Фольклend (Мальвин) оролларида юз берган фожиани, Ливандаги қирғинбарот урушни, Сабра ва Шатиладаги хунрезликни, Сальвадор, Гватемала ва Гаитидаги жиноятларни, Афғонистонга қарши зимдан олиб борилаётган урушни ҳам илова қиладиган бўлсак, Оқ уйдаги ҳукмдорларнинг башаралари янада яққолроқ фош бўлади.

Бундай фактлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аммо юқорида айтилганларнинг ўзиёқ Рейган маъмурияти ўз халқининг хоҳиш-иродаси, жаҳон халқларининг адолатли талабларини менсимаган ҳолда қуролланишга зўр бераётгани, ишсизлик ва қашшоқликка қарши эмас, балки ишсизлару қашшоқларга қарши иш тутаётганлигини кўрсатиб турибди.

АҚШда жиноятлар авж олмоқда. Сўнгги ўн йил ичида бу мамлакатда жиноятчилик даражаси 60 процент кўпайди. Биргина 1981 йили бу ерда 13 миллион марта турли жиноятлар содир бўлди. Рейганнинг ўзи бу аянчли аҳволни «Америка Қўшма Штатларини жиноятчилик эпидемияси қамраб олди!», деб эътироф этишга мажбур бўлди.

Негаки, жиноятга қўл ураётганлар орасида болалар, ўсмирлар, аёллар билан бирга йирик капитал эгалари, амалдорлар ва Оқ уй маъмуриятининг юқори мартабали мансабдорлари ҳам бор. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ ёрдамчиси Аллен, ҳозирги меҳнат министри Донован, марказий разведка бошқармаси директори Кейси ва ҳатто, юстиция министри Смитнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари жаҳон жамоатчилигига аён.

Хўш, бундай аҳволга АҚШ жамоатчилиги, оддий американиклар қандай қарамоқдалар! Оқ уйнинг ўзи-чи! Президент Рейганнинг тан олишича: «Экономика оғир аҳволга тушиб қолган, жуда кўп гражданлар — фермерлар, пўлат эритувчилар ва автомобилсозлар, ёғоч кесувчилар, ўспирин негрлар ва ишловчи оналар учун уқубатли давр келди... Қўшма Штатлар олдида унинг имиллаб қолган иқтисодий машинасини ҳаракатга келтириш зарурати пайдо бўлди».

Президент бу гапларни Америка конгресси иккала палатасининг қўшма мажлисида «Мамлакатнинг аҳволи тўғрисида»ги анъанавий нутқида айтди. Шу билан бирга у мамлакат олдида турган «жуда катта ва даҳшатли муаммоларни» бартараф этиш учун федерал харажатларни кўпайтирмасликни таклиф этди. «Нью-Йорк таймс» газетаси бу таклифни «социал программаларни қисқартириб, ҳарбий харажатларни анча кўпайтириш формуласи», деб баҳолади. Чунки президент ўз нутқининг ташқи сиёсат қисмида Америка Қўшма Штатларининг стратегияси кучга — иқтисодий ва ҳарбий кучга асосланиши лозимлигини таъкидлаб, келгуси беш йилда ҳарбий харажатларга 1,6 триллион доллар сарфланади, деб ўзининг ашаддий ниятини ошкор қилди.

Бунга жаҳон жамоатчилиги қандай қарамоқда!

Германия Федератив Республикасида чиқадиган «Цайт» журнали яқинда американлик бир гуруҳ маданият арбобларига бир неча саволлар билан мурожаат этди. «Борди-ю ҳозир АҚШда президентлик сайлови бўлса, Рейганга овоз берармидингиз!» деган саволга кўпчилик «Йўқ!» деб жавоб қайтарди. «Рейган олиб бораётган ички сиёсатга нисбатан эътирозларингиз асосан нималардан иборат!» Бу саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, Рейган олиб бораётган ички сиёсат социал эҳтиёжларга мос келмайдиган, камбағаллар тақдирига бефарқ қарайдиган, бойлар ва амалдорларга таъзим қиладиган сиёсатдир.

Қўшма Штатлар кенг жамоатчилиги Рейган маъмурияти олиб бораётган бундай номақбул йўлдан, шубҳасиз, ташвишга тушмоқда. Яқинда беш юздан ортиқ американлик сиёсат ва жамоат арбоблари АҚШ президентига мактуб йўллаб, Оқ уй маъмурияти олиб бораётган ҳозирги йўл Қўшма Штатлар учун муқаррар ёмон оқибатларга олиб келишини, экономикани тиклаш йўлидаги ҳар қандай умидларни пучга чиқаришини таъкидладилар. «Ҳозирнинг ўзидаёқ,— дейилади мактубда,— экономика шундай кўламдаги қийинчиликларга дуч келмоқдаки, у бир неча ўн йиллар мобайнида бундай аҳволни бошидан кечирмаган эди».

Рейган бошқараётган Оқ уй маъмуриятининг бугунги сиёсати ҳақидаги объектив ҳақиқат шундай.

Ёвуз ният, табиийки, ана шу ниятни ўйлаб топганларнинг ўзига ҳам ёмон оқибатлар бўлиб қайтиши мумкин. Тарих сабоқлари бунга далил бўла олади. Чунки бугунги кунда тинчликсевар кучлар тинчлик душманларидан, холис ниятли кишилар эса ёвуз ниятлилардан қудратлироқдир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
сиёсий шарҳловчи

Ҳар тўғрида бир шингил

Тошютар динозаврлар

Археологлар қадимий динозавр склетини эҳтиётлик билан очаётган эдилар. Кутилмаганда улар ҳайратдан ёқаларини ушлаб қолдилар. Гап шундаки, қадимий баҳайбат калтакесак склетининг кўкрак тўқимасида бир тўп катта-кичик тошлар жойлашган эди. Санаб кўрсалар тошлар сони 197 та экан. АҚШнинг Монтана штатидаги палеонтологлар, бунақа юк динозаврга ўзини сувга чўктириш учун керак бўлган, деган хулосага келдилар. Судралиб юрувчи бу махлуқ ўз вақтида, ўз ўлжасини кутибми ёки душманидан қўрқибми, шунақа тошларни ютиб олиб, бурнигача сувга чўкиб турган. Шуниси ҳам борки, бунақа хусусият ҳозирги айрим махлуқларда ҳам учрайди. Ҳозирги шундай тимсоҳларнинг сувга чўкиш учун тош ютишини биологлар кузатганлар. Балки улар бу одатни ўзларининг қадимий аждодларидан мерос қилиб олгандирлар...

Кўприк бошида

(Боши 23-бетда)

1920 йиллар. Самарқанд дарвоза боғимизда Холмат савзифуруш деган қўшнимиз бўларди. Ёши қайтган, қорача, тўладан келган, юмшоқ, сахий табиат киши эди. Жомеъ мачити қаршисида — пастроқда савзифурушлик қилар эди.

Холмат амаки ҳар кун эрталаб от миниб бозорга кетарди-да, кечқурун қайтганда кўчада ҳоммомпиш ўйнаб ўтирган бир тўп болаларга хуржунидан бодрингми, кичик-кичик ҳандалакми ёки қуртми олиб улашиб ўтарди. Шунинг учун биз болалар Холмат амакини жуда севар эдик.

Бир кун: «Холмат амаки оғриб қолибди, оёқ-қўлсиз бўлиб, тилдан қолибди», деган гап тарқалиб қолди. Уч-тўрт кундан кейин у вафот этди. Холмат амаки вафотидан сўнг ваҳимали миш-миш тарқалди: Холмат амаки тун ярмида меҳмондан қайтиб келар экан. Сузук отадан ўтиб Чақир ариғи кўпригига (бу кўприк бир терак бўйи келадиган жарлик устига қурилган, атрофида хонадон йўқ эди) яқинлашиб қолганда бир оқ эчки қаёқдандир пайдо бўлиб, маъраб Холмат амакининг олдига келган эмиш. Холмат амаки: «Жонивор адашиб қолибди-да, олиб кета қолай, бўри-мўри еб кетмасин, эрталаб хабар қилсак, эгаси уйдан олиб кетар...» дебди ва эчкини тиззасига ўнгариб олибди. Холмат амаки бир-икки юз одимни босиб ўтиб, кўприкка яқинлашаётганда ўзида қандайдир оғирлик сезиб, терлаб кетаверибди. Орқасига қараса, ҳалиги тиззасидаги эчкининг танаси ўн беш-йигирма метр орқага чўзилиб ерга судралиб келаётган эмиш... Амаки қўрқиб кетиб эчкини тиззасидан улоқтириб ташлабди, эчки эса дарҳол амаки олдига ўтиб, кўприк устида олов бўлиб ёна бошлабди. Амаки қўрқиб от устида ҳушидан кетибди. Айтишларича, ўрганган от уни тўғри уйига олиб келган ва кишнаб, уй эгаларини огоҳ қилган эмиш. Шу-шу амаки ҳушига келмай, вафот этибди...

Бу даҳшатни бир куни Жосият бибим тушлик чоғида дадамга ҳикоя қилдилар ва: «Бечорани жин чалибди-да, ўзи ўша кўприк усти нопок ер», деб қўйдилар. Дадам бибимнинг ҳикоясини эринибгина тинглаб ўтирдилар-да, кулиб сўрадилар:

— Холмат ака ўлими олдидан бирон васият қилибдими?

— Йўқ, тил бўлса қилади-да, бечора.

— Кўчадан келибди-ку, бир сўз айта олмай вафот қилибди, денг?

— Ҳа.

— Аввало, эчкини, хусусан тунда, ушлаб олиш осон эмас... Кейин, Холмат ака тунда ёлғиз қайтган, уйига келиб, тилсиз вафот этган бўлса, у ҳолда кўприк устида жин бўлиб кўринган, олов бўлиб ёнган эчкини ким кўрибдию ким айтибди?..

Бибим бу саволга нима жавоб айтишни билмай, жимиб қолдилар. Дадам жилмайиб, жавоб кутиб ўтириб, кулиб юбордилар.

— Нега куласан?— дедилар бибим аччиғланиб,— мен қаёқдан билай, халойиқ айтганини айтдим-да!

— Халойиқ айтса ҳам, ўзингиз ўйлаб кўришингиз керак-да, ойи, елимласа ёпишмайдиган гап-ку бу...— дея кулдилар дадам.

— Бўлди, бўлди, тавба қилдим, сенга гапириб ўтирган мен аҳмоқ, қилдан қийиқ ахтарасан!— дедилар бибим ва четга қараб олдилар. Дадам кула-кула ўринларидан турдилар...

Шу воқеадан сўнг орадан ўн йиллар ўтиб кетди. Улғайдим. Мактабни тугатиб Медицина ишчилари факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Ҳар куни кечқурун ўн бирўн иккиларда ўқишдан қайтадиган бўлдим.

Баҳор эди. Бир куни ўқишдан ёлғиз қайтардим. Ўша Сузук ота йўли билан келаяпман, кўройдин, енгил, ёқимли баҳор шабадаси эсади. Жимжит оқаётган (жарликдан оқувчи бу сувни секин оққанлиги учун «Жимжит» деб ҳам аташар эди.) Чақар ариғи ёқасига, кўприкка яқинлашарканман хотиримга марҳум Холмат амаки воқеаси тушиб кетди: оқ эчки, унинг олов бўлиб ёниши... «Наҳотки, бибимнинг ўша ҳикоялари ҳақиқат бўлса-а?»... деб сесканиб қўйдим...

Эни уч-тўрт, баландлиги ўттизқирқ метрли баланд ёғоч кўприкка етиб, қарийб ўртасига бориб қолган эдим, ажабо, қаршимдан нима келар эди, денг? Оқ бир нарса, йироқ тепалик йўлдан менга томон юмалаган каби аста келар эди. У эчкими, қўзими ёки мушук-кучукка ўхшар, ўқтинўқтин тўхталиб ҳам олар эди. Мен бу оқ нарсани: «Ўша, жин бўлса керак», деб ўйладим ва жуда қўрқиб кетдим.

Орқамга қайтай десам, уйимиз яқин қолган, икки-уч юз метр нарида шийпонимизнинг чироғи кўриниб турибди. Олға босай десам, қаршимдан жин келмоқда... «Нима бўлса бўлди», деб кўприкдан тез-тез юриб кенг қиялик кўчанинг ўнг томонига ўтиб олдим. Чунки жин кўчанинг сўлроқ томонида келмоқда эди. Жинни аста-аста беш-олти метр йироқдан ёнлаб ўтиб, юқорига томон чопиб, ўрлаб кетдим. Кўприкдан юз метрча йироқлашиб, юқорига чиқиб олгач, қайрилиб жинга қарадим. Жин секинсекин юриб бориб, кўприк ўртасида тўхтади ва шунда туриб қолди. Мен бир оз қараб турдим. У жойидан жилавермагач, йўлимга жўнадим.

Очиқ дарвозадан уйга кириб борсам, дадам шийпонда чироқ ёнида хат ёзиб ўтирган эканлар. Мен ярим кулги тариқасида у кишига йўлда кўрганим — жин воқеасини сўзлаб бердим. Дадам жиддий тинглаб ўтириб, дарҳол ўринларидан турдилар, «юр қани кўрайлик-чи, қандай жин экан», деб мени бошлаб кўприкка томон йўл олдилар. Бориб, йироқдан қарасак, жин ҳамон кўприк ўртасида турар эди. Мен дадамга кўрсатдим. Дадам илдам-илдам юриб, жинга томон кетдилар. Бориб, энгашиб, жинни қўлларига кўтариб олдилар. У ғир-ғир шамол эпкини билан аста учиб, юмалаб келаётган каттагина газета парчаси экан...

Мен, кейинчалик, врачлик касбини эгаллагач, Холмат амакининг тўсатдан тилсиз, қўл-оёқсиз бўлиб қолиш сирини англадим. У хасталикдан, яъни қон босими ошиб, мияга қон қуйилишидан қазо қилган экан...

Энди ўйласам, дадам ҳаётга зийрак қарайдиган, реалистик одам эканлар. Асарларининг халқчиллиги, ҳар бир воқеанинг ҳаётий заминга қурилганига амин бўламан. Ёзувчининг доно ўгитларига қулоқ тутиб, гоҳида у кишининг маҳорат калитларини топгандай бўламан...

ИБН СИНО ШЕЪРИЯТИ

Кейинги йилларда совет олимлари Абу Али ибн Сино ижодини ўрганиш соҳасида катта ишларни амалга оширдилар. Хусусан, унинг тиббий ва фалсафий мероси ўрганилиб, китоблари нашр этилди, баъзилари қайтадан босилди. Улуғ аллома Ибн Сино ижодининг оммалашишига кенг имконият яратилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Ленин ордени топширилишига бағишланган қўшма тантанали мажлисида атоқли партия ва давлат арбоби Л. И. Брежнев: «Сизлар Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номлари билан боғлиқ ёки Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморчилик ёдгорликларида мужассамлашган қадимий маданиятнинг ноёб анъаналарини ҳақли равишда эҳтиёт қилиб асраб, ардоқлаяпсизлар», деб мамнуният билан уқтирган эди.

Ибн Синонинг минг йиллик тўйи кунларида Душанбеда чоп этилган буюк олим шеърлари тўплами «Авжи зуҳал» («Ирфон» нашриёти, 1980 йил) эътиборга сазовор нашрлар сирасига киради.

Абу Али ибн Сино шеърларининг бу тўплами илгари нашр этилганларига нисбатан энг мукаммал ва энг салмоқлиси, деса бўлади. Мазкур тўпламдан форсий 4 ғазал, 5 қитъа, 38 рубоий, 2 фард — 122 байт, 244 мисра шеър ўрин олди. Арабча шеърлар эса 183 байтдан иборат бўлди. Бу асарларнинг асл нусхалари билан бирликда таниқли таржимон Яков Козловский томонидан рус тилига қилинган таржималари ҳам эълон қилингани айни муддао бўлган.

Тўпламнинг яна бир дуруст томони шундаки, унда шеърлар муаллиф ёзган тарзда араб ҳарфлари билан ҳам берилганки, бу унинг таржимонларига, илмий тадқиқот олиб борувчиларга қулайлик туғдиради. Бу борада кўпинча ношир билан нашриёт, нашриёт билан босмахона, босмахона билан чоп эттираётган муассаса ўртасида тортишувлар бўлиб туради. Босмахонанинг инжиқлиги туфайли кўп вақт арабча матн тушиб қолади. «Авжи зуҳал» тўпламиноширлари эса арабча матнни бериб, яхши иш қилибдилар.

Хуллас, «Авжу зуҳал» тўпламини ҳам араб, ҳам ҳозирги алифбода нашрга тайёрлаган муҳтарам олимлар, филология фанлари кандидатлари — Шарифжон Ҳусайнзода, Камол Айний, Худои Шарифов ўртоқларнинг ижодий меҳнатини юксак баҳолаш жоиздир.

Ибн Синонинг шеърий ижодига дунёнинг кўп олимлари лутфи таважжуҳ кўрсатдилар. Шу билан унинг шеърий мероси анчагина ўрганилди. Ўтган асрда Ризоқули Ҳидоят ташаббуси билан Теҳронда 1878 йили нашр этилган «Мажма алфузаҳо» («Фасиҳ кишилар тўплами») асарида Ибн Синонинг бир неча рубоийлари босилиб чиқди. Немис олими Герман Эте 1895 йилда алломага мансуб бўлган ўн икки рубоий ва икки ғазал ва бир қитъани эълон қилди. 1924 йили устод Садриддин Айний Ибн Синонинг беш рубоий ва бир ғазалини эълон қилди. 1937 йили эса турк олими Шарафуддин Ялткайя «Ибн Синонинг босилмаган шеърлари» сарлавҳаси остида унинг форсий ва арабий шеърларининг бир қисмини нашр этди. У нашр этган шеърлар сони 23 та, ҳаммаси бўлиб 55 байт эди.

Машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс 1938 йили Ибн Сино вафотига 900 йил тўлиши муносабати билан «Ибн Сино ва форс адабиёти» деган мақоласини эълон қилди. Мақолада у Ибн Сино шеърларини таҳлил қилди. 1953 йили Душанбеда нашр этилган шеърлар тўплами ўзидан аввалги нашр бўлган Ибн Сино шеърларининг барчасини қамраб олган эди. Бунинг устига, ҳали бизда нашр этилмаган тиббий достондан ҳам айрим парчалар шеърий таржимада берилган эди. 1954 йили эрон олими Саид Нафисий ўзининг «Пури Сино» («Пур» — ўғил дегани, яъни Сино ўғли) деган асарида Ибн Сино меросини 12 рубоий, 3 қитъа ва бир янги байт билан тўлдирдилар, буларга яна афғон биродарларимиз 5 янги рубоий, 2 ғазал ва бир қитъа қўшдилар. Бу орада Ироқ олими Ҳусайн Али Маҳфуз 1957 йили Теҳронда Ибн Сино шеърлари девонини, асосан унинг арабча шеърларини нашр эттирди. Шунингдек, у Туркияда бўлган манбалардан фойдаланиб, Ибн Сино шеърлари матни ва факсимилени (фотокопиясини) эълон қилди. 1965 йили Тошкентда «Фан» нашриёти Абу Али ибн Синонинг шеърларини босиб чиқарди. Ибн Синога нисбат берилган яна бир қанча шеърлар ҳам топилди. Ниҳоят, 1980 йилга келиб, Ибн Синонинг минг йиллик тўйи муносабати билан «Авжи зуҳал» тўплами чоп этилди.

Албатта, юксак баҳога лойиқ бу тўпламнинг араб тилида келтирилган матндаги (110—111 бетлар) «Аҳий» деб бошланувчи 8 байт шеърнинг Ибн Синога нисбат берилиши баҳсли масала эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз жоиздир. Ироқлик олим Ҳусайн Али Маҳфуз уни Ибн Сино девонига янглиш киритиб юборган. Ундан эса «Авжи зуҳал» тўпламига кўчган. Ваҳоланки, тарихчи Ибн Халликонинг (1211—1282) «Вафаёт алаъён ва анбо абно аз-замон» («Улуғлар вафотлари ва замон ўғлонлари ҳақида хабарлар», Булоқ (Миср, 1299 (1881, 11 жуз, 102-бет, араб тилида) китобида бу шеър Абу Носир Форобийга нисбат берилган.

Ибн Халликон бу келтирилган шеърдан кейин яна шуларни ёзади: «Мен бу байтларни «ал-Харида» китобида шайх Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Форобий ал-Бағдодий ад-Дорга тегишли, деган гапни ҳам кўрганман. Ўша «ал-Харида» китобининг муаллифи ал-Имоднинг айтишига қараганда, бу киши 561 (мелодий 1165) йили ражаб ойининг ўн саккизида жумъа куни ал-Бағдодий билан бирга ўтиришган экан. Бу учрашувдан бир неча йил ўтгач, у киши вафот этган экан» (Ибн Халликон, юқорида эсланган китоб, 102-бет).

Худди шундай фикрни машҳур олим Ибн Аби Усайбиа (1203—1270) ҳам келтириб, бу шеърни у ҳам Абу Наср Форобийга нисбат беради (қаранг: Ибн Аби Усайбиа, «Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо», — «Табиблар даражасини белгилаш учун хабарлар чашмаси», «Байрут, 1957, III жуз, I қисм, 230-бет, араб тилида).

Шунинг учун мазкур шеърнинг то бирор эски қўлёзмада Ибн Синога тегишлилиги исботланмагунча, бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Аммо бундан етти юз йил олдин ўтган тарихчи олимларнинг шу тўғридаги мулоҳазаларига эътибор бермай бўлмайди. Чунки Ибн Сино шеърларини улар ўз даврида мавжуд бўлган ишончли нусхалардан кўриб, китобларига киритганлар.

Абу Али Ибн Сино шеърий гулламини рассом И. Ғаниев китобхоннинг баҳри-дилини очувчи — яхши сувратлар билан безаганки, бу ҳам «Авжи зуҳал»нинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилган.

Абдусодиқ ИРИСОВ,
филология фанлари кандидати

тақриз

ҚОРАҚУМ МЕЗОНИ

Қорақум саҳроси.. Бу сўзни эшитган киши беихтиёр шамоллар туфайли ўз ўрнини ўзгартириб турадиган қум барханларини, ҳувиллаб ётган жонсиз бепоён кенгликни, ғоят суқунатли муҳитни тасаввур этади. Аслида ундай эмас. Афсонавий Қорақум саҳроси ҳам она табиатнинг барча қонун-қоидалари бўйича кун кечиради. Бу ернинг ўзига хос ҳайвонот дунёси ва ўзига мос ўсимликлари мавжуд. Қорақумда ёз ойлари жазирама иссиқ сояда 50 даражага етади, узлуксиз кунгай жойларда 80 даражагача кўтарилади. Саратон кунлари бу ерда қум устида олов ёқмасдан тухум пиширириб ейверса бўлади. Қорақумнинг маркази ҳисобланган Репетек қўриқхонаси Совет Иттифоқидаги энг иссиқ нуқта ҳисобланади. Лекин жазирама иссиқлару беаёв шамоллар, қишнинг аёзли кунлари саҳро ҳаётини бир дақиқа ҳам тўхтатиб қўяолмайди. Бошқача айтганда, саҳрода ҳам ҳамиша ҳаёт қайнайди. Репетек қўриқхонасининг ходимлари эса, ана шу қайноқ ҳаётни тадқиқ этадилар.

Халқаро биосфера Репетек қумсаҳро қўриқхонасининг директори, география фанлари кандидати Сувхон Вайисович Вайисов шундай ҳикоя қилади:

— Бизнинг бу ноёб қўриққонамиз 1912 йилда қум-саҳро станцияси сифатида ташкил этилган эди ва шундан бери кўпгина илмий муаммоларни ҳал этишда иштирок қилиб келяпти. Репетек қўриқхонасида дастлабки йиллардан бошлаб тадқиқот ишлари бутун йил бўйи олиб борилади. Бу ерда саҳронинг физик-географик ва экологик шароитини, табиий жараёнлар ҳаракатини ўрганишга, қумли территорияларни ўсимлик ўстириш йўли билан ўзлаштиришга кўчма қумларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш методларини ишлаб чиқаришга, саҳронинг ўсимлик ресурсларидан фойдаланишга, ўрмон хўжалигини рационал юритишга ва ҳоказо соҳаларга катта эътибор берилаётир.

Қўриқхонамизнинг ёш олимлари ўз тадқиқотлари билан П. П. Семенов-Тян-Шанский ва В. А. Обручев, В. В. Докучаев ва А. Е. Ферсман ҳамда бу ерда ишлаган ёки қўриқхонага ташриф буюрган таниқли саҳрошунослардан В. А. Дубянский, Б. П. Орлов ва М. П. Петровлар изидан бормоқдалар.

Репетекни саҳронинг мезони сифатида сақлаб қолиш ҳозир ҳам худди аввалгидек муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ерда олимлар ишлаб чиқаётган таклифлар ёрдамида қумларнинг хуружини тўхтатиб қолиш билан чегараланмасдан, яйлов учун янги майдонлар ажратиб олинаётир. Йўллар, пахтазорлар ва саҳроларга обиҳаёт келтирадиган Қорақум канали барханлардан ажратиб қўйилди. Репетек қўриқхонаси эндиликда саҳронинг келажагини олдиндан айтиб бера олади.

Олимларимизнинг кузатишлари табиатда юз берадиган жараёнларни чуқур ўрганишни, уларни моҳирлик билан бошқаришни алоҳида таъкидлайди. Саҳройи Кабирнинг беаёв хуружи Африка аҳолисига қанчалик фалокатлар келтираётгани бизга маълум. Кўчма қумлар билан курашишнинг янги усулларини излаш жараёнида бундан бирмунча вақт аввал барханлар бўйлаб қумтутгич ўсимликлар экишни синаб кўрдик.

Ҳалқаланган чўл илони.

Ўшанда бу ғоят ажойиб ғоя бўлиб туюлган эди. Бироқ ер остига чуқур илдиз отган қора саксовуллар қурий бошлади, уларнинг ёнида ўсадиган гиёҳлар қовжираб кетди. Қумтутгич ўсимликларнинг илдизлари сувни барханлар орасидан шимиб олгани, ер остига эса намлик етиб бормагани маълум бўлди. Туриб қолган қумлар эса, ёмғирларга қалқон бўлиб қолар экан ва ҳаводан тушган ёғингарчиликни ер остига ўтказмас экан. Бу эса, Қорақум саҳросида ер ости сувларининг камайиб кетишини билдиради...

Мушуксимонлар оиласига мансуб Қоракал ҳайвонини бундай хотиржам ҳолатда камдан-кам учратасиз.

Атрофимизда чорва яйловлари бўлгани яхши, аммо бу яйловлар қўриқхонамизни кичиккина оролчага айлантириб қўяётир. Туялар ва қўйқўзилар гиёҳларни еб, босиб-янчиб кетади, бу билан табиатнинг мувозанати бузилади. Шуниси таассуфлики, саҳро ўрмони ҳисобланган қора саксовуллар табиий равишда фақат Репетек қўриқхонасида (атиги 5 процент территорияда) сақланиб қолган. Яхши муҳофаза этилмаса, уларни кесиб кетадиган ҳам учраб туради.

Темир йўлнинг нариги тарафида, биздан анча нарида улкан қум карьери мавжуд. Унинг остида йиғилган сувлар кичкина кўл ҳосил этган. Бу кўл эса, айрим учар қушлар ва ҳайвонлар учун ҳаёт манбаи ҳисобланади. Аммо Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ходимларининг қум карьерида ҳали ҳам ишлаётганлиги, қум ташиётганлиги туфайли бу ерда экскаваторларнинг тириллаши ва моторларнинг гуриллаши тингани йўқ. Бир маҳаллар қўриқхона учун яхши дўст бўлган маҳкум бошқарма эндиликда қушлар ва ҳайвонларни кўлдан қуркитиб юбормоқда. Қум карьерининг ўзи эса, саҳронинг кўплаб гектарларини емирмоқда ва қўриқхонанинг ер ости сувларини пастлатиб юбормоқда.

Менинг устозим, таниқли саҳрошунос олим, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти Оғажон Гелдиевич Бобоев, табиат жуда нозик, унинг минг йиллар давомида қарор топган экологик мувозанатини «сергайрат ўзлаштирувчилар» тез орада ишдан чиқариб қўйишлари мумкин, деган сўзларни ҳамиша такрорлб келади. СССРдаги бошқа бир неча қўриқхоналар қатори ЮНЕСКО томонидан халқаро биосфера қўриқхонаси деб эълон қилинган бизнинг Репетек ўз вазифасини бажариши учун унинг майдонини тезликда икки баробар кўпайтириш зарур. Биосфера комплекс ишларни, кенг миқёсларни тақозо этади. Демак, бундан буён биз шу муҳитдаги ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини комплекс ўрганишимиз лозим. Масалан, Қизил китобга ёзилган йўлбарслар оиласига мансуб бўлган бир жуфт қоракал ҳайвонини сақлаш учун жуда кенг территория керак. (Бу хил ноёб ҳайвонлар Туркманистондан ташқари фақат Африкада учрайди.) Саҳродаги бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида ҳам шу хилдаги гапларни айтиш мумкин.

Қўриқхона хизматчиларининг ташвишлари кўп, марказий қўрғонни кенгайтиришга яна катта режалар белгиланган. «Инсон ва биосфера» халқаро программа асосида муҳим тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳитни ўрганиш ва сақлаш махсус программаси бўйича курслар ишлаб турибди. Мазкур курсларнинг тингловчилари — уларнинг кўплари ривожланаётган мамлакатлардан келишган. Фақат саҳронинг назарий муаммоларини ўрганибгина қолмасдан, бизнинг қум-саҳро станциямизда тажриба ўрганадилар, қумни мустаҳкамлашнинг, яйловни бойитишнинг, саҳро шароитида тупроқ ҳосилдорлигини сақлашнинг ҳар хил усулларини кўрсатувчи муваффақиятларни ўз кўзлари билан кўрадилар.

Қорақумдаги қўриқхона одамларга хизмат қилиш фазилатини йилдан-йилга оширмоқда.

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН...

ҲАЖВИЯ

Ошхонадан чой дамлаб келаётган Ойниса эшикнинг тарақлаб очилишидан чўчиб, қўлидаги чойнакни остонага қўйди-да кўча эшик томонга лапанглаб югурди. Эшикда эрига дуч келиб, урилиб кетишига бир баҳя қолди.

— Ваҳимангиз қурсин, дадаси, нақ ўтакамни ёраёздингиз. Нима бало, осмон узилиб ерга тушдими? Намунча ҳовлиқмасангиз?— деди кўксига туфлаган бўлиб.

Абдуваққос хотинига безрайиб қараганча:

— Осмон ҳам гапми, ундан ҳам каттароғи елкамда турибди,— дедида тўғри суви оқиб турган кран ёнига бориб муздек сувга юзини шапатилаб ювди. Хотини унинг елкасига сочиқ ташлади. Абдуваққос поездга кечикаётган одамдек шошапиша юз-қўлини артиб хотинига юзланди:

— Иш чатоқ, хотин, кутилмаганда меҳнат интизомига бағишланган мажлис бўлди. Сўзга чиқмаган одам қолмади. Ҳамма гапдон бўлиб кетибди. Менинг ҳам шогирдим сўзга чиқиб, роса пўстагимни қоқди. Чангим оламни тутиб кетди. Ҳали ҳам энтикиб нафас олаяпман. Гўёки ёлғиз мен — прогулчи, мен бракчи, менинг ишимнинг унуми йўқ эмишки, дўконларда ўтмай қайтиб келаётган пойабзалларнинг ҳаммасида менинг тамғам босилган эмиш...

У хотинига қайта тикилди, гўё ҳаммасига у сабабчидек хўмрайиб, томоғини қириб олди-да сўзида давом этди:

— Нима деди, дегин. Тушлик пайтларда иштаҳага юз эллик грамм оқидан отиб олармишман. Ахир турган-битгани бўҳтонку, буларнинг! Ичсам, ишдан кейин ичаман, аммо иш вақтида ҳар замонда бир...— Абдуваққоснинг томоғига бир нима келиб тиқилиб қолди. Томокдагини ютгунча хотини илиб кетди:

— Туҳмат эмиш, қанақасига туҳмат бўлсин, бетга айтганнинг заҳри йўқ, мана, мажлисдан кейин ҳам отиб олиб келибсиз-ку!— деди хотини лабини буриб.— Сиз илгариги Абдуваққос эмассиз. Узингиз кўчадаю, уйда соянгиз қолган.— У гапирганн сари йўлда отиб келгани юз эллик грамм унинг ҳоврини ошириб борар, ўпкасини тўлдириб, ғашига қамчи босар эди. Нима десин: «Тўғри, ҳамма гапинг тўғри», деса, хотини олдида тили қисилади, индамади. Хотин яна авж пардаларга чиқиб кетди:

— Бундан бир йил илгари ким эдингизу, ҳозир ким бўлдингиз. Номусга ўлдирдингиз-ку, одамни. Бу ёқда меҳнат интизоми бўлса... Сиз эккан тераклар шохи кесилиб, хивич бошингизга тушяпти. Уйлаб иш кўринг. Бу ёғи қуда-андалик бўладиган вақтингиз ҳам тоғларнинг ортида эмас...

Аёл, аёллигича бориб: охири чидамай кўзига ёш олди. Абдуваққоснинг кўнгли бўшади. Ўпкасида йиғилиб турган ҳоври бир чуқур нафас олганида чиқиб кетди шекилли:

Ғ. АЛИМОВ чизган расм

— Сен қаёқдан биласан менинг айниганимни?— деди юмшаб.

— Ойни этак билан ёпиб бўлармиди! Айбингиз фақат ўзингизга аён эмас. Уша «отиш» сабилдан қутулсангиз, ҳаммаси ўз-ўзидан ўрнига тушади-қўяди.

Абдуваққос шу тун бошқа хонага кириб тўшак ёзиб кўрпага бурканиб ётиб олди. Мажлисдаги ҳамма аччиқ гаплар баданига сингиб, ўзига ўзининг хўрлиги келди, алламаҳалгача тўлғаниб ётди.

Абдуваққос эрта уйғонди. Аввалги одатига кўра кран тагига бориб, муздай сув сачратиб роса ювинди. Айвонда нонушта тайёрлаётган хотинига яқинлашиб, биринчи бўлиб ўзи салом берди.

— Ваалайкум ассалом!— деди хотини ҳам кўнгли ёришиб.

Абдуваққос ишга барвақт кетди. Кун бўйи ҳеч ким билан гаплашмади. «Ҳа» ҳам демади, «Йўқ» ҳам демади. Ҳатто ўз шогирди келиб овқатга чорласа ҳам, миқ этмай ишга зўр бераверди.

Кечқурун пивохона ёнидан ўтаётганда буфетчи ошнасига кўзи тушди. Индамай ўтаверди. Йўлдан икки дона атиргул олиб, газетага ўради-да, автобусга чиқди.

— Ойниса бир хурсанд бўлсин,— дедию ўзининг кўнгли ҳам гул-гул очилиб кетди...

Анвар САИДУМАРОВ

Ҳажв-ТИКАНАК

АВТОБУС МУАММОСИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Автопарк бошлиғи Теша Болтаевич хизмат машинаси бузилиб қолгани учун ишга автобусда борадиган бўлди. Бекатга пиёда келиб, тўпланган йўловчилар билан автобус кута бошлади.

Бир йўловчи. Тавба, бир соатдан бери автобус бўлмаса-я, бу қандай гап ўзи?

Қари йўловчи. Манови жадвалда автобус ҳар ўн беш минутда қатнайди, деб ёзиб қўйилган-ку?

Аёл йўловчи. Энди нима қиламан-а, ўғлим боғчадан, ўзим ишдан кеч қоладиганга ўхшаймиз. Юр, ўғлим, кетдик.

Қари йўловчи. Буларнинг бошлиқлари қаерда юраркин-а?

Теша Болтаевич. Тўғри, айтасиз, отахон, уларнинг адабини бериб қўйиш керак!

(Шу пайт узоқдан бир томонга қийшайиб келаётган автобус кўринади. Йўловчилар қатори Теша Болтаевич ҳам типирчилаб қолади.)

Теша Болтаевич. Автобусга олд эшикдан чиққан маъқулмикин ё орқа эшикдан?

Бир йўловчи. Бу эпчиллигингизга боғлиқ, муллака!

Иккинчи йўловчи. Шу келишда тўхтамас-ов, аввалгиси ҳам тўхтамай ўтиб кетган эди. (Ғала-говур кучаяди.)

Қари йўловчи. Ў-в, ноинсоф, тўхта, тўхтасанг-чи!..

Биринчи йўловчи. Айтмадимми тўхтамайди деб.

Иккинчи йўловчи. Номерини ёзиб олиш керак, номерини!

Теша Болтаевич. Бўлди, бўлди, унинг номери менга аён, у билан ҳали ўзим гаплашиб қўяман!

(Теша Болтаевич автобусдан умидини узиб, ишга пиёда жўнайди. Идорага жуда кечикиб етиб боради. Қабулхонасида кутиб турган шофёрлар уни кўриб, майин жилмаядилар. Бошлиқ ичкари кириб, котибани чақиради.)

Котиба. Лаббай, Теша Болтаевич?

Теша Болтаевич. Қабулхонада ўтирган шофёрларга айтинг, киришсин!

(Қабулхонадагилар бошлиқнинг сўзларини эшитиб: «Боплаб таъзиримизни ейдиган, энди автобус ҳайдашда графикдан чиқмайдиган бўлдик» деб пичирлашиб, бирин-кетин ичкарига кирадилар).

С. САЙДУЛЛАЕВ

Расмларни **А. ХОЛИҚОВ** чизган

— Анави сотувчи жуда хушмуомала бўлиб қолибдими!

— Харидор ўзининг эри-ку.

«ТАБИАТСЕВАР» БОШЛИҚ.

— Жуда соз! Мана бу занг босганларни темир-терсакка топширинг, кўкарган ниҳолларни эса авайлаб кўчат қилиб ўтқазинг.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Қуёшли республикамиз меҳнаткашлари Халқаро бирдамлик куни 1 Майни зўр тантана билан байрам қилдилар. Суратда: Тошкентдаги В. И. Ленин номли Қизил майдонда ўтказилган байрам намойиши.

Н. Шарипов фотоларн

Тўртинчи бет: Рассом Эргаш САПАРОВ асарларидан намуналар: 1. Қизғалдоқ. 2. Йўлда. 3. Тонгда. 4. Хумсон. 5. Сувчи.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сонда «Правда», «Сельская жизнь» газеталари, «Наука и жизнь», «Вокруг света» журналларининг айрим материалларидан фойдаланилди.



ЎСИМЛИКЛАР ЧАЙНВОРДИ

1. Сersoя дарахт. 2. Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик. 3. Оқшом гули. 4. Сабзавот тури. 5. Баҳор кўчати. 6. Кўклам адрларда пайдо бўладиган қисқа умрли ўсимлик. 7. Ҳўл мева. 8. Техника экини. 9. Хушбўй манзарали ўсимлик. 10. Тоғ атиргули. 11. Уруғидан ёғ олинадиган жануб ўсимлиги. 12. Дарахт тури. 13. Хушхўр узум нави. 14. Шифобахш ҳўл мева. 15. Мазаси нордон ҳўл мева. 16. Бегона ўт. 17. Бошоқли дон ўсимлиги. 18. Полиз экини. 19. Ўсимликлар дунёси. 20. Узум ўсинлиги тупи. 21. Эртапишар нордон мева. 22. Сув гули. 23. Попук гулли ўсимлик. 24. Қовун нави. 25. Адир ва тоғларда ўсувчи ўт. 26. Танаси қаттиқ дарахт. 27. Тўп гулли манзарали ўсимлик. 28. Техника экини. 29. Кўкламда етиштириладиган сабзавот. 30. Кузда пишадиган мева. 31. Таомларга солиш учун ишлатиладиган кўкатлар. 32. Олма нави. 33. Дуккакли экин. 34. Меваси йирик узум нави. 35. Шифобахш гиёҳ. 36. Танаси қаттиқ сербарг дарахт. 37. Жийда тури. 38. Игнабаргли дарахт. 39. Тропик, хушбўй ва ширин мева.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: Сарвар **АЗИМОВ**, Воҳид **ЗОҲИДОВ**, Наримон **ИБРОҲИМОВ** (бош рассом), Маҳмуд **МЎЙДИНОВ**, Анвар **САИДУМАРОВ** (масъул секретарь), Саид **ШЕРМУҲАМЕДОВ**, Комил **ЯШИН**, Азиз **ҚАЮМОВ**, Муҳаммадали **ҚЎШМОҚОВ**, Ислиддин **ҲАЙДАРОВ**, Оқилжон **ҲУСАНОВ** (бош редактор ўринбосари), Ҳаким **ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ**.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими—325832.

Босмахонага туширилди 17.03.83 й. Босишга рухсат этилди 18.04.83 й. Р — 07183. Қоғоз 70×108¹/₈. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 246250. Буюртма № 409. Нашр Б—113.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП. «Правда Востока» кўчаси. 26.

Анҳор бўйи сўлим-сўлим...
Н. Шарипов фотоси

1

2

3

ISSN 0134 2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.

4

5